


XX АСР ЭРОН НАСРИ

Сарвиноз Сотиболдиева



TOSHDQ' FAU



0000003900

ЭРОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИНING ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ЭЛЧИХОНАСИ ХУЗУРИДАГИ
МАДАНИЯТ ВАКОЛАТХОНАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК
ИНСТИТУТИ

Сарвиноз Сотиболдиева

*XX АСР
ЭРОН НАСРИ*

«ФАН»

Тошкент—2006

2293 3624

SHER NAVOIY NOMIDAGI
ToshDO'TAU
AXBOROT-RESURS MARKAZI

Монография Тошкент давлат шарқшунослик институти Илмий кенгашининг 2006 йил 29 июндаги мажлисининг қарори билан нашрга тавсия этилди.

Масъул муҳаррир: ф.ф.д. А. Куронбеков
Форсча сўзбоши муаллифи: ф.ф.д. А. Вафойи
Тақризчилар: ф.ф.н. С. Юлдашева, ф.ф.н. О. Шокиров

انتشارات بین المللی الهدی
تهران - صندوق پستی ۴۳۶۳-۱۴۱۵۵
تلفن: ۶۴۰۶۲۶۱ - فاکس: ۶۴۰۶۲۴۰



نشر معاصر ایران

ناشر: رایزنی فرهنگی سفارت جمهوری اسلامی ایران در تاشکند

گردآورنده و مترجم: دکتر سروناز ساتیب آلدیوا

آماده سازی و طراحی: حسن ثابت جو

نوبت چاپ: اول

تعداد: ۱۰۰۰ نسخه

تاریخ انتشار: سال ۱۳۸۵

چاپ: انتشارات بین المللی الهدی و انتشارات فن

شابک: ۹۶۴ - ۴۳۹ - ۱۶۵ - ۹

КИРИШ

Ўзбек шарқшунослигида форс шеърляти борасида талайгина илмий тадқиқотлар мавжуд. Амир Хусрав Деҳлавий, Абдурахмон Жомий, Абулқосим Фирдавсий, Абу Абдуллоҳ Рудакий, Шайх Муслиҳиддин Саъдий, Ҳофиз Шерозий ва бошқа форс мумтоз шеърлятининг йирик намояндалари, шунингдек замонавий шоирлар ижоди ўрганилиб келинган ва ўрганилмоқда. Афсуски, Эрон насрининг тадқиқ этилиши хусусида бундай дея олмаймиз. Фикримиз исботи тариқасида биргина Эрон романи бўйича амалга оширилган тадқиқотларга назар ташласак.

Хорижий шарқшуносликда, хусусан, рус, грузин, француз шарқшунослигида форс ҳикоянавислиги, қиссанавислиги, драматургиясига бағишланган талайгина илмий тадқиқотлар амалга оширилгани ҳолда Эрон романчилиги, айниқса, унинг ҳозирги тараққиёти, жанр хусусиятлари, асосий тамойиллари, қолаверса, алоҳида ёзувчиларининг романлари, уларнинг поэтик маҳорати, асарларидаги психологизм сингари долзарб муаммолар комплекс тадқиқ этилмаган. Бу хулосага келишдан олдин республикамизнинг асосий кутубхоналари, Осиёни ўрганиш Франция марказининг кутубхонаси, Ленин номидаги Москва Давлат кутубхонаси, Россиядаги Осиё ва Африка мамлакатлари институти, Шарқшунослик институти фондида сақланаётган форс насри, хусусан романчиликка оид илмий тадқиқотлар билан танишиб чиқдик.

Рус ва хорижий шарқшунослар орасида замонавий форс насрига қизиқиш XX асрнинг биринчи ярмида бошланган. К.И.Чайкин, А.А.Ромаскевич, Ю.Н.Марр, Е.Э.Бертельс, Е.Браун, Я.Рипка, Р.Г.Левковскаяларнинг изланишлари фикримиз далилидир.

Рус шарқшунослари ичида илк бор проф. Е.Э.Бертельс Эроннинг замонавий адабиёти билан шуғулланган. Е.Э.Бертельс-нинг 1928 йили чоп этилган «Очерки истории персидской литературы» китобининг «Персидский исторический ро-

ман XXв.» деб номланган алоҳида бобида тарихий мавзуда ёзилган илк романлар ҳақида маълумот берилган. Ишнинг бошидаёқ тадқиқотчи «...задачей настоящей работы является анализ персидского романа XX в. с целью 1) вскрыть его социальный эквивалент и 2) показать его зависимость от европейской литературы» (таъкид бизники) дея эътироф этади. Ишда 1920-1930 йиллар мобайнида чоп этилган бешта тарихий роман, уларнинг қисқача сюжети баёни берилди. Е.Э.Бертельс Эрон тарихий романларининг шаклланишида муҳим рол ўйнаган ички ва ташқи омиллар, хусусан, 1905-1911 йиллар Эрондаги буржуа инқилоби, рус, инглиз капитали оқимининг Эронга кириб келиши, кўплаб француз романларининг форсийга ўгирилиши ва бунинг сабаблари ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини билдиради. Олим бу даврдаги романларни бадиий таҳлил қилиш «мақсадга мувофиқ эмас, зеро уларнинг бадиий ва ижтимоий қиммати у қадар катта эмас», дея хулоса чиқаради. Олим Эрон романининг шаклланиши-да Европа адабиётидан бўлган таъсир масаласини эътироф этгани ҳолда форс насрининг шаклланишига самарали асос бўлган эронликларнинг бой халқ оғзаки ижоди, қадимги адабий анъана ва бой адабий меросини назардан четда қолдиради.

30-йилларда шарқшунос олим Ю.Н.Март¹ Муҳаммад Боқер Хусравийнинг «Шамс ва Тўғро» тарихий романи таҳлилини амалга оширади ва «ўқилиши осон», баённинг «ҳаққонийлиги», «ёрқин техникаси», «оддий ва ифодали тили» билан ажаралиб туради, деб баҳолайди.

Грузиялик шарқшунос олим М.Н.Иванишвили ҳам Муҳаммад Боқур Хусравийнинг «Шамс ва Тўғро» асарининг муфассал таҳлили жараёнида Эронда тарихий романининг илдизи халқ ҳикоятларига бориб тақалади деган хулосага келади.

Польшалик тадқиқотчи Ф.Махальскийнинг бу борадаги изланишлари² ҳам диққатга сазовор. Унинг «Персидский исторический роман XX века» номли китобида ўттизга яқин

тарихий роман таҳлил этилади. Китобда тарихий романларнинг тили ва услуби каби масалаларга тўхталади.

Х.Г.Корогли «Современная персидская литература» (1965) номли китобида Санъатизода Кермонийнинг тарихий романлари таҳлиliga тўхталиб, Эронда тарихий роман ривожланиши илдишларини фақат Фарбга тақлид деб бирёқлама баҳолаш эмас, унинг чуқур адабий анъаналарга, хусусан мумтоз ҳикоянавислик ва қиссачилик анъаналарига бориб тақалишини таъкидлайди.

Д.С.Комиссаровнинг илмий изланишлари Эрон насрчилиги, жумладан, романчиликка бағишланади. Олимнинг Содиқ Ҳидоят прозасига бағишланган ишлари, айниқса, диққатга сазавордир.³ Ўз очеркларида олим форс романининг муҳим жиҳатларига бағишланган алоҳида қисмлар киритган.⁴

Комиссаровнинг 60-йилларда насрчилик соҳасида амалга оширган бир қатор изланишларида форс романи ва повестларида реалистик тамойилларнинг кучайиши масаласи Фуломхусайн Соидий («Азадороне Баял» - «Баял азадорлари» повести), Али Муҳаммад Афғоний («Шўвҳаре Оҳу хонум» - «Оҳу хонимнинг эри» романи), Муҳаммад Али Эсломи Надушан тахаллуси М.Дидевар («Афсоне ва афсун» - «Эртак ва мўъжиза» романи) ва Жамол Мирсодиқий («Дэрознойе шаб» - «Узун тун» романи) каби ёзувчиларнинг ижоди мисолида талқин этилган.

Тарихий романларга бағишланган тадқиқотлар ичида Г.Қодировнинг «Современный персидский исторический роман» (1982 й.) номли монографияси диққатга сазавордир. Тадқиқотчи форс тарихий романларининг келиб чиқиш омиллари ва тараққиёти, уларнинг таснифи, асосий тамойиллари ҳақида қимматли фикр ва мулоҳазалар билдиради ва уларни илмий далиллайди. Шунингдек, нафақат Эронда, балки хорижда ҳам катта қизиқиш уйғотган тарихий асарлар, хусусан, Зайнал-Обидин Раҳнамо ва унинг «Пайомбар» («Пайғамбар»), «Зендегони-йе имом Ҳўсейн» («Имом Хусайиннинг ҳаёти») ҳамда Зайнал-Обидин Мўътаман-нинг «Ошийонэ уқоб» («Бургут уяси»), Санъатизода Кермоний-нинг «Нодер фотэхе

Дехли» («Нодир Дехли фотиҳи») роман-ларининг илмий-бадий таҳлилини амалга оширди.

Д.Д.Икромийнинг «Современный персидский социальный роман» номзодлик диссертациясининг (1972 й.) 1-бобида Эронда ижтимоий романнинг шаклланиш жараёни, илк ижтимоий романлар «Техроне махуф» («Қўрқинчли Техрон», М.Козимий), «Рўзгоре сийоҳ» («Қора кунлар»), «Инсон», «Интиқом» (Аббос Халилий), «Хумо», «Паричехр», «Зебо» (Муҳаммад Ҳижозий), «Оҳ менинг орзуларим ёки Паричехр», «Ишқ ва кўз ёшлари», «Фоҳиша», «Ёлгон», «Етим қиз» (Жавод Фозил) ва, хусусан, Аҳмад Хўдододнинг «Рўзи сияҳе коргар» («Ишчининг оғир қисмати») романида кўтарилган маиший ва ижтимоий муаммоларга тўхталган бўлса, II бобда Саид Нафисий («Ниме роҳе беҳешт» - «Жаннатнинг ярим йўлида», 1951-1953), Бузург Алавий («Чешмҳояш» - «Унинг кўзлари», 1952) ва Муҳаммад Афғоний («Оху хонимнинг эри», 1961) романларида кўтарилган ижтимоий масалалар талқин этилган.

Грузиялик шарқшунос Л.Г.Гиунашвилининг бир қатор тадқиқотлари Эрон насри, хусусан, Саид Нафисий ижодига бағишланган.⁵ «Художественная проза Саида Нафиси» монографиясида машҳур ёзувчи Саид Нафисийнинг иккита ҳикоялар тўпламига киритилган асарлар билан бир қаторда, адибнинг «Фарангис», «Нимэ роҳэ беҳешт», «Оташҳойе ноҳофтэ» каби романлари, улардаги образлар системаси, ёзувчининг бадий маҳоратига оид фикрлар берилган. Таъкидлаш жоизки, ушбу монографияда Саид Нафисий романларининг поэтикаси, композицияси, сюжети, образлар тизими, бадий тасвир воситалари сингари унсурлар атрофлича тадқиқ этилди. Бироқ, олима 70-йиллардаги деҳқонлар мавзусида яратилган насрий асарлар таҳлили билан чегараланади. Инқилобдан кейинги адабиёт таҳлилга тортилмайди.

Эрон романига бағишланган тадқиқотлардан яна бири Кристоф Балай⁶ нинг докторлик иши асосида ёзилган «Пейдойеше рўмоне форси» («Форс романининг шаклланиши») номли монографияси бўлиб, унда форс романининг

шаклланишига туртки бўлган ички ва ташқи омиллар (матбуот ва нашриётнинг йўлга қўйилиши), «Амир Арслон» дostonи ҳақида, А. Толибовнинг маърифатчилик руҳида ёзилган «Аҳмаднинг китоби» повести, Б.Хусравийнинг «Шамс ва Тўғро» тарихий романи, М.Козимий, Муҳаммад Ҳижозийнинг юқорида номлари зикр этилган романлари ҳақида фикр юритилади.

Жаҳонгир Доррий⁷нинг тадқиқотларида Эрон романларида анъана ва новаторлик, фольклор элементлари, хусусан, ҳажвий халқ асарларининг таъсири каби масалалар Содиқ Чубакнинг «Санги сабур» романи таҳлили мисолида талқин этилган. Шунингдек, инглиз ёзувчиси Жеймс Мориер қаламига мансуб «Ҳожибобо Исфаҳонийнинг саргузаштлари» сатирик романи ҳақида маълумот берилган.⁸ Тадқиқотчининг 80-йиллар Эрон романчилиги хусусида билдирган фикр ва мулоҳазалари⁹ ҳам ўзининг долзарблиги, янгилigi билан диққатимизни тортади. Булар орқали 80-йилларнинг машҳур романистлари: Хусрав Насимий («Қир ёқали одамлар», 1982), Аҳмад Маҳмуд («Қўшни-лар», «Бир шаҳар тарихи», 1981) асарлари ҳақида, 1979 йилги Эрон инқилоби, унинг ижтимоий ҳаёт ва адабий жараёнларга кўрсатган таъсири, бу давр романчилигидаги асосий тамойиллар, ғоявий йўналишлар, Эрон насрчилигининг ютуқ ва камчиликлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиш мумкин.

Жаҳонгир Доррийнинг тадқиқотлари шуниси билан эътиборга моликки, олим инқилобдан кейинги даврда яратилган насрий асарларни ҳам таҳлилга тортган. Доррий ўзининг «Становление и развитие современной персидской художественной прозы Ирана, её жанровые и стилистические особенности» (2000 йил) номли докторлик ишида 80-90 йилларгача бўлган даврдаги адабий жараёнлар, Эронда наср тараққиётининг асосий тамойиллари, бу даврда ривожланган адабий оқим ва йўналишлар, ёзувчилар-нинг методи масаласи каби долзарб мавзуларни ёритиб берган.

Ўзбек шарқшуносларидан Ж.Ҳазратқуловнинг «Художественная проза Голамхосейна Саэди» номли

номзодлик иши машҳур Эрон драматурги Фуломхусайн Соидий ижодига бағишланган.¹⁰ Ишда форс насрида кечаётган янгилашниш жараёнлари, Ғ.Соидий-нинг таржимаи ҳоли, ҳикояларининг ғоявий-тематик таҳлили, шунингдек, адибнинг ҳикоя ва пьеса яратишдаги бадиий маҳорати каби масалалар очиб берилди.

Юқорида келтирилган маълумотлардан келиб чиқадиган дастлабки хулосаларимиз қуйидагича:

1. Наср, хусусан роман тадқиқотига бағишланган махсус илмий ишлар, монографиялар, алоҳида романларнинг сўзбошида чоп этилган фикр-мулоҳазалар, илмий конференцияларда қилинган маърузалар¹¹ ва илмий тўплам ва журналларда келтирилган мақолаларнинг¹² барчасида 1920-1980 йиллар оралиғида ёзилган романларнинг маълум бир қирраси очиб берилган. Бу тадқиқотларда асосан, З.Мароғайи, З.Раҳнамо, С.Кермоний, М.Қозимий, А.Халилий, М.Ҳижозий, А.Афғоний, Ж.Фозил, С.Нафисий, Б.Алавий, А.Ҳўдодод каби ёзувчиларнинг роман-ларига қайта-қайта муружаат этилган ва бу романларнинг турли томонлари мазмуний ва ғоявий жиҳатлари тадқиқ этилган (Ж. Доррий тадқиқотлари бундан мустасно).

2. Олиб борилган тадқиқотларнинг аксариятида замонавий Эрон адабиётида роман жанрининг шаклланиши, бу жараёнда муҳим роль ўйнаган ички ва ташқи омиллар: а) 1905-1911 йилги Эрон инқилоби; б) Эронда янги, Европа типидagi Дорилфунуннинг очилиши; в) матбуотнинг тараққий этиши; г) таржима асарларининг пайдо бўлиши; д) маърифатчилик фаолиятининг кенг тарқалиши (Мирзо Малкумхон, Абдурахим Толибов, Зайнал-Обидин Мароғайи фаолияти) ва буларга параллел равишда Эрон адабиётининг бой қадимий меросга ва насрчилик, хусусан, ҳикоянавислик анъаналарига эга эканлиги таъкидланади.

3. Тадқиқотларда, Эрон романлари кўпроқ ғоявий аспектда ўрганилиб, унинг поэтик хусусиятлари назардан четда қолган (Кристофф Балай монографияси бундан мустасно). Бугунги кунга келиб бадиий асарларни санъат ҳодисаси сифатида

илмий-эстетик таҳлил қилиш зарурати сезилади. Сўнги ўн йилликда (яъни, 1990-2000 йиллар оралиғида) Эрон насрчилигида, хусусан, романчиликда содир бўлган ўзгаришлар, энг янги форс романларининг жанр хусусиятлари, поэтикаси, асосий тамойил-лари масаласи эроншуносларимиз олдида турган долзарб ва ечимини кутаётган муаммолардандир.

Роман доимий ривожланишда бўлган, давр қиёфасини кўрсатадиган жанр эканлигини ҳисобга олсак, келгусида, бизга замондош бўлган Эрон кишисининг характери, дунёқараши, руҳияти, Эрон халқининг урф-одатлари ва қадриятлари, орзу-умидлари ва армонлари акс эттирилган энг сара романлар ҳақида **Ўзбек тилида фундаментал илмий тадқиқот**нинг амалга ошири-лишини айни муддао деб ҳисоблаймиз.

Эътиборингизга ҳавола этилаётган мазкур рисолада замонавий форс бадиий насрининг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари ўз ифодасини топган. Форс насрининг манбалари, жанрлар таснифи, услубий ўзига хослиги каби масалалар ҳам ёритилган.

XX аср 50-йиллари... Бу сўнги ярим аср Эрон маънавий ҳаётида жуда катта ўзгаришлар бўлиб ўтганлиги билан характерланади. Доктор Мўсоуддиқ раҳбарлигидаги нефтни миллийлаштириш учун олиб борилган миллий-озодлик ҳаракатлари, шоҳнинг мамла-катдан қочиши, оқ инқилоб ва Ислом инқилоби хуллас жуда кўплаб бўҳронлар содир бўлди. Шунга қарамай Эронда мана шу ярим аср мобайнида энг замонавий ва юксак дидли китобхоннинг ҳам талабларига жавоб бера оладиган замонавий наср шаклланди.

Замонавий Эрон насрининг хусусиятлари ўтган аср, хусусан, XIX асрнинг охири XX асрнинг биринчи ярми насри хусусият-лари билан солиштирилганда янада ёрқинроқ намоён бўлади. Энг аввало, бу мутлақо янги адабий тил бадиий наср поэтик тилинининг яратилиши, анъанавий адабий жанрлар тизимининг ўзгариши, хусусан новелла ва роман жанрининг

пайдо бўлиши, сатиранинг замонавий адабиётнинг энг етакчи жанрларидан бирига айланишида кўринадди.

XX аср романчиликда реалистик методнинг асослари шаклланди. Шу билан бирга танқидий реализм форс анъанавий адабиётга хос дидактик унсурларни ҳам сақлаб қолди. Роман жанрининг шаклланишида ғарбий европа ва рус адабиётининг ҳам таъсири сезиларли бўлди.

50-йилларнинг иккинчи ярми ва 60-йилларнинг ўрталарида адабиётнинг қаттиқ таъқиб остига олиниши натижасида кўпроқ тарихий романларга, таржима асарлар ва мифологияга мурожат этиш кучайди. Таржима учун танланган асарлар ўзининг юқори савияси билан китобхонлар эътиборини тез қозонди. Таъқибларга қарамасдан, илғор ёзувчилар ўз фикр-уғояларини халққа етказиш имконини топа олдилар. Бу ўринда улар мифологиядан унумли фойдаландилар.

60-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб насрда психологик роман жанри етакчилик қила бошлади. 80-йиллардан бошлаб эса, реализм билан бир қаторда, адабиётда модернизм ва унинг турли кўринишлари ривожланди.

Барча насрий жанрларда ҳажвиёт етакчилик қилди, сатирик романлар ёзилди. Эрон ёзувчиларининг етакчи методларидан ҳисобланган танқидий реализм билан бир қаторда адабиёт саҳ-насига лотин америкаси ва Ғарбий Европа адабиётининг таъсирида модернизм, авангардизм, жозибали реализм¹³ кириб келди.

Сўнгги йилларда реализм методи ёзувчиларнинг асосий методи сифатида ўз мавқеини сақлаб қолган. Ёш ёзувчилар томонидан кўплаб психологик роман ва қиссалар ёзилмоқда.

Мазкур рисола ни ёзиш жараёнида форс насрининг етук тадқиқотчилари Х. Обидиний, Я. Орёнпур, Е.Э. Бертельс, Ж.Доррий, Д.С. Комиссаров, Г.Қодиров, Х.Г. Кор-огли, Ж.Ҳазрат-қулов, Гиунашвили, М. Ҳўқуқий ва бошқа бир қатор олимларнинг илмий асарлари ва шу билан бирга форс тилидаги бадиий асарлардан фойдаланилди.

ИЗОҲЛАР

1. Марр Ю.Н. О романе Хосрови «Шамс и Тогра». //Труды Тблесского государственного университета. т.108. -Тбилиси, 1964.

2. Махальский Ф. Персидский исторический роман XX в. //Зарубежное востоковедение; Сб. М., 1961; Franciszek Machalski. Historyczna powiesi perska. (Materialy do studiow nad wspolczesna Literatura Irani). -Krakow, 1952.

3. Очерки современной персидской прозы. -М, 1960; Садек Хедаят. Жизнь и творчество. -М., 1967; Пути развития новой и новейшей персидской литературы. -М, 1982.

4. Новые черты персидского романа и повести 60-х годов. / /Д.С.Комиссаров. Пути развития новой и новейшей персидской литературы. -М, 1982, 39-47-бетлар.

5. Гиунашвили Л.С. С.Нафиси - романист. В книге: Художественная проза Саида Нафиси. Изд-во: «МЕЦНИЕРЕБА». -Тбилиси, 1966, 64-189 с.; Саид Нафиси, ТТГУ, т. 91, 1960; «На полпути в рай», Гулистон, №2, 1962, Душанбе; Саид Нафиси ва романи «Нимарохи бихишт», Шарки сурх, №6. -Душанбе, 1962; Художественная проза С.Нафиси (1916-1953 гг.) Дис. на соиск. кан. фил. наук., ТГУ, 1963; Проблемы становления и развития реализма в современной персидской прозе. Изд-во: «МЕЦНИЕРЕБА». -Тбилиси, 1985.

6. Кристофф Балай-Париждаги INALKO профессори, Эрон адабиёти ва нарраталогия бўйича мутахассис, таржимон, форс насрчилигига оид 30 га якин асар муаллифи. «La genies du roman persan modern» (1998 й.) номли монографияси унинг Эрон романчилиги бўйича ёзган докторлик ишининг версияси. Ушбу монография 1998 йилда 2 марта француз тилида, бир марта форсчага ўгирилган ҳолда Техронда нашр этилди. Осиёни ўрганиш Француз марказида Ушбу монографиянинг ҳар икки тилдаги нусхаси сақланмоқда.

7. Жаҳонгир Дорри адабиётшунос олим, филология фанлари доктори, таржимон. «Персидская сатирическая

поэзия» (1965), «Персидская сатирическая проза» (1977), «Мохаммад Али Жамаль-заде» (1983) китобларининг муаллифи, икки томли «Персидско-русский словарь» (3- изде, 1985) лугатининг тузувчиларидан бири, мумтоз ва замонавий форс адабиёти хусусидаги бир қатор мақолалар муаллифи.

8. Дж. Дорри. Традиционные приемы в творчестве современных иранских сатириков. В книге: Художественные традиции литератур Востока и современность: Традиционализм на современном этапе. -М.: Наука, 1980, 216-232 с.

9. Дж. Дорри. Невежество взрастило слезы... Персидская литература 80-х годов. 24-27 с.

10. Хазраткулов Э. Художественная проза Голамхосейна Саэди. -М., 1977.

11. Махалськи Ф., Комиссаров Д.С. О некоторых особенностях развития основных жанров современной персидской литературы (доклад на XX Международном конгрессе Востоковедов в Москве в 1960 г.). -М., 1960.

12. Бертельс Е.Э. Персидский исторический роман XX в. В кн. «Проблемы литературы Востока», вып.1. -Л., 1932; Розенфильд А.З. О художественной прозе в персидской литературе XX в. //Вестник Ленинградского Университета, 1949, 5-сон.

13. «**Жозибали реализм**» истилоҳини биз «магический реализм»нинг муқобили сифатида ишлатдик. «Магический реализм» тамойилига кўра инсон ўтмиш ва замонавийликни, муъжизавийлик, ғайритабиийлик ва табиийликни, одатийлик ва ноодатийликни ўзида мужассамлаштирган ҳолда реал ҳаётда умургузаронлик қилади. Бундай услубда ёзилган асарларда ҳақиқат ва афсонага йўғрилган реал ҳаёт тасвирланади. Жаҳон адабиётида Г.Маркеснинг «Танҳоликнинг юз йили», «Полковникка ҳеч ким мактуб ёзмапти» каби асарлари «жозибали реализм» нинг энг сара намуналари сифатида эътироф этилади.

I боб. ИЛЖ НАСРИЙ АСАРЛАР

Форс шеърятти Эрон адабиётига жаҳоншумул шуҳрат келтиргани кўпчилик томонидан қайта-қайта эътироф этилади. Дунёга машҳур ёзувчи И.Гёте «Барча шоирларидан форслар фақат еттитасини (Рудакий, Фирдавсий, Низомий, Румий, Саъдий, Ҳофиз, Жомий назарда тутилмоқда) тан оладилар, лекин улар томонидан тан олинмайдиган юзлаб шоирларнинг кўпчилиги мендан кўра юксакроқдир» деб бежиз айтмаган.

Эрон маданий меросида нафақат шеърӣ асарлар, балки турли жанрларда ёзилган кўплаб насрий асарлар ҳам дунёга машҳурдир. X асрлардан бошлаб Мовароуннаҳр ва Хуросон ерларида форс тилида бадий, илмӣ ва динӣ асарлар яратила бошланди. Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сига асос бўлган Дақиқийнинг «Шоҳнома» асари, Кайковуснинг «Қобуснома» (XI), Носир Хусрав-нинг «Сафарнома» (XI), Зоҳирӣ Самарқандийнинг «Синдбоднома» саргузашт асари (XII), Абул Маолийнинг «Калила ва Димна», Дақиқийнинг «Бахтиёрнома» асарлари, Саъдийнинг «Гулистон» (XIII) ва Жомийнинг «Баҳористон» (XV) номли панд-насиҳат типидаги асарлари фикримиз далилидир. Бу асарларда ёзувчилар фикрларига шеърӣ ҳикоя, ибратомуз нақл ёки ривоятлар билан безак берилган. Асарларнинг насрий қисми ҳам ритмга солинган чиройли поэтик тилда ёзилган. Бу асарларнинг аксарияти мунозара, халқ эртаклари ёки сажъ усулида ёзилган бўлиб, замонавий тассавурдаги наср тушунчасидан йироқ. Бироқ бу уларнинг бадий қиммати асло туширмайди.

Форс мумтоз адабиётининг бу қадар бой ва ранг-баранглиги кўп жиҳатдан ўша халқ фольклорининг бойлиги билан ҳам белгиланади. Эронда қадимдан ҳикоятлар, қаҳрамонлик, тарихий ва маиший характердаги латифалар, араб ва ҳинд эртакларининг қайта ишланган вариантлари, Мулла Насриддин ва содда Даҳоу ҳақидаги кўплаб ҳикоятлар мавжуд бўлган. «Тўтинома», «Бахтиёрнома» сингари

эртакнамо усулда ёзилган насрий асарларнинг турли вариантлари ҳозирги кунга қадар ҳам Эронда қайта-қайта чоп этилмоқда.

Насрда ёзилган эртақларга қисса ва ҳикоятлар ҳам киради. Афсуски, буларнинг кўпчилиги бошқа тилларга ўгирилмаган ва етарлича тадқиқ этилмаган. Эрон халқларининг насрий эртақлари ўз илдизлари билан қадимги эрон адабиётига бориб тақалади ва учта манбага эга, булар: қадимги фольклор, ҳинд адабиётидан таржима қилинган асарлар, қадимий тарихий солномалардир.

Эртақ сюжетлари учрайдиган энг қадимги ёзма ёдгорлик «Авесто» ҳисобланади.

Насрий эртақ жанрларининг ривожланиши ва такомиллашиши Сосонийлар даври (III-VIII асрлар)даёқ ровийлар мактабининг пайдо бўлишига сабаб бўлди.

Ўрта асрлар шаҳар маданиятининг пайдо бўлиши ва шаклла-ниши туфайли насрий жанрлар сезиларли тараққий этди. Ровийларнинг давомчилари ҳисобланган қиссахонлар тарихий меросни ўз фантазиялари, чиройли савол-жавоблар, қаҳрамо-нона, шиддатли жангларнинг тасвири ва бошқа эпизодлар билан бойитдилар. Натижада, қисқа баён шаклига эга бўлган насрий жанрлардаги асарлар кўп жилдли эпопеяларга айлана борди. Барча Шарқ мамлакатларида VIII XII асрлардаёқ кўп жилдли роман-эпопеялар мавжуд эди, бироқ бизгача улардан айрим парчалар, ёки энг сўнгги нусхалари етиб келган.

Ўрта асрларда шеърый асарлар кўпроқ шаклий жиҳатларига асосан тасниф этилса, насрий асарлар «мазмун»га кўра гуруҳланган. Масалан, «саёҳат» китоби, «аёллар макри», «қаҳра-монлар» ва «хасислар», «ошиқлар», «руҳлар» ҳақидаги асарлар фикримиз далилидир. Албатта, бу тарзда «таснифлаш» Ўрта асрларга хос бўлиб, насрий асар спецификасини ўзида тўлиқ аке эттирмайди. Носир Хусрав қаламига мансуб «Сафарнома» (XI аср) саёҳатлар китоби, XII асрда Заҳирий Самарқандий томони-дан ёзилган доно Синдбод ҳақидаги «Синдбоднома» асари (Эронда машхур

бўлган «Синбоднома» асари асли ҳинд заминида пайдо бўлган ва кейинчалик форс тилига ўгирилган, асарнинг баъзи бир версиялари «Минг бир кеча» да ҳам мавжуд) «аёллар макри, вафосизлиги», Дақоиқийнинг «Бахтиёрнома» асари эса шоҳларга «шошилич қарор чиқаришнинг зарари» ҳақида панд-насиҳат берувчи асарлар гуруҳига киритилган. Бу китобларнинг сюжет қурилиши ва композицияси «қисса ичида қисса» ёки «қолиплаш» усулида баён этишга асосланган.¹ Айтиш керакки, қолиплаш йўли билан катта-кичик бадий асарларни бир ерга тўплаш, система-лаштириш имкони туғилди. Жумладан, «Минг бир кеча» да уч юздан ортиқ эртак ва қисса жамланган. Бу халқ хаёлотидан дурларидан йиғилган бутун бошли бир хазинадир.

Қолиплаш усулида яратилган асарлардан яна бири «Тўтинома» бўлиб, унда аёлни хиёнат йўлидан қайтариш учун тўтининг тилидан панд-насиҳат мазмунидаги ҳикоятлар берилади.

«Бахтиёрнома» XIII асрнинг бошларида ёзилган бўлиб, муаллифи ҳақида маълумотлар йўқ. Асар сюжети «ўн вазир ҳақида қисса»дан олинган бўлиб, бу қисса форс ва бошқа Яқин Шарқ халқларининг тилларида турли талқинларда кенг тарқалган ва жуда машҳур бўлган. Унда Бахтиёрнинг дунёга келиши, ҳаётда катта муваффақиятларга эриши ва ҳасадгўй вазирларнинг унга қилган ёмонликлари акс этади. Қахрамонни ўлимга маҳкум этган шоҳнинг қаҳрдан қайтариш учун Бахтиёр тилидан турли панд-насиҳат характеридаги ҳикоятлар келтирилади.

«Самаке айёр» «олижаноб қароқчи» Самак ҳақида. Асарда шоҳ Хуршид ва унинг Чин маликаси Моҳпарига бўлган севгиси қолипловчи ҳикоя вазифасини ўтайди.

Ҳикоят жанри Ўрта аср шаҳар ҳаёти маҳсулидир. Халқ орасида «саргузашт қиссалар ўқиш, ривоят ва латифалар, тамсил-масаллар ила нутқни безаш»² хусусиятининг ўта ривож-ланганлиги, мазмунан турфа хил бўлган асарларнинг кенг тарқалганлиги Эронда қадимдан насрий адабиётнинг тараққиёти учун тағзамин мавжуд бўлганлигини яна бир

карра исботлайди. Шунинг учун, Эронда насрнинг пайдо бўлиши ва тараққиётини фақат Фарбнинг таъсири билан боғлаб қўйиш,³ унчалик тўғри эмас.

Халқ ҳикоятлари⁴ азалдан қиссахонларнинг репертуаридаги асосий асарлар ҳисобланган. Қиссахонлар бозорлар, чойхоналар-да халқ ҳикоятларини ёддан ўқиганлар. XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб, яъни Эронда китоб чоп этиш йўлга қўйилгач, муаллифи кўрсатилмаган ҳолдаги ҳикоят ва қиссалар тошбосма ҳолда чоп этила бошланди.

Бундай насрий асарлар нафақат Эронда балки Ироқ, Туркия, Афғонистон, Покистон ва бошқа мамлакатларда ҳам кенг тарқалган. Қисса ва ҳикоятлар тугал сюжетга эга мустақил асарлардир. Энг қадимги форсий қисса «Самаке айёр» бўлиб, бу асар IX асрлардан бошлаб оғзаки тарқала бошлаган. Асарни XII асрнинг охирига келиб Фараморз ибн Хўдодод бошқа бир ҳикоячи Саадақ ибн Абулқосимдан ёзиб олган. Бу қисса бизгача йирик учта жилддан иборат ҳолда етиб келган.

Романтик қиссалар сирасига XIII асрга оид «Доробноме» асарини киритиш мумкин. Қисса илк бор грек ёдгорликлари асносида Тартусий томонидан тузилган ва кейинчалик қадимги эрон манбалари асносида Беғамий исмли шахс томонидан қайта кўчирилган.

Сафавийлар давригача бўлган даврда «Абу Муслимнома», «Амир Ҳамза ҳақида қисса», «Ҳамза рамзлари» каби насрий асарлар машҳур ва маълум бўлган. Сафавийлар ҳукмронлик қилган даврда «Ҳусайн Кўрд» ҳақидаги қисса кенг тарқалган. Бундай қисса ва ҳикоятлар Эронда XIX асрнинг иккинчи ярмигача бўлган даврларда ҳам яратилган. Масалан, XIX асрнинг охирида ёзилган «Амир Арслон» ҳақида қисса энг машҳур ва ўқувчилар томонидан севиб ўқиладиган асарлар сирасига киради.

ЯНГИ ДАВР ЭРОН НАСРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ (XIX асрнинг иккинчи ярми - XX асрнинг биринчи ўн йиллиги)


XIX-XX асрнинг биринчи ўн-йиллиги Эрон насрчилигида ўтиш даври бўлди, дея баҳолашади олимлар. Бу давр классик анъаналар замирида янги турдаги насрий асарлар яратишга интилиш билан характерланади. Шундай интилишлар меваси сифатида шаклланган насрий жанрлардан бири саёхатномадир.

Сафарнома

Сафарнома ёки саёхатномада асосан муаллиф ўзи гувоҳи бўлган воқеаларни баён этган. Насрнинг шаклланишида сафарнома жанрининг услуби ҳам муҳим ўрин тутди. Унинг тили содда, баён услуби ёрқин, фикрлар аниқ ва равшан ифодасини топган. Кундалик ёзувчининг асосий мақсади ўз даврининг зиёли кишиси сифатида феодализмдан капиталистик муносабатларга ўтаётган эрон халқининг турмуш тарзи ва маданиятининг турли соҳа-ларида ислохотлар ўтказишга кўмаклашиш эди. Шу сабабли асарнинг тили барча учун тушунарли, ёзувчининг гоёлари аниқ ифодаланган бўлиши талаб этиларди. Мирзо Солиҳ Шерозий, Мустафо Афшор, Фарруҳхон, Ҳожи Муҳаммад Али Пирзода Наинийларнинг сафарномалари ва саёхат кундаликлари фикримиз исботидир.

Биринчи сафарнома Мирзо Солиҳ Шерозий қаламига мансуб бўлиб, у машҳур давлат ва маданият арбоби, вазир лавозимида ишлаган. Шунингдек, Эрондаги биринчи газета муаллифи ҳамдир.

1815 йил баҳорида бир гуруҳ эронлик ёшлар Мирзо Солиҳ бошчилигида Англияга таҳсил олиш учун юборилади. 19 апрель куни Табриздан йўлга чиққан бу гуруҳ Тбилиси, Тула, Москва, Клин, Торжок, Новгород, ~~Ижора шаҳарларидан~~ ўтиб Петербургда кириб келади. 10 сентябрь куни кемаларга ўтириб



Англияга денгиз орқали сафарга отланишади. Бу сафар давомида Мирзо Солиҳ кундаликлар ёзиб боради.

Сафарномани нашрга тайёрлаб сўзбоши ёзган Исмоил Раиннинг қайд этишича, Мирзо Солиҳ кундалигининг қўлёзмаси машҳур филолог ва шоир Малик уш-шуаро Баҳор архивида сақланмоқда, нусхалари эса Британия музейида, яна бир тўлиқ бўлмаган нусхаси Мирзо Муҳаммад Хусайн Шерозийда сақланган.

Солиҳ Шерозий сафари давомида нимагаки гувоҳ бўлса, барчасини қоғозга тушириб боради. Жумладан, Москва, Петер-бург, Тула каби Россия шаҳарларидаги фабрика, завод, маданият муассасалари, қурол аслаҳа заводи, қоғоз ва гугурт ишлаб чиқариш саноати унда чуқур таассурот уйғотади. Шунингдек, касалхона, музей, кутубхоналар фаолияти, нашриёт ишлари ҳам вазирнинг эътиборидан четда қолмади.

Лондондаги тарихий обидалар, Буюк Британия сиёсий тизими муаллифни ҳайратга солади. У ўз кундаликларини ҳукумат аъзолари ўқишини ва шоҳга Европадаги янгиликлар, тараққиёт даражаси ҳақида аста-секинлик билан тушунтиришларини умид қилади.

Иккинчи кундалик муаллифи Мустафо Афшор бўлиб, у ҳам Хусрав Мирзо бошчилигидаги шоҳ ҳайъати таркибида Петербург-га сафар қилади ва сафар тассуротларини қоғозга туширади. Ушбу ҳайъат (миссия) 1829 йил 30 январда Россиянинг Эрондаги фавқулодда ва мухтор элчиси А.С. Грибоедовнинг фожеали ўлими муносабати билан ташкил этилган эди.

Мустафо Афшорнинг кундалиги 1966 ва 1970 йилларда бир неча бор нашр этилган.

Солиҳ Мирзониники сингари, Мустафо Афшор кундалигида ҳам муаллифнинг барча кўрган-кечирганлари ўз ифодасини топган. Кундаликда асосий ўринни Петербургдаги қабул маросим-лари, сарой ва казармалардаги аҳвол, ҳарбий парад ва таълим системасининг баёни эгаллаган. Олдинги сафарномадан фарқи шуки, Афшор ўзи гувоҳи бўлган

янгиликлардан ҳайратланиб қолмасдан, ўзининг таклиф ва мулоҳазаларини ҳам очик баён этган. Масалан, қурол-аслаҳа заводи ҳақида ёза туриб, «Эрон ҳукумати ўзининг истеъдодли ёшларини бу заводга юборганида, озгина маблағ ва қисқа муддат ичида улар бу ердаги турли касбларни тезда ўзлаштирган бўлар эдилар» деб фикр билдиради.

Бу кундалик Эрон ҳайъатининг Петербургга ташрифи хусусидаги расмий ҳисоботи бўлиб хизмат қилди ва, шубҳасиз, Эрон шоҳи ҳамда унинг яқин одамлари томонидан танишиб чиқилди.

Россия шаҳарларидаги маиший ва маданий тараққиёт, ҳўжалик юритилиш ишларининг батафсил баён этилиши Россия ва Эрон ўртасидаги фарқни яққол кўрсатиб кўйди. Миссия аъзоси бўлган Мирзо Тағихон ватанига қайтгач, вазир сифатида маърифатчилик ислоҳотларини изчил ўткази бошлади ва оқибатда ўз ҳаётини фожеали яқунланишига сабабчи бўлди. Ҳайъат раҳбари бўлган Хусрав Мирзонинг ҳаёти ҳам фожеали яқун топди. Тахт вориси ҳисобланган Муҳаммад Қожор ўзига муносиб рақиб ҳисоблаган Хусрав Мирзони ҳибсга олди, тахтга ўтиргач эса, унинг кўзларини ўйиб олишга буйруқ берди. Хуллас, ҳайъат аъзоларининг ҳаёти фожеали яқун топди.

Машҳур саёҳат кундаликларидан яна бири Фарруҳхонга тегишли бўлиб, унда Англиянинг Эронга нисбатан олиб бораётган уруш ҳаракатларини тўхтатиш учун Эрон ҳукумат томонидан Европага юборилган дипломатик ҳайъат сафари баён этилади. Ушбу ҳайъатни Насриддин шоҳнинг ишончли вакилларида ҳисобланган Фарруҳхоннинг шахсан ўзи бошқаради. Ҳайъат сафари муваффақиятли яқун топади, яъни Эрон-Англия тинчлик шартномаси имзоланди ва Фарруҳхон шоҳ томонидан муносиб тақдирланади.

Фарруҳхоннинг кундалиги икки томдан иборат бўлиб, унинг биринчи томи Саробий томонидан нашрга тайёрланган. Кундаликда Фарруҳхоннинг Англия, Бельгия, Туркиядаги сафар таассуротлари ўрин олган. Гарчи ҳеч қандай махфий ҳужжатлар ва тафсилотлар берилган бўлмасада, ҳукуматнинг

катта амалдорларидан ҳисобланган Мирзо Оғохон буйруғи билан кундаликнинг чоп этилиши ман қилинди. Мирзо Оғохон бу турдаги кундаликнинг чоп этилишига тиш-тирноғи билан қарши чиқади. Сабаби, агар у чоп этилса Эрон халқи Европадаги ўзгаришлар, халқнинг эркин яшаши, ҳукуматнинг бошқарилиш усуллари билиб қолишидан чўчийди ва ҳатто сафарнома чоп этилиши мўлжалланаётган нашриёт жойлашган Табриз шаҳрига қуйидаги мазмунда хат юборади: «Ишонаманки, сиз Мирзо Ҳусайнни бу китобни чоп этишига йўл қўймайсиз. Агар бу тарқалиб кетса, халқ европаликлар турмуши ҳақида билиб олади, бу эса мақсадга мувофиқ эмас».

Дарҳақиқат, кундаликда Европа давлатларидаги либерал қонунлар, саноат, маданият, таълим системасининг гуллаб-яшнаётгани ҳақидаги долзарб фикрлар билдирилган эдики, ҳукумат вакиллари учун ўша пайтда тараққиётдан анча орқада қолаётган Эрон халқининг бу маълумотларга эга бўлиши «мақсадга мувофиқ эмас» эди.

Гувоҳи бўлдикки, сафарномалар муаллифи асосан юқори лавозимда ишловчи ҳукумат аъзолари томонидан ёзилган. Булардан фарқли ўлароқ, хусусий саёҳатчи томонидан ёзилган саёҳатнома ҳақида тўхталамиз. Ушбу саёҳатнома муаллифи Ҳожи Муҳаммад Али Пирзода Наиний бўлиб, у оддий ҳунармандлар табақасидан чиққан. Диний масалаларни қизиқиб ўрганган, ўта фасоҳатли, нозиктаъб, шоиртабиат, нотик бўлган. Ўзининг бу хислатлари билан шоҳ Насриддин ва бошқа машҳур давлат арбобларининг эътиборини қозонган Ҳожи Пирзода катта мулкка эга бўлган ва моддий жиҳатдан муҳтожлик сезмаган. Баъзи маълумотларга қараганда, Пирзода икки маротаба Европага саёҳат қилган. Бироқ унинг икки жилдли саёҳатномасида асосан иккинчи саёҳати баён этилган. Бу саёҳатнома 1963-1964 йилларда нашр қилинган.

Пирзода Франция, Англия, Германия, Австрия, Ҳиндистон, Миср, Туркия, Сирия, Ироқ каби давлатларда бўлган ва бу давлатлардаги турмуш тарзи, ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, маданияти ва таълим тизими билан

батафсил танишган. Пирзода бу давлатларда йўл-йўлакай эмас, анча узоқ яшаган ва олган ҳар бир таассуротини аниқ ва нозик бадиий чизгилар билан ифодалаган. Фикрлари турли бадиий ўхшатишлар, баъзан энгил ҳазил-мутойибага йўғрилган тарзда берилган. Эроннинг машҳур филологи Эраж Афшор ўзининг сўзбошисида қайд этишича, «Ҳожи Пирзода табиатан ҳазил мутойибага мойил инсон. Унинг уйида учта эшаги бўлиб, Ҳожи уларга Хон, Ноиб ва Мирзо деб лақаб қўйган эди. Зодагонлар ва ҳукумат вакиллари унинг боғида бирпас суҳбатлашамиз деган мақсадда ташриф буюриб қолишса, Ҳожи Пирзода энгил ҳазил билан: «Хонни олиб келинг, юкни олиб кетсин; ёки: Ноибда кета қолинглар» деб луқма ташлаб қўярди.

Унинг кундалигида парранда фермалари, инкубаторлардан тортиб касалхона, кутубхона, музей, чинни заводлари-ю, турли халқларнинг урф-одатлари, ҳатто сайлов тизими, овоз бериш жараёнлари ҳам кичкина деталларигача батафсил баён этилган эди. У Европада аёллар эркаклар билан тенг ҳуқуқли эканлиги, турмуш қуришда ўзига жуфт танлаш эркига эгаллиги, очиқ юз билан юришлари ва ўзлари истаганча кийинишларини ҳам ошкора ёзишга журъат этади.

У Эронда феодализмни инқирозга юз тутишини ва Европа давлатларидагидек, тараққиётга эга бўлишини жуда истасада, бироқ буржуа жамиятидаги айрим иллатлар, масалан, фоҳиша-бозлик, қабоҳатни қоралаб чиқади.

Ҳожи Пирзода форс адабий тилининг билимдони эди. Саёҳат-номада унинг шеърларидан намуналар ҳам берилган. Баъзи бир тафсилотлар ҳикоя тарзида баён этилган. Гарчи унинг бу ҳикоялари сиз-у биз ҳозир тасаввур этадиган ҳикоя ёки новелла қонун-қоидаларидан тубдан фарқ қилса-да, замонавий ҳикоя жанр сифатида эндигина кириб келаётган ўша давр Эрон адабиёти учун қимматлидир. Тасаввур ҳосил қилишингиз учун бу ҳикоялардан баъзи бирларини мазмунини келтирамиз.

Бу ҳикоя Берлиндаги қашшоқ бир қиз ҳақида.

«Сартарошхонага бир киши соқолини олдириш учун кирди. Уста уни курсига ўтқизиб, эндигина ишга киришган эди, хонага чиройли бир дилбар қиз кириб келди. У устани имлаб ёнига чақирди ва нималардир хусусида у билан гаплашди. Кўп ўтмай уста қайтиб келди ва ўз ишини давом эттира бошлади. Азбаройи қизиққанидан, соч олдиргани ўтирган ҳалиги мухлис, сартарош-дан қиз билан нима ҳақида гаплашганликларини сўради. Сартарош бу қиз икки кундан буён ўзининг сочларини 30 франкка сотиш учун унинг ёнига келаётганини, уста эса ўз навбатида сочни фақат 20 франкка олишини билдирганини айтди. Ва сўзининг охирида: Ахийри бир куни мен айтган нархга сочини сотади», дейди.

Мухлис қизга чин дилдан ачиниб, курсидан сапчиб турди ва қизнинг ёнига келиб, шундай чиройли сочни нега сотмоқчи эканлигини тушунтириб беришини илтимос қилади. Қиз ҳақиқий сабабини ошкор этишини истамади ва «ишларим жуда кўплиги-дан бу сочларни парваришлаш учун менинг вақтим йўқ», деб ваз кўрсатади. Бироқ у одам бу баҳона ваз бўлолмаслиги ва ундан ҳақиқатни беркитмаслигини талаб қилади. Ниҳоят қиз ҳақиқатни айтишга мажбур бўлади:

- Отам ўлиб, онам, тўртта укам ва икки опам ёлғиз қолдик. Очликдан ўлмаслик учун бор будимизни сотиб битирдик. Устига устак онам ва икки укам бетоб бўлиб қолишди. Уларни боқиш, дори-дармонлар олиш учун маблағ керак. Кўчада садақа сўраб, гадойлик қилишдан кўра сочимни сота қолай, деган қарорга келдим.

Қизнинг бу қисматидан таъсирланган мухлис:

- Сочингизни ҳеч кимга сотманг, мана мен харидорман, деди.

Кейин ёнидан аллақандай қоғоз чиқариб, бир нималарни ёзиб қизга тутқазди ва қиздан бир тола сочини олиб кетди. Қиз қоғозга қараб кўзларига ишонмайди, чунки у 5 минг туман пул купюраси эди. Қиз бир неча кун у кишини топишга ҳаракат қилди, қайтиб келиб қолар деб кутди ва ҳатто полицияга мурожаат қилди, газеталарга эълон берди. Бироқ бу изланишлари ҳеч қандай натижа бермади. Бу инсоннинг

жўмардлиги, олижаноблиги қизни ҳайратга солган эди. Ниҳоят барча уринишлари зое кетгач, қиз пулни банкка қўяди ва эҳтиёжига кераклигини олиб ишлатади».

Албатта, бу ҳикоянинг сюжети учун Ҳожи Пирзодага қандай воқеа асос бўлганлиги номаълум, балки кимдир сўзлаб бергандир. Нима бўлганда ҳам ҳикоя бадиий бўёқларга бой, чиройли иборалар билан сайқалланган. Жумладан қизнинг сочларининг чиройлилиги, унинг хоксорлиги, йигитнинг мардлиги, олижаноблиги каби хусусиятлари чиройли ўхшатишлар орқали тасвирланади. Бу эса Ҳожи Пирзоданинг мумтоз адабиётдан яхшигина хабардор эканлигидан далолат беради. Бу ҳикояни ўқиб туриб, Ҳофизнинг Шероз гўзалининг бир дона холига бутун Самарқанду Бухорони беришга тайёр қаҳрамони ёдга тушади.

Иккинчи кичик бир ҳикоясида Ҳожи Пирзода Стамбулдаги бир воқеани келтиради. Бу ҳикоя моҳият эътибори билан ҳажвий ҳикоя бўлиб, унда Стамбулга ўқишга келган ватандошларининг аҳволига ишора қилинади. Туркиянинг барча ҳарбий ва бошқа турдаги билим юртларида беш вақт намозга қатъий амал қилинарди. Агар талаба намоз вақтига етиб келолмаса икки кунлик қаттиқ тартибли меҳнат билан жазоланади. Муаллиф шаҳарда Муҳаммадхон исмли бир ватандошини кўриб қолади. Эътибор бериб қараса, унинг шимининг тиззалари ситилиб кетган эди. Қаҳрамонлар ўртасида қуйидаги савол-жавоб бўлиб ўтади:

- Нега шимингнинг тиззаси ситилган? деб сўрадим мен.

- Кўп ибодат қилганлигимдан.

Пирзоданинг фикрича ҳар бир инсон, мажбуран, кимнингдир тазйиқи билан эмас, ўз хоҳиш иродаси билан истиффор қилиши керак.

Таъкидлаш жоизки, саёҳатнома, сафарнома жанри Эрон адабиёти учун янгилик эмас. Носир Хусрав (1004-1075), Низорий Кўҳистоний (1247-1320), Ҳазиний Лоҳижий (1692-1766) ва бошқа муаллифларнинг саёҳатномалари маълум ва машҳурдир. XIX аср сафарнома муаллифлари улар бошлаган анъанани давом эттирдилар, шаклан уларга эргашдилар.

Бироқ буларнинг асарлари мазмунан салафларидан анча фарқ қилади. Масалан Носир Хусрав саёҳатномасида диний-фалсафий ғоялар, инсон ғурури, ор-номуси, ҳақиқатга эришиш йўллари каби масалалар кўтарилади, биз ўрганган сафарномалар муаллифлари эса, давлат ҳайъати вакиллари бўлиб, ўзларининг қарашларини, фикрларини очиқ-ойдин ёзишга кўпам журъат этолмайдилар. Улар фақатгина Европада кўрган ва уларни ҳайратга солган воқеа-ҳодисаларини баён этиш билан чекландилар.

Демак, XIX асрда ривожланган сафарнома жанри, саёҳатчи Европада кўрган кечирган ва гувоҳи бўлган воқеа ҳодисаларини баён этиши билан характерланган асар. Уларнинг аксарияти оддий кузатишлар тарзида, содда услубда ёзилган. Бироқ баъзилари, масалан, Ҳожи Пирзода сафарномасида новелла жанрига яқин келувчи ҳикоялар учрайди. Ҳожи Пирзода янги жанр яратишни мақсад қилиб қўймаган албатта, бироқ ўзи билмаган ҳолда замондошлари орасида биринчилардан бўлиб ҳаётнинг баъзи қирраларини бадий ифода этган.

Ижтимоий-сиёсий рисоалар

Бу даврда ижтимоий-сиёсий рисоалар ҳам ёзила бошланди. Рисола муаллифлари асар матнларига безак сифатида шеърлар, ҳикоятлар, масаллар, тағдор ибораларни киритиб кетар эдилар. Машҳур рисоалардан бири Осиф Муҳаммад Ҳошим қаламига мансуб «Рустам ат-таворих» рисоласидир. Рисолада Каримхон Зенднинг (1779) ўлиmidан кейинги даврдан бошлаб токи қожорлар ҳокимияти учун кураш ва Фатҳ Али шоҳ Қожор ҳукмронлигигача бўлган катта давр оралигида бўлиб ўтган воқеалар тафсилоти берилади. Рисолада келтирилган кўпгина маълумотлар, воқеа-ҳодисалар тафсилоти ёзувчига отаси томонидан сўзлаб берилган. *«Мендан нимаки эшитсанг барчасини аниқ, лўнда ва қизиқарли баён этки, ёзганларинг барчага тушунарли-оддий ва оммабон бўлсин... ҳеч ҳам халққа тушунарсиз бўлган чалқаш ифодаларни қўлламагин...»* ва бу китобни

«Рустам ат-таворих» деб атагин» деб насиҳат қилади отаси муаллифга.

Рисолада тарихий воқеалар билан бир қаторда тўқима эпизодлар, қизиқарли, тарбиявий аҳамиятга эга шеърлар ва ҳикоялар ҳам ўрин олган.

Осиф Муҳаммад яхшилик ва ёмонлик ҳақидаги умумий фикрларни баён этишдан тийилади, у бу тушунчаларни ижтимоий ҳодиса сифатида талқин этади. «Рустам-ат таворих» рисоласининг дебوحасида келтирилган фикрларга эътибор берсак: «О, менинг имонли оғаларим, азиз дўстларим, олижаноб олимлар! О, ҳақиқат учун курашган мутафаккирлар! Маълумингиз бўлсинким, олам қарама-қаршиликлар билан лиммо-лим, яъни ҳар бир ҳодиса ўз аксига эга. Масалан, подшоҳга гадой, ҳаётдан лаззатланишга бебаҳралик, соғлиқка касаллик, буюклик ва шон-шавкатга камситиш ва ҳақорат, шодликка ғам, базму-жамшидга аза, мотам, эрка тутқинлик, олижанобликка ёмонлик, нурга зулмат, ҳақиқатга ёлғон, билимга нодонлик, машаққатга енгиллик, дўстликка душманлик, ҳаётга ўлим, сувга-олов...хурликка қуллик, тараққиётга барбод бўлиш, мастликка сергаклик доимо қарши бўлган».

Англашиладики, муаллиф отасининг маслаҳатларига амал қилиб, фикрларини содда, лўнда баён этишга интилган. Бу рисоланинг услубий томони. Лекин рисола шуниси билан ҳам қимматлики, унда ёзувчи ўз фикрларини, гоёларини далиллаш, изоҳлаш учун турли ҳикоялар ҳам киритган. Шундай ҳикоя-лардан бири савдогар ҳақидадир. Дастлаб муаллиф савдогарлик касби ҳақидаги фикрларини баён этади ва давомида мазмунга монанд қуйидаги ҳикояни келтиради:

«Исфаҳоннинг Аббособод маҳалласида *нагорехоне* жойлашган бўлиб, у ерда доим бирор-бир тантана муносабати билан чалинадиган мусиқа ва карнай садолари эшитилиб турарди. Хуллас, ҳар гал улгуржи савдогар Мирзо Муҳаммад Тағи денгиз орти давлатларидан асл моллар билан сафардан

қайтаркан, карнай-сурнай овозлари маҳаллий савдогарларни чорлаб бонг урарди.

Бир куни қоқ ярим тунда тўсатдан карнай чалиниб қолди. Аббосободда отасиз бир бола ёлғиз онаси билан яшар экан. Шовқин-сурондан чўчиб уйғониб кетган бола онасидан сўрабди:

- Нима бўлди, нега карнай-сурнай чалинаяпти?

- Ҳеч гап йўқ, ўғлим. Ҳиндистондан савдогар Муҳаммад Тағи қайтибди. У мол олиб келган, маҳаллий савдогарларни хабардор этиш учун карнай-сурнай чалинаяпти.

Шунда зукко бола онасидан яна сўради:

- Сизга берган пулларим йиғилиб қолгандир?

- Ҳа, етмиш динорча тўпланди, ўғлим,-жавоб берибди онаси.

- Жуда яхши, унда мени вақтлироқ турғизиб қўйинг. Мен Худо хоҳласа эртароқ бориб савдогарнинг ҳамма олиб келган молини сотиб оламан.

- Уялиб қоласан ўғлим, яхшиси ухлашга ҳаракат қил.

Бироқ бола ўз хаёлларига шўнғиб сира ухлай олмади. Эрталаб у савдогар Муҳаммад Тағининг олдига йўл олди. Эшик очиқ эди. У кирганида савдогар дуо ўқиб, тасбеҳ ўгириб ўтирар эди. Бола одоб билан саломлашди. Савдогар унга қараб:

- Яқинроқ кел, ҳей бола, қани айтчи нега келдинг?

- Мен бир етимман, менинг отам йўқ, бу ерга Оллоҳнинг иродаси билан Муҳаммад Тағи олиб келган молларни сотиб олиш учун келдим, дебди.

Савдогарга боланинг гаплари ёқиб тушибди ва:

- Қанча пулинг бор, деб сўрабди.

- Оллоҳнинг иродаси билан етмиш динор йиғдим.

- Дуруст. Мен Ҳиндистондан олган молимга юз минг туман тўладим, 120 минг туманга сотишни мўлжал қилгандим, сенга етмиш динорга бераман, розимисан?

- Розиман, жавоб берибди бола.

- Бироқ менинг бир илтимосим бор. Бу моллар энди сеники ва менга уларни сотишга руҳсат беришингни сўрайман, фойдаси сеники бўлади.

- Розиман, жавоб берибди бола.

Эрталаб савдогар Муҳаммад Тағининг олдига маҳаллий савдогарлар мол харид қилгани келишибди. Савдогар уларга:

- Мен сизлардан олдин келган бир кишига барча молларимни сотиб бўлдим. Бироқ у менга молларни 130 минг туманга сотишга руҳсат берди.

Шу тарзда уддабурон савдогар ўн минг фойда олибди ва ваъдасига мувофиқ буларни ҳам болага берибди. Йигитчанинг зукколиги маъкул келиб, уни ўзига куёв қилибди».

Осиф Муҳаммад қаламига мансуб яна бир ҳикояни келтирамиз:

«Бир куни вазирлар тўпланиб шоҳнинг олдига шаҳзода Фатҳ Алихон устидан шикоят қилиб киришибди. Шоҳ уларга жавобан, сизлар давлатга сидқидилдан хизмат қилаётган ҳар қандай одамнинг устидан бўҳтон уюштириш учунгина бирикасизлар, шу тариқа давом этса давлатни инқирозга учратасизлар, дебди. Ва ўзи кўрган бир тушни айтиб берибди.

Тушимда, гўёки менинг буғдой хирмоним бўлиб, тўсатдан чақмоқ чақибди ва бу хирмонга ўт тушибди. Хирмон бутунлай куйиб кул бўлибди.

Яна бир тушимда, менинг бармоқларим қимматбаҳо узуклар билан тўла бўлиб, қандайдир бир одам пайдо бўлибди ва узукларни куч билан тортиб олиб ҳаммага бўлиб берибди.

Ва яна туш кўрдимки, менинг фарзандларим, вазирларим, аъёнларимнинг аъзои баданларидан сут фавворадек отилаётган эмиш.

Ва яна туш кўрдим, тушимда мен рақсга тушиб тинимсиз ҳоҳлаётган эмишман.

Ва яна туш кўрдим, соқол ва мўйловларим чиқибди.

Вазирларимнинг хоинлиги, ношукурлиги туфайли душман бизни енгди мен уч юз йиллик давлат устидан бошқарувни йўқотаяпман, у пароканда бўлмоқда; душманлар менинг яқинларим, авлодларимни ўлдирмоқдалар, хотинларимни тортиб олмоқдалар ва бошқаларга тарқатиб бермоқдалар, таналардан қон фавворадек отилмоқда, мен ҳеч нарсасиз қолаяпман, фақат йиғлаяман».

Ҳикоя мазмунидан кўриниб турибдики, шоҳ вазириларнинг арзларига туш мисолида жавоб беради ва бу тушларнинг таъбири панд-насихат маъносига эга, яъни шоҳ бу билан агар ички низолар давлатни емирар экан, шоҳ ҳам, унинг сулоласи ҳам ҳалокатга учраши муқаррар эканлигига шама қилади.

Осиф Муҳаммад Ҳошим вазир, аъёнлар, губернаторларни қаттиқ танқид қилсада, шоҳга нисбатан доимо ҳурмат билан қарайди, унинг шаънига номуносиб бўлган сўзларни ишлатмайди. У ўз ҳикоялари билан шоҳни давлатга хавф солаётган хатар ҳақида ва агар у зарур чораларни кўрмаса, унинг давлати инқирозга юз тутиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантиради.

Адиб ўз фикрларини туш орқали баён этиши воқеанинг таъсирчанлигини ва тарбиявий аҳамиятини янада оширган.

Ижтимоий сиёсий рисоалардан яна бири 1834-1837 йиллар оралигида Ҳожи Муҳаммад Али Ширвоний (1783 йилда туғилган) томонидан ёзилган «Ҳақиқат ул-ҳақоиқ» («Ҳақиқатлар ҳақиқати») асаридир. Отаси Ҳожи Муҳаммадни беш ёшлигиданоқ Ўрта асрлар адабиёти, илм-фани билан таништиради. У араб ва форс тилларини мукаммал ўрганади, ҳатто қадимги Юнон муаллиф-ларининг асарлари билан ҳам танишади. Отасининг ўлими туфайли у Карбалодан чиқиб кетади, дастлаб Боғдод, кейинчалик Эронга, Ҳиндистонга, араб давлатларига, Туркияга сафарлар уюштиради. Умрининг 30 йилини саёҳатларда ўтказган Ҳожи Муҳаммад Али турмушнинг яхши ва ёмон томонларига гувоҳ бўлади ва кўрган-кечирганларини рисоласида баён этади.

Унинг рисоласи кўпроқ панд-насихат характерига эга бўлсада, унда адиб Эрон ҳаётининг муҳим қирраларини холис, танқидий баҳолайди.

Ҳожи Муҳаммад Али рисоласида бадий ҳикоялар жуда кўп ва уларнинг ҳар бири «ҳақиқат» сўзи билан бошланади: «...ҳақида ҳақиқий тарих шуки...» «...ҳақида иккинчи ҳақиқий ҳикоя шуки...» каби.

Али Ширвонийнинг аксарият қаҳрамонлари қушлар, туялар, бургут, тўти, илон, асалари, балиқ каби ҳайвонлардир. Бу ҳайвон-лар инсонлар томонидан азобланадиган тилсиз, ҳимоясиз жониворлар сифатида тасвирланади. Унинг бир ҳикояси мазмуни мисолида юқоридаги фикримизнинг исботини келтираемиз:

«Ҳовуз бўйидаги дарахт шоҳида бир тўти ўтириб, ҳовуз атрофига тўпланган бир гала паришон ҳайвонларнинг ўзаро суҳбатини тинглар эди. Ҳайвонлар бир-бирига ўзларининг оғир ҳаётлари ҳақида арзи ҳол қилишарди. Уларнинг дарди ўзиники билан ҳамоҳанг эканлигини билган тўти, йиғлаб юборди, уларнинг ёнига учиб келди ва ғам-аламлари ҳақида сўзлай бошлади.

«Мен эркин, шодон, ўз ҳолимча яшар эдим, деб гап бошлади тўти, ҳеч ким мени сиқувга олмас эди. Бир куни бир одам менга тузоқ қўйди ва тўрига илинтирди. Мен дод солиб барчани ёрдамга чақирдим, бироқ бу фируза осмон тагида гўёки ҳеч ким йўқ эди. У мени шунчалик қаттиқ сиқиб боғладики, мен ҳушимни йўқотдим. Бу даҳшат эди, лекин мен умидимни йўқотмадим ва бу оғир аҳволдан чиқиб кетиш йўллариини ўйлай бошладим. Орадан бирмунча вақт ўтгач, Инсон мени қафасга солди ва сотиш учун бозорга олиб борди. Оломон тўпланди ва мени гапиришга мажбур қила бошлашди. Улар менга қаттиқ азоб беришди ва шунда мен ҳаракат қилмасам, бу ҳолатдан қутулолмаслигимни тушуниб етдим. Мен гужанак бўлиб ўзимни ўлганга солдим. Хўжайин йиғлади ва мени ташлаб юборишдан бошқа чора тополмади. Шу тариқа мен яна озодликка, бахт ва шодликка эришдим; чалажон, азобланган эсамда зиндондан қутилдим».

Бу ҳикояда Али Ширвоний кўп анъанавий рамзлардан фойда-ланади ва ўқувчи бу билан муаллиф ўзи яшаб турган муҳитда ҳақиқат, эркинлик йўқлигига ишора қилганини тез илғаб олади. Ҳикоядаги барча қаҳрамонлар ва предметларни кўчма маънода тушуниш лозим. Масалан, қуш қафаси зиндон, тўтининг эгаси давлатдаги катта лавозимни эгаллаган мансабдор шахс ёки золим ҳукмдор, қуш бозори қушлар

бозори, кушнинг халос бўлиши ҳар бир киши ўз тақдири, ўз бахти учун курашиши кераклиги тимсолидир.

Демак, Али Ширвоний рисоласининг қиммати шаклан анъанавий, мазмунан ўткир ва долзарблигидадир.

Ёзишмалар жанри

XIX асрда ривожланган насрий жанрлардан яна бири эписто-ляр ёзишмалар жанридир. Бу жанрда ижод этилган машҳур асарлардан «Пайғамбаре дўздан» («Ўғрилар пайғамбари») бўлиб, асар муаллифнинг тахаллуси билан номланган. Асарни Техрон университети профессори, тарихчи олим бир қанча илмий ва адабиётшуносликка оид асарлар муаллифи Бостони Поризий⁵ илмий тадқиқ қилган, сўзбоши ёзган ва нашрга тайёрлаган. 30 йил (1944, 1951, 1964, 1966, 1974) мобайнида асар беш марта нашр этилган.

«Пайғамбаре дўздан» китобининг муалифнинг асл исми Шайх Муҳаммад Ҳасан Қарани бўлиб, у тахминан 1813\1818 1880 йилларда Кермон вилоятининг Рафсанжон шаҳрида яшаган. Китоб нашрдан чиққунга қадар, унга киритилган хат ва шеърлар китобхонлар орасида қўлёзма ҳолда тарқалган эди. Шайх Муҳаммад Ҳасан уларни юқори лавозимдаги шахсларга, жумла-дан, шаҳзодалар Фарҳод Мирзо (Форс вилоятининг ҳокими) ва Султон Муродга ҳам юборган. Ўз хатларида Муҳаммад Ҳасан юқори лавозимдаги шахсларни халқнинг оғир аҳволига эътибори-ни тортишга ҳаракат қиларди. У ўз фикрларини тўғридан-тўғри эмас, балки енгил кулги, ҳажв орқали етказган. Бу даврда бу услуб гарчи унинг замирида аччиқ танқид ётган бўлса ҳам, топқирлик, устамонлик белгиси саналарди ва унга ҳеч ким жиддий эътибор қаратмасди.

Кўп сонли мактублар орасида Муҳаммад Тағихон Қожорга аталган мактуб ҳам бўлиб, ўз мазмунига кўра ажралиб туради. Муҳаммад Тағихон бир мунча муддат Кермон ҳокими бўлиб ишлаган. У ўз қўл остидагиларга ўзининг исми ёнига ўнга яқин тумтароқли сифатлар қўшиб айтишларини буюрган. Муаллиф унга мурожаат қилар экан аччиқ киноя ила: «О

хукмрон, о барчадан мукаммал бўлган Оллоҳ қулларининг раҳнамоси, о буюк ва Сулаймон жамолидек гўзал ҳуснли, о Муҳаммад Тағихон Қожор! Демак, Оллоҳнинг хоҳиш иродаси билан сен барча нисбалар, мансаблар ва унвонлар билан кўмилгансанки, ҳатто дуг ичмасанг ҳам сархуш бўлибсан.» Мурожаатдан кейин Ҳофиздан қуйидаги мазмунда бир байт келтирилади:

«Сени Оллоҳ барча яхши сифатлар билан тақдирлади, машшота (машҳур шахслар кийинтириш ва сочларини турмаклаш билан шуғулланувчи аёл) сенга оро беришига ҳожат йўқ».

1945 йили «Сухан» журналининг 11-12-сонида босилиб чиққан тақризда Муҳаммад Ҳасан ижодига юқори баҳо берилган. Унда ёзилишича, адиб ноёб адабий истеъдодга эга бўлган ўткир ақл ва заковат эгаси, ўз хатларида сатира ва юмор орқали муҳим масалаларни кўтара олган ёзувчи сифатида талқин этилади.

Ёзишмалар жанри Эрон насрчилиги тараққиётининг барча босқичларида сақланиб қолди. Кейинчалик Бузург Алавий ҳам бу жанрга мурожаат этиб «Номеҳо» («Хатлар») асарини ёзди.

Диалогик шакл

XIX аср Эрон адабиёти насрий жанрлари орасида диалог шаклида ёзилган асарлар ҳам машҳур эди. Бу асарларда икки, уч ва ундан ортиқ шахсларнинг суҳбатлари орқали ҳаётда учрайдиган муаммолар очиб берилган. Маълумки, Эрон адабиётида қадимдан мунозара жанри бўлган. Мунозара жанри Ўрта аср шеърлятида ҳам кенг тарқалган эди. Бу даврга келиб эса насрда ушбу жанрга мурожаат этилди.

Жамиятдаги қолоқлик, жаҳолат ривожланган бир пайтда одамларга бошқарув тизимининг нобоплиги, инқирозга олиб бораётгани ҳақида оддий, тушунарли тилда етказиб бериш зарурати, ёзувчиларни бу жанрга мурожаат этишига сабаб бўлди.

Диалогик шаклда ёзилган асарлардан бири Огохон Кермоний қаламига мансуб «Сусмор уд-Доула» («Давлатнинг калтакесаги») асаридир. Таниқли сиёсатчи ва жамоат арбоби Мирзо Огохон Абдулҳусайн Кермоний шоҳ тузуми ҳақида очикдан-очик муросасиз танқид қилгани учун ўз ҳаёти билан жавоб берди. У бир қатор қимматли асарлар муаллифи бўлиб, афсуски ундан фақат баъзилари қўлёзма ҳолда сақланган.

XIX аср Эрондаги ижтимоий тузумни ўткир ҳажв остига олиниши асарнинг номиданоқ бошланган. Унда шаҳзода ва юқори мартабали шахслар номига қўшиб қўлланиладиган баландпарвоз нисбалар танқид қилинади. Масалан, *эътиمود уд-доула* («ҳукуматнинг ишончи»), *қавом ул-мулк* («давлатнинг таянчи/суянчиғи»), *шамшир ус-салтане* («салтанат қиличи») каби нисбалар гўёки шоҳга садоқат ила хизмат қилган деган сабаб билан бериларди. Огохон Кермоний бу нисбаларга пародия сифатида *сусмор ус-салтане* («давлатнинг калтакесаги»), *вазағ ул-мулк* («мамлакатнинг бақаси»), *хорпўшт ус-салтане* («шоҳликнинг типратикани») деган сифатларни қўллади. «Сусмар уд доула» Огохон Кермонийнинг ўткир сиёсий рисоласи «Се тугро мактуб» («Учта мактуб») га илова қилинган бўлсада, алоҳида асар сифатида баҳоланади ва бу рисолага бадий безак сифатида хизмат қилади. Асар алоҳида китоб шаклида нашр этилган.

Ёзувчининг ўзи асарни ҳикоя деб атайти ва ундаги барча воқеалар ҳақиқат, тўқима эмас деб таъкидлайди. Бу ҳикояда икки шахс бири вилоят ҳокими Сусмор уд-доула, иккинчиси унинг барча кирдикорларини амалга оширишга ёрдам берадиган полиция нозири.

Халқ қиссалари

Халқ қиссалари Эронда X-XI асрлардаёқ пайдо бўлган. Уларнинг 200 га яқини маълумдир. Уларнинг аксарияти қўлёзма ҳолда сақланмоқда. Эрон адабиётшуноси Муҳаммад Жаъфар Маҳжубнинг фикрича, уларнинг баъзилари йўқолиб, фақат номигина қолган, базиларини эса айрим саҳифалари, қисмлари йўқолган. Қиссалар ўз мазмуни ва

ҳажмига кўра турличадир. Уларнинг ичида энг қадимийси на мазмунан қизиқарлиси «Самаке айёр»дир.

Эронда бу асарнинг 7 жилди нашрдан чиққан. Бироқ бу қиссани нашрга тайёрлаган Хонларийнинг фикрича, бу ҳали асарнинг ҳаммаси эмас. Қисса ўзининг қизиқарли сюжети билан китобхонларни жалб эта олган. Қиссалар чойхона, одамлар тўпланадиган майдонлар ва хонадонларда севиб мутоала қилинган, асосан аҳолининг зиёли бўлмаган қатлами орасида кенг тарқалган.

Янги насрий жанрлар кириб келаётган бир даврда аксарият эрон ёзувчилари қисса жанрини бир мунча эскирган, ўз функциясини йўқотган деб ҳисоблайдилар. Улар анъанавий бўлган бу жанрдан бирданига ёки бутунлай воз кечишмади. Балки, секин-аста ундан узоқлаша бошладилар. Улар қиссанавислик анъаналарини сақлаган ҳолда, янги турмуш шартликлари ва ҳисобга олғиб ёндашдилар. Масалан, Мирзо Ҳусайн Баҳодир Незомнинг дилижанс ҳақидаги ҳикоясида бизга таниш бўлган саргузаштларга дуч келамиз, бироқ бу саргузаштлар ўрта аср рицарларининг юришлари, саёҳатлари эмас, омадсиз ишбилар-монларнинг саргузаштларидир.

Хуллас, барча жанрларда анъаналарга янгича мазмун сингдириш ҳолати кузатилади.

Пьеса

XIX асрнинг сўнги чораги янги типдаги пьесаларнинг пайдо бўлиши билан характерланади. Мирзо Оғо Табризий (тўлиқ исми-Оғо ибни Муҳаммад Меҳди Табризий) ўз замонасининг зиёли инсонларидан бири бўлиб, форс, француз, рус адабий тилини яхши билган. Адабий фаолиятдан ташқари турли давлат лавозимларида ишлаган. Жумладан Франциянинг Техрондаги элчихонасида бош таржимон бўлган. Стамбул, Бағдод шаҳарларида бўлиб, бошқа давлатлар маданияти билан таниш бўлган.

Кўп йиллар давомида муаллифнинг «Саргузаште Ашрафхон...» («Арабистон губернатори Ашрафхоннинг 1232/1817 йилда Техронда бўлган вақтдаги саргузаштлари»), «Тариқейе

ҳукумате Замонхон дар Боруджерд...» («Боруджерд ҳокими Замонхоннинг ҳукуматни бошқариш усуллари»), «Ҳекояте Карбалло рафтани Шох-Қули мирзо» («Шох Қули мирзонинг Карбаллога сафари ҳақида ҳикоят») «Қессеие эшқбози-е Ого Ҳошем Халхолий» («Ого Ҳошим Халхолийнинг ошиқ бўлиб қолганлиги ҳақида қисса») пьесалари Мирзо Малкумхонга тегишли деб ҳисобланган. Бунга сабаб 1908 йилда Табризда чиқадиган «Эттеҳод» газетаси юқорида номлари зикр этилган пьесалардан айрим қисмларини муаллифини кўрсатмаган ҳолда чоп эта бошлайди. Кейинчалик, 1922 йилда Берлинда чиқадиган «Ковийани» номли эрон нашриёти мазкур пьесаларнинг учтасини тўплам шаклида нашр қилди. Пьесаларни нашрга тайёрлаган Саид Жавод Табризий титул варағида «Марҳум Мирзо Малкумхон Низом уд-давлага тегишли» деган ёзувни қайд этади ва асарлар бир неча йил давомида Эронда фаолият юритган немис шарқшуноси ва дипломати доктор Фридрих Розеннинг шахсий кутубхонаси архивидаги қўлёзмага асослан-ганлиги кўрсатилади.

Шундан сўнг Э.Браун, Саид Нафисий, Е.Э. Бертельс ва бошқа шарқшунослар пьесалар муаллифи Мирзо Малкумхон деб ҳукм чиқардилар. Бироқ 50-йилларда Озарбайжон олимлари (Ибрағимов, Мамадзода) архив материаллари асосида бир қатор мақола-лар тайёрлашди ва асарлар Мирзо Ого Табризий қаламига мансуб эканлигини исботлашдилар. 1976 йил Техронда бу пьесалар иккита тўплам шаклида чиқди ва унда муаллиф сифатида Мирзо Ого Табризий номи кўрсатилди. Биринчи китоб «Чаҳор театр» деб номланиб, унда тўртта пьеса, иккинчи китоб «Панж намойеш-номе» деб номланиб бешта пьесани қамраб олган. Бешинчи пьесанинг номи «Ҳожи мўршед кимийогар» бўлиб, асар Техрон университетининг марказий кутубхонасида 3564-рақам остида сақланаётган «Ресолайе ахлоқийе» қўлёзмасида берилган эди.

Мазкур пьесалар форс адабиётининг нодир дурдоналари ҳисобланади. Ёзилган аниқ санаси номаълум. Пьесаларда асосан XIX аср бошлари, яъни Фатҳ Али шох ҳукмронлиги даври қаламга олинган. Бироқ, маълумки ундан кейин тахтга

Ўтирган Муҳаммад шоҳ (1834-1848) ва Насриддиншоҳ (1848-1896) даврида ҳам ҳеч қандай ўзгаришлар бўлмади. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак асар, нафақат XIX асрнинг биринчи ярми, балки иккинчи ярми учун ҳам қадр-қиммати йўқотмади. Зеро, биринчи пьесада қаламга олинган тафсилотлар санаси 1817-йил деб кўрсатилсада, аслида XIX аср Эрон жамиятидаги тушкун-лик, парокандалик, қолоқлик, жамиятдаги нобоп бошқарувни ифодалаган эди. Бу шоҳ қазабидан ҳимоя воситаси сифатида қўлланилган бадий восита эди холос.

Публицистик роман

Янги давр насрининг шаклланишида муҳим рол ўйнаган омиллардан яна бири Эронда маърифатчилик руҳидаги адабиётнинг шаклланишидир. Бу бевосита газета нашрининг йўлга қўйилиши ва таржима адабиётининг ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ.

«Сурэ Эсрофил», «Ироне ноу», «Теотр», «Нохэд», «Насимэ шимол» сингари ўнлаб газета ва журналларни чоп этиш йўлга қўйилди. Адабиёт тобора халққа, реал ҳаётга яқинлаша борди, жамият фикрининг ифодачиси сифатида майдонга чиқди. Бир қатор Европа адабиётидан намуналар форс тилига ўтирилди. Таржима учун маърифатчилик гоёларини тарғиб этувчи асарлар танланди. Асосан француз тилидаги асарлар ўтирилди. Дастлаб тарихий характердаги асарлар, масалан, Вальтер Скоттнинг «Наполеон тарихи», Вольтернинг «Буюк Петр замонида Россия тарихи», «Карл XII», «Буюк Александр», Жон Малькольмнинг «Форс тарихи» каби асарлари таржима қилинди. Кейинчалик эса, Александр Дюма, Мольер, Бернарден де Сен-Пьер, Лесаж, Жюл Верн сингари жаҳон адабиётининг нодир дурдоналарини французчадан форсийга ўгирдилар. Француз бўлмаган адиблар орасида фақат Даниэл Дефонинг «Робинзон Крузо» саргузашт романи (у ҳам бўлса романнинг француз тилидаги вариантыдан) таржима қилинди.

Асосан насрий асарлар таржимаси амалга оширилди. Таржимонларнинг асосий мақсадларидан бири эронликларни гарбликларнинг турмуш тарзи ва тарихи билан таништириш эди. Дюманинг романлари «тарих» китоби ва илмий иш сифатида баҳоланди.

Китобхон эътиборига жимжимадор ибораларга бой, мавҳум ва умумлашма образнинг ҳиссиётларини ифодаловчи мумтоз шеъриятдан, дев ва парилар, ҳурларнинг «тўқима» тасвири берилган романтик дostonлардан фарқли ўлароқ, «чинакам» француз қироллари, улар саройларининг ҳаётий тасвири берилган насрий асарлар ҳавола этилди.

Шунингдек, Мирзо Малкумхон Низом-уд-давла, Зайнал-Обидин Мароғайи, Мирзо Фатхали Охундов, Аҳмад Рухий сингари ўз даврининг маърифатпарвар зиёлилари томонидан яратилган асарлар янги давр насрини шакллантиришда ва мазмунан бойитишда муҳим ўрин тутди.

Эроннинг машҳур маърифатпарвар адибларидан бири Зайнал-Обидин Мароғайи (1837-1910) дир. Аслида бой савдогарнинг ўгли бўлган Зайнал-Обидин Мароғайи, ёшлигиданоқ ислохотчилар ва либераллар тарафдорлари билан ҳамкорлик қилган.

У Шарқ мамлакатлари бўйлаб саёҳат қилади. Тақдир тақозо-сига кўра Россия, Ялтада яшайди, ўзига етарли мол-мулкка эга бўлади, дўкон очиб, савдо-содиқ билан шуғулланади. Бироқ юрт соғинчи, ватанни қўмсаш унга тинчлик бермайди. У ўзини ватанига нисбатан хоинлик қилгандек ҳис қилади, ватандош-ларининг золим ҳукмдор кўлида жабр кўраётганидан изтироб чекади.

Зайнал-Обидин Мароғайи бир неча марта Россиядан чиқиш кетиш ҳақидаги илтимоснома билан ҳукумат органларига мурожаат қилади ва, ниҳоят, Туркияга кетиш учун руҳсат олади. Туркияга келган адиб, сиёсий ишларга берилиб кетади ва 1910 йилда шу ерда вафот этади.

Зайнал-Обидин Мароғайи адабиёт оламида «Иброҳимбекнинг саргузашти» номли публицистик романи билан машҳурдир. Роман уч жилддан иборат. Романнинг

биринчи қисмлари 1888 йилда «Ахтар» номли Эрон газетасида чоп этилди. Асар XIX аср Эронда роман жанрининг ва умуман прозанинг ривожланишига улкан ҳисса қўшган публицистик романнинг йирик намунаси ҳисобланади.

Асарда илк бор Эрон жамиятининг турли жабҳалари (сиёсат, иқтисод, маданият, таълим, армия), эрон кишиси турмуш тарзининг кўп қирралари қамраб олинган. Асарда қаҳрамонлар сони ҳам роман жанри талабига жавоб беради.

«Иброҳимбекнинг саргузашти» Эрон янги бадий насри шаклланаётган бир даврда дунё юзини кўрди ва бу жараёнга самарали таъсир кўрсатди, эски, анъанавий усуллардан эндигина қутила бошлаган эрон ёзувчиларига ҳақиқий намуна мактаби вази-фасини ўтади.

Романнинг биринчи жилди Қоҳирада санаси кўрсатилмаган ҳолда чоп этилди. Иккинчи ва учинчи жилди 1907 ва 1910-йилларда Калькуттада нашрдан чиқди. Баъзи маълумотларга кўра, роман 1903 йилда Лейпцигга немис тилига ўтирилган. Марогаий романи-ни Эронда чоп этиш анча пайтгача таъқиқланди. 1965-йилга келибгина асарнинг биринчи жилди чўнтак китоби шаклида нашр қилинди. Бу нашрга анча ўзгартиришлар ва қисқартиришлар киритилган эди. 1985 йили Техронда романнинг Калькутта ва Стамбулдаги нусхалари асосида тайёрланган тўлиқ матни китобхонлар эътиборига ҳавола этилди.

Асар қаҳрамонларидан асосийси эса озарбайжонлик савдогарнинг ўғли Иброҳимбек бўлиб, у қолган барча қаҳрамон-ларни бирлаштириб турувчи образдир. Иброҳимбек қизиққон, ватанпарвар Эрон йигитларининг типик вакили. Қоҳирадан Эронга саёҳатга чиққан Иброҳимбекни бутун сафари давомида унинг суюмли мураббийи кекса Юсуф ҳамроҳлик қилади. Улар Искандария, Стамбул, Тифлис, Машҳад, Техрон, Қазвин, Ардабил, Табриз ва бошқа Эроннинг кўпгина шаҳарларида бўлишади. Саёҳат қаердан бошланган бўлса, ўша шаҳарда ниҳоясига етади. Ўз юртига келган Иброҳимбек турли соҳа вакиллари билан учрашади. Улар билан суҳбатлар орқали Иброҳим Эрондаги ҳақиқий

аҳвол билан танишади. Айниқса, мактаб ўқитувчиси билан бўлган суҳбат уни таажублантиради. Ўқитувчи беш хонали сонни ёза олмайди, Африкани Эроннинг бир вилояти деб билади. Уламолар билан суҳбат ҳам уни «хайрат»га солади. Уларнинг манманлик ва кибрга берилганлиги, ахлоқсизлиги, шеър ўқишни гуноҳ деб ҳисоблашлари Иброҳимбекда чуқур изтироб ҳисларини уйғотади. Бу ерда ҳатто полиция нозирлари ҳам порахўр. Иброҳимбек бўлаётган ҳақиқий аҳволдан бохабар қилиш учун вазирнинг ҳузурига киради. Вазир уни ҳақоратлаб қувиб солади.

Иброҳимни шаҳар кўчалардан бирида содир бўлган воқеа янада ҳайратга солади. У Устози Юсуф билан кўчадан ўтиб кетаётган-ларида ногоҳ қий-чув кўтарилганининг гувоҳи бўлади. Узоқдан: Қоч! Қўзингни Юм! Ўтирил! деган қаҳрли буйруқ эшитиларди. Одамлар туртиниб, юзларини шоша-пиша деворга ўгириб олишади. Йўлдан аслзодаларга тегишли қандайдир арава ўтаётган экан. Юсуф ҳам сўзсиз буйруқни бажаради. Чунки Шоҳруд шаҳрида ҳам шунга ўхшаш одат бўлиб, у ерда шоҳ ёки унинг яқинлари кўчадан ўтиб қолгудек бўлса, одамлар ергача таъзим қилишлари лозим эди. Чол бу шаҳарда ҳам шундай одат бўлса керак деб, аравада ўтирганларга эгилиб таъзим қилди. Аравада ўтирган эса шаҳзоданинг онаси бўлиб, чолнинг бу қилиғи уларни газаблантиради ва унинг хизматкорлари бечора чолни роса дўппослашади. Иброҳимбек хизматкорларга пора бериб чолни базўр қутқариб олади.

Барча кўрган-кечирганларини Иброҳимбек отасининг насиҳатига кўра қоғозга тушириб, кундалик тарзида ёзиб боради.

Асарда сюжетлар жонли, турли баҳс-мунозараларга бой тарзда тасвирланган бўлиб, унда ёзувчининг фикр-мушоҳадалари, ўринли хулосалари баён этилган, буларнинг барчаси романга ҳаётийлик бағишлаган. Унда замонадан анча орқада қолаётган Эрон турмуш-тарзи рўй-рост кўрсатилган.

Ўз ватанини иқтисодий ва маданий жиҳатдан гуллаб-яшна-шини орзу қилган ёзувчининг мақсади асарда ҳақиқат,

тенглик ва эркини куйлаш, зулматни қоралаш билангина чекланмаган. Зайнал-Обидин Мароғайий оддий эрон деҳқони, ипчи-ҳаммол, камтар ижод аҳли ҳақида илиқ бир меҳр билан фикр юритади, уларни ҳар қандай ҳурмат ва эҳтиромга лойиқ шахслар сифатида тилга олади. Роман баъзи жиҳатдан рус ёзувчиси Радищевнинг «Петербургдан Москвага саёҳат» асарини эслатади.

Романнинг Эрон ва ундан ташқари ҳудудларда катта муваффа-қият қозонишига асосий сабаб, унда биринчи марта мамлакатни инқирозга олиб келаётган ижтимоий тузум тартиблари очикдан-очик, маҳорат билан бадиий шаклда ўз ифодасини топган эди.

Ўз-ўзидан аёнки, асар ҳукумат вакиллари ғазабини қайнатди. Асарни чоп этиш тугул, уни ўқиш ва тарғиб этиш қатъиян манъ этилди. Ҳатто баъзи шахслар китобни ёзишда ҳамкорлик қилганликда айбланиб қамоққа олинди (чунки, биринчи, иккинчи жилдларида муаллиф номи кўрсатилмаган эди ва фақат учинчи жилдига келиб муаллиф номи маълум бўлди). Кўпгина эронликлар бу романни ўқиганликлари учунгина қатағонга учрадилар. Лекин бу сайъи-ҳаракатлар китобга бўлган қизқишни янада ортишига сабаб бўлди. Зайнал-Обидин Мароғайийнинг ўзи Россия ҳудудида яшагани учун унга ҳеч қандай тазйиқ ўтказиша олмадилар.

Асар Эрон янги бадиий насри шаклланаётган бир даврда дунё юзини кўрди ва бу жараёнга самарали таъсир кўрсатди, лекин, анъанавий усуллардан эндигина қутила бошлаган эрон ёзувчиларига ҳақиқий намуна мактаби вазифасини ўтади.

Зайнал-Обидин Мароғайий аслида профессионал ёзувчи эмас, савдогар эди. У кўп ўқиди, кўп саёҳат қилди, рус маданияти ва адабиётини чуқур ўрганди. Савдо-сотик ишлари унинг ижодий фикрлашига асло тўсқинлик қилмади, аксинча, тафаккур қилиши учун имконият берди.

Повесть

Форс бадий насрини янада юқори даражага олиб чиққан жанрлардан бири повестдир. Шу нуқтаи назардан ҳамда илғор фикрлар ривожига Эрондаги 1906 йилги инқилоб арафасида халқни уйғотишда Абдурахим Толибов (тўлиқ исми Абдурахим Абу-Толиб Нажжорзода Табризий)нинг ижоди муҳим аҳамият касб этди. Абдурахим Толибов (1834-1911) Табризда туғилиб, ўша ерда таълим олди. Ҳаётининг кўп қисмини Россиянинг ҳозирги Буйнакск Доғистон Республикасида ўтказди. Унда илм билан шуғулланишга етарлича имкон ва вақт бор эди. У рус тилини яхши билган ва рус тилида ижод қилган. Кўп йиллар давомида маърифатчилик фаолияти билан шуғулланган. 1894-95 йиллар у рус тилидан форс тилига физика, астрономия, химия каби фанлардан бир қатор ўқув қўлланмаларини таржима қилди. У пайтларда Эрон мактабларида бундай қўлланмалар бўлмаган. Эллик йиллик Россиядаги ҳаёти мобайнида А.Толибов кўплаб повестлар, сиёсий рисола ва мақолалар ёзади. Шу билан бирга ўша пайтдаги энг сўнгги илмий кашфиётлар тарғиботида ягона эди.

Маърифатпарварлик ғояларини А. Толибов ўзининг «Сафинеё толиби йо кетобе Аҳмад» («Билимлар тўплами ёки Аҳмаднинг китоби») номли повестида тасвирлайди. Ёзувчи бу асарни 1890 йилда ёзди. Асар кейинчалик трилогияга айлантирилди. Повесть 1893 йилда Истамбулда илк бор чоп этилади. Бу асар бадий-публицистик асар бўлиб, ота ва ўғил ўртасида бўлиб ўтган техника, ижтимоий сиёсий мавзулардаги қизиқарли суҳбат тарзида ёзилган. Китобнинг тили оддий, ўқилиши осон бўлиб, у 18 та суҳбатдан иборат.

Повесть қизиқарли чиқиши учун муаллиф компас, микроскоп, термометр, телефон, Эйфел минораси ва бошқа кўплаб нарсаларнинг расмини илова қилган. Асар эронликлар ўртасида катта шуҳрат қозонди.

Таъкидлаш керакки, XX асрнинг бошларигача Эронда фарзанд тарбияси мақсадида «Қобуснома», «Панднома» каби асарлардан фойдаланилган. Бу анъанадан А.Толибов унумли

фойдаланди ва болалар учун қизиқарли ва фойдали бўлган «Аҳмаднинг китоби» повестини ёзди.

Повестнинг иккинчи қисми 1894 йили Истамбулда нашрдан чиқади. Бу асар Аҳмад ва унинг отаси билан бўлиб ўтган тўртта суҳбатни қамраб олган, бироқ булар кўпроқ сиёсий мавзуда. Унда конституция, қонунчилик каби масалалар кўтарилади.

Учинчи қисм орадан ўн икки йил ўтгач Тифлис шаҳрида 1906 йилда чоп этилади. Асар «Масоэл ол-ҳайат йа кетобе Аҳмад» («Ҳаёт масалалари ёки Аҳмаднинг китоби») деб номланган. Бунда ҳам асосий мазмун ота-бола суҳбати тарзида баён этилсада, энди ўқувчи кўз ўнгида болакай Аҳмад эмас, балки анча улғайган, муҳандислик мутахассислигини олган йигит Аҳмад ҳақида гап боради. Энди унинг отаси билан бўлган суҳбатларида мамлакат-даги муҳим ижтимоий муаммолар, халқнинг оғир аҳволи, инсонпарварлик, тинчлик каби масалалар кўтарилади. Унинг асосида Шарқ халқлари бир кун келиб озодликка чиқишига, ўз эркини қўлга киритишига умид ва ишонч ётади.

Абдураҳим Толибовнинг ғоявий қарашлари унинг 1905 йилда нашрдан чиққан «Масолек ул-муҳсенин» повестида ҳам ўз аксини топган. Муаллиф асарда бир гуруҳ одамларнинг Дамованд тоғига чиқиши воқеасини тасвирлайди. Асарнинг асосий қаҳрамонлари Муҳсен ибн Абдулло (гуруҳ раҳбари), Мустафо ва Ҳусайн (муҳандислар), Аҳмад (врач), Муҳаммад (кимё ўқитувчиси), Мўзафаррий (географ). Бу гуруҳнинг асосий мақсади тоғнинг шимолий қисмини тадқиқ этиш, яъни унинг баландлиги, фойдали қазилмалари ва ҳақозолар ҳақида маълумот тўплаш. Йўлда гуруҳ аъзолари ҳукуматдан қочиб яшириниб юрган одамлар билан суҳбатлашадилар. Бу суҳбатларда мамлакатдаги ҳақиқий аҳвол ёритиб берилади. Эроннинг чекка тоғли қишлоқларидаги аҳвол баён этилади ва танқидий мулоҳазалар билдирилади.

Хулоса қилиб айтганда, Абдураҳим Толибов Эрон адабиётида повесть жанрига асос солган адиблардан бирidir.

Янги типдаги ҳикоя жанри

Янги типдаги ҳикоя ёзишга ҳаракатлар XX асрнинг 20-йилла-рида бошланган. Бу жиҳатдан Баҳодир Незомнинг «Сафарноме-йе Баҳодер Незом» асари эътиборга моликдир. Ҳарбий билим юрти ўқитувчиси бўлган Мирзо Ҳусайн Баҳодер Незом (Мўжиб уд-давла) қаламига мансуб бу ҳикоянинг қўлёзмаси Решт шаҳридаги умумий кутубхонада 445-рақам остида сақланмоқда, 1908 йил санаси билан қайд этилган. Кейинчалик ҳикоя «Раҳнемойе кетоб» журналида чоп этилган (1963).

Ҳикоянинг бош қаҳрамони ипак савдоси билан шуғулланувчи Ҳожи Муҳаммад Фозел исмли шахс. Унинг ташқи кўриниши, кийим-кечакларининг тасвиридан Қожорлар сулоласига мансуб оиладан эканлиги сезилади. Ўз ишларини битириш учун у турли кишиларга пора бериши воқеалари тасвирланади.

Ҳикоя кўпгина камчиликларга эга. Ортиқча тафсилотлар, сюжетнинг чўзилиб кетиши, панд-насиҳатларнинг кўплиги асарнинг асарнинг бадиий қимматига путур етказган. Лекин шуниси диққатга сазоворки, муаллиф сюжетни тўғридан-тўғри ўз тилидан баён этмайди. Бу эса янги типдаги ҳикоя яратишга қўйилган илк қадам, жиддий ҳаракат сифатида баҳоланади. Асарнинг мазмуни бир неча қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари ва диалогларида очилади. Воқеалар содир бўлаётган жой, вақт аниқ белгиланган ва уларнинг тасвири асосий мавзунини очишга йўналтирилган.

Баҳодер Незом қаламига мансуб иккинчи ҳикоя «Шейх-э жодугар» деб номланган бўлиб, унда Эронда кенг тарқалган жодугарлик билан шуғулланиш танқид остига олинади. Ҳикояда Шайх Лутфиддин Талеқоний исмли машҳур жодугарнинг Техронда шоҳ тузумига қарши қўзғолонлар ва ҳаракатлар бошланиши билан «ўз ишидан ажралиши» ва аҳволини ўнглаш учун мачит, мадрасалар, муқаддас жой ва зиёратгоҳлар кўп бўлган Шоҳ Абдул Азим шаҳрига кетиши тасвирланади. Шайх содир бўлаётган барча янгиликлар конституцион тузум, анжуман ва сиёсий партияларнинг

фаолият олиб боришига кескин қарши инсон сифатида тавдалантирилади. Ҳикоя сиёсий руҳда ёзилган.

«Раҳнемойе кетоб» журналида мазкур ҳикоя «Европа услубида ёзилган» дея баҳоланган.

Фелъетон, памфлет

Эронда қадимдан халқ латифалари, мақоллар, масаллар, ҳикматли сўзлар кенг тарқалган. Улар нафақат бадиий насарларнинг балки, тарихий, фалсафий ва жуғрофияга оид китобларда ҳам безак сифатида ишлатилади.

Конституцион ҳаракатлар авж олган бир вақтда феодал тузумини танқид остига олиш учун намойиш ва мажлисларда сўзга чиқадиган нотиклар, газета ва журналларда мақола ёзадиган адиблар учун ўткир сўз сув ва ҳаводек зарур эди. Эрон шеъриятида ҳажвиёт ўз анъанаси ва бой тарихига эга эди. Бироқ шоҳ тузуми, қонунсизлик ва ижтимоий тенгсизликка қарши халқ ҳаракатлари ҳаётнинг долзарб муаммоларига жавоб бера оладиган насрнинг янги-янги шаклларини талаб қиларди.

Эрон журналлари ва газеталарида фелъетон типигаги кичик-кичик ҳажвий-юмористик ҳикоялар кўзга ташлана бошлади. Бу жанрнинг форс адабиётига кириб келиши йирик ижтимоий-сиёсий арбоб, таниқли ёзувчи Али Акбар Деҳхўдо номи билан боғлиқ.

Али Акбар Деҳхўдо (1880-1956)нинг ҳаёти осон кечмаган. У ёшлигиданоқ отасидан ажралади ва фақат мушфиқ онасининг сайъи-ҳаракатлари билангина ўз севган касбини эгаллаш бахтига мушарраф бўлади. У гуманитар фанларни ўзлаштирди ва маърифатчилик фаолияти билан шуғулланишга қарор қилди. Эронда миллий-озодлик ҳаракатлари бошланганда, у ўз ҳаммас-лақлари билан бу ҳаракатга қўшилди ва улар билан биргаликда 1907 йилда «Сурэ Эсрофил» газетасини нашрини йўлга қўйди. Газетанинг асосий шиори «Озодлик, тенглик ва биродарлик» эди.

Энг илғор фикрли зиёлилар қатағон қилина бошланган йиллари Деҳхўдо ватанидан чиқиб кетишга мажбур бўлади.

Лекин хорижда ҳам у ўз фаолиятини тўхтатмади. Доимо Эрон халқининг ҳақ-ҳуқуқлари учун кураш олиб борди.

Ватанига қайтиб келгач, Деҳхўдо Бахтиёрия тоғларида беркиниб юрди. Бу пайтларда у форс мақоллари, маталлари ва ҳикматли сўзларини йиғиш билан шуғулланди ҳамда 1931 йилда уларни тўрт жилддан иборат тўплам ҳолда нашр этди. Тўплам Эрон ва хорижда бир неча бор қайта чоп этилди.

Қожорлар ҳукмронлиги тугатилгандан кейин, яъни янги Паҳлавийлар сулоласи давлат тепасига келгач ҳам Деҳхўдо таъқиб остида яшади. Расмий ҳукумат унинг «Луғатномайе Деҳхўдо» номли катта ҳажмдаги изоҳли луғатини турли баҳоналар билан чоп этилишига йўл қўймадилар. Китоб фақатгина Деҳхўдо вафотидан кейингина нашр этилди. Ҳассос ёзувчи, ҳақиқий ватанпарвар инсоннинг умри ноҳақ айблов ва асосиз сўроқлар туфайли завоп топди.

Али Акбар Деҳхўдонинг ижодий йўлига назар ташлайдиган бўлсак, адибнинг кўплаб таҳаллуслар билан асарлар битганининг гувоҳи бўламиз. Булар ичида энг машҳури «Ҳар ерда ҳозир» (худонинг эпитетларидан бири), «Ҳамма нарсадан маҳрум этилганларнинг қули Дехоу Алишоҳ», «Қувноқ Чувринди», «Қашшоқлар жамияти раиси» ва бошқалар. Бироқ «Суре Эсрофил» газетасидаги мақолалари ва фелъетонларига Дехоу таҳаллусини қўлларди.

Деҳхўдо ўз фелъетонлари ва памфлетларини диалог, муштар-ийлар хатига жавоб ёки воқеага гувоҳ шахснинг ҳикояси шаклида ёзарди. Уларнинг тили содда, оддий халқ орасида машҳур иборалардан кенг қўлланиларди. Фелъетонлари мавзусини кундалик ҳаётдан танлангани боис, кўплаб ўқувчиларига эга эди. Адиб асарлари чойхона, бозор ва уйларда севиб мутоала қилинар эди. Шу билан бирга адибнинг чуқур ижтимоий мазмунга эга памфлетлари ҳам талайгина.

Хуллас, Деҳхўдо эрон насрига жуда зарур жанр фелъетон ва памфлет жанрини олиб кирди. Унинг асарлари миллийлиги, тилининг содда ва равонлиги, халқ дидига мослиги билан диққатга сазавордир.

Таржима адабиёти

Нашрчиликнинг тараққий этиши Эронда маърифатчиликнинг ривожланишига, жумладан газета ва «Дорилфунун» (1851 й.) га асос солинишига сабаб бўлган эди. Дорилфунунда Европа давлатларида таълим жараёнида ўқитиладиган меъёрий фанлар: математика, физика, химия, жуғрофия, ҳарбий таълим ўқитиларди. Дорилфунун олдида асосий вазифа таълим беришдан ташқари бошқа муҳим вазифалар ҳам кўндаланг турарди. Улардан бири барча соҳалар бўйича дарсликлар яратиш муаммоси эди. Дорилфунуннинг биринчи ўқитувчилари буни чуқур ҳис қилиб ўзларининг эронлик ассистентлари кўмагида ўз ёзганларини нашр эта бошладилар ва бу билан эрон илмий насри ва атамашунослиги пойдевори қурилган эди. Дорилфунунда асосан европалик ўқитувчилар дарс берар эди. Улар орасида чехиялик икки ўқитувчи бўлиб, улардан бири генерал Август Карел Кжиж (1814-1886), математика, физика, артиллерия иши бўйича дарс берарди, биринчи бўлиб харитага Техрон ва унинг ҳудудларини киритган, эронликларга техника соҳасидаги турли янгиликлар (газ, телеграф) ни намоиш этган зиёли инсон эди. Иккинчиси, врач, шоҳнинг хос табиби Якоб Эдуард Полак (1818-1891) бўлиб, европа тиббиётидан сабоқ берарди (1852-1860). У томонидан яратилган Эрон ҳақидаги китоб (Лейпциг, 1865), ҳозиргача бу давлатда қадрланади. Бу иккала педагог ўз фанлари бўйича биринчи форсий дарсликларни ёзишди.

Ўқув дарсликларига бўлган талаб туфайли таржимонлик фаолиятига эҳтиёж туғилди. Дарсликлар билан бир қаторда тарихий ва бадий асарлар, хусусан, Александр Дюманинг «Граф Монте Кристо», «Уч мушкетёр», Эжен Сюнинг «Париж сирлари» романлари (таржимон Муҳаммад Тоҳир Мирзо Искандарий), Фенелоннинг «Телемак» (таржимон Алихон Низом ул-улум) асари форс тилига ўғирилди.

Шунингдек, тарихчи Вольтернинг «Петр-э Кабир» («Буюк Петр»), «Шарл-и Дувоздахум» («Карл XII»), «Искандар-э Кабир» («Буюк Искандар») ва Жон Малькълмнинг «Персия

тарихи» асарлари ҳамда Дефо, Лесаж, Бернерден де Сен-Пьер, Жюль Верн, Мольер каби жаҳон адабиётининг машҳур ёзувчиларининг асарлари таржима қилинди.

Шунингдек, Жеймс Мориернинг «Ҳожибобонинг саргузашт-лари» романи ҳам форс тилига ўтирилди ва катта муваффақият қозонди. «Ҳожибобо Исфаҳонийнинг саргузаштлари» романи машҳур инглиз ёзувчиси, сиёсатдони Жеймс Юстиниан Мориер қаламига мансуб бўлиб, унда XIX аср Эрон ҳаётидаги мураккаб давр ўз аксини топган. Роман учун бундай мавзунинг танланиши қисман муаллифнинг меҳнат фаолияти билан боғлиқ. Жеймс Мориер ўз умрининг асосий қисмини дипломатик фаолиятга бағишлаган, хусусан бир неча йил Англиянинг Эрондаги элчи-хонасида турли лавозимларда ишлаган. Муҳим давлат ишларидан ташқари адабиёт билан ҳам шуғулланган. Ёзувчи Эронда сиёсий аҳвол танг бўлган мураккаб бир вазиятни қаламга олган. XIX аср бошлари Эронда тахт учун курашлар, лаганбардорлик, порахўрлик, давлат мулкани талон-тарож қилиш авж олган бир давр бўлди. 1794 йилда тахтни эгаллаган Қожорлар сулоласидан бўлган Ого Муҳаммад 1779 йилда ўлдирилади. Ундан сўнг тахтга Фатҳ Али шоҳ ўтиради ва вафотига қадар (1834) давлатни бошқаради. Унинг ишларини бош вазир давом эттиради, бироқ хазинани касодга учратганлик айблови билан даҳшатли ўлимга маҳкум этилади (уни кўзлари ўйилиб, тили кесилади.) Токи тахт тепасига Қожорларнинг янги сулоласи келгунча бир неча бор турли ҳукмронлар ҳукумат тепасига келиб кетишади. Тахтга зиёли, илм-фанни ривожлантиришга ҳисса қўшган инсонлар ҳам ўтиришарди (Қоём Мақом), бироқ улар ҳеч қанча вақт ўтмай фожеали ўлим топишарди. Солиқлар сонининг ўсиши, шариат пешволарининг «Оллоҳ номи»дан шафқатсизларча ўлим ҳукмла-рини чиқаришлари халқнинг тинқасини қуритган эди. Бутун Эрон халқи шуурини қўрқув ва саросима, ўзаро ишончсизлик туйғуси эгаллаб олган эди. Шоҳ хазинаси халқнинг меҳнати, турли табақа вакиллари талон-тарож қилиниши, аёвсиз хўрланишлари,

мансаб учун зодагонлар томонидан бериладиган пора эвазига бойиб борарди.

Асар чоп этилган санага эътибор берсак (1888 йил), унинг нақадар ўз вақтида ёзилганига амин бўламиз. Романда тарихий шароит ҳақида бирор бир муҳим факт очикдан-очик берилмаган, бироқ Ҳожибобо бошига тушган ҳар бир вазиятда замон фожеаси бор бўй-басти билан намоён бўлади. Ёзувчи Франция ва Англия давлатларининг Эрон шоҳини ўзига оғдириб олиш йўлидаги хатти-ҳаракатлари чиройли иборалар, сўз ўйинлари, киноя ва ишоралар орқали билдириб кетилган. Масалан, «Бағдод нажот уйи», деган ташбеҳ билан, «ёл ҳуқуқи, «бизнинг тенги йўқ қонунимиз вақтинчалик, қисқа муддатли никоҳдан ўтишга рухсат беради...»⁶ кинояси орқали оила ва ахлоқ масалаларидан тамомила йироқ бўлган шариат қонунлари ҳажв остига олинса, «Булар фақат икки динсиз элчи келишмовчилиги билан боғлиқ эди»⁷ каби гаплари орқали Эрондаги сиёсий аҳволга, мамлакат сиёсий тузумидаги беқарорлик, бошбошдоқликка ишора қилинади. Қаҳрамонларга исм танлашда ҳам ўзига хос юмор, аччиқ киноя билан ёндашади. Масалан, шаҳарга машҳур бўлган шахснинг номини «Мулла Нодон» деб атайди. Бир сўз билан айтганда ёзувчи коса тагида нимкоса, гап тагида гап қабилда ўз фикрларини баён этади. Бу факт эса, унинг шарқ менталитети, Эрон турмуш тарзининг нозик ва ўзига хос қирраларидан яхшигина хабардор эканлигидан далолат беради.

Ҳожибобонинг турли соҳа вакиллари, турли табақага мансуб одамлар билан бўлган мулоқотларида мамлакатдаги ҳақиқий аҳвол картинаси чизилади. Роман сюжетидаги ҳар бир ҳикояда ижтимоий тузумнинг маълум бир қирраси очиб берилади. Масалан, «Ҳожибобо шоҳнинг ҳарамида» бобида у ердаги аёлларнинг аччиқ қисмати, инсоний ҳуқуқларининг нақадар қадрсизлиги кўрсатиб берилса, «Зайнабнинг изтироби. Шоҳ шахсан мирзо Аҳмоқ(!)ни зиёрат қилади. Меҳмондорчилик. Шоҳ хожамнинг ҳарамида» қисмида юқори мансаб илинжидаги шахсларнинг шоҳнинг эътиборини тортиш

учун ўз жуфти ҳалолларини ҳам «совға» қилиб юборишлари ва бу ишни шараф деб ҳисоблашлари ҳажв қилинади. Ёзувчи Ҳожибобо тилини сатиранинг ўткир тигига айлантиради. Тузум иллатларини у орқали фош қилади.

Асар композицияси ҳам ўзига хос бўлиб, унга кўра Ҳожибобо ўз кўрган-кечирганларини алоҳида-алоҳида ҳикоя тарзида баён қилади. Ҳар бир ҳикоянинг ўз қаҳрамони ва персонажлари бор. Буларнинг ичида шоҳ, шоҳ аёнлари, ҳарамдаги аёллар, шоҳнинг хос табиби, сохта дин пешволари, муллабоши, дарвешлар, савдогарлар, бозор аҳли (яъни дўкондорлар, баққоллар, чилимкашлар), туркман қароқчилардан тортиб элчихона ходимлари образларигача учрайди. Асарнинг бошида Ҳожибобо билан учрашган қаҳрамонлар, у билан учрашгунча бошларидан кечирган воқеаларни сўзлаб беришади ва асар охирига келиб улар яна бир-бирлари билан дийдор кўришишади ва ўтган давр оралигидаги саргузаштларини гапириб беришади. Бу давр оралигида уларнинг баъзиларининг характери салбий ва баъзилариники ижобий томонга ўзгарган ҳолда тасвирланади. Бундай композицион усулни танланиши бежиз эмас, зеро асарда ёзувчи илгари сурган ғоянинг ифодасида, характернинг намоён бўлишида композициянинг роли ғоят катта. Ёзувчи асардаги ҳар бир образга Ҳожибобо тилидан характеристика беради. Воқеаларнинг Ҳожибобо тилидан ҳикоя қилиниши ва бошқа қаҳрамонларга ҳам у томонидан тавсиф берилиши ўқувчини қаҳрамоннинг ички кечинмаларини ҳис қилиши учун замин яратади. Асарни ўқиб туриб ғўё қаҳрамон билан юзма-юз суҳбатлашгандек бўласиз, яъни, асарда тасвирланаётган воқелик қаҳрамон идрокидан ўтиб, китобга киради. Ёзувчи Ҳожибобо тилидан воқеликка баҳо беради, ўз мушоҳадалари ва хулосаларини баён этади.

Ҳожибобо қисматида ўша давр жамиятидаги барча чиркин, ярамас иллатлар, Эрон маданиятини, турмуш тарзини орқага тортиб турган урф-одатлар, никоҳ ва шарият, сиёсий тузумнинг нобоплиги муаммолари бадий инъикосини топган. Романда тасвирланаётган ташқи муҳит қаҳрамон

характерини очиб беришда муҳим ўрин тутади. Ҳожибобо асарнинг марказий фигураси бўлиб, у босиб ўтган ҳаёт йўли, мураккаб ва чигал тақдири асар мазмунини белгилайди. Асарда барча воқеа ҳодисалар асосий қаҳрамон Ҳожибобо ёки у билан тўқнаш келган инсонлар тилидан ҳикоя қилинади. Ҳожибобо характерининг шаклланишида ўша давр, уни ўраб турган одамлар, ташқи муҳитнинг таъсири ёзувчи томонидан моҳирлик билан тасвирланган.

Китобни ўқиган ўқувчида дастлаб, Ҳожибобо ёлгончи, айёр, ўз манфаатлари йўлида ҳеч нарсадан тоймайдиган, совуққон киши сифатида намоён бўлади. Бироқ унутмаслик керакки, у яшаётган жамиятда инсон озгина орқага чекинса унга ҳамла қилишади, ўғрини қароқчи уради, агар «сен ўлдирмасанг сени ўлдиришади» ақидаси ҳукмрон. Аслидачи, Ҳожибобо табиатан шеъриятга ихлосманд, Саъдий, Ҳофиз каби буюк шоирларни севиб ўқийдиган оддий саргарош. Унга севги-муҳаббат туйғулари ҳам бегона эмас. Бироқ у яшаб турган жамиятда севишганлар тақдири аксарият холларда фожеа билан тугайди (Юсуф ва Марям қиссаси). Уни илк бор бундай туйғуларга ошно қилган покиза ва ҳимоясиз Зайнабнинг қисмати ҳам бошқа ҳарам аёллари сингари аччиқ ва охир оқибат ўлим билан якун топади. Зайнаб ахлоқсизлик ҳукм сурган бу жамиятдан ўз жонига қасд қилиш орқали «қутилади».

Тақдир тақозоси билан (яъни, хаттотликни ўрганиш илинжида йўлга тушиб) бу ёш ўспирин (яъни Ҳожибобо) туркманлар қўлига асир бўлиб тушади, у ердан озод бўлгач, тақдирнинг не-не зарбаларини енгиб ўтади, гоҳ дарвешларга шогирд, гоҳ чилимкаш, гоҳ савдогар хуллас охир-оқибат Эрон элчисининг котиби (!) лавозимига чача бўлган йўлни босиб ўтади. Бу йўл қаҳрамонимиз учун ҳақиқий ҳаёт мактаби бўлди. У ўзига пухта, айёр, зеҳнли киши бўлиб етишади. У кўп бор қийин вазиятларга, мушкул ҳолатларга тушиб қолади, лекин ўзининг сўзга чечанлиги, удабуронлиги, айёрлиги билан бу вазиятлардан чиқиб кета билади.

Романда, биз кўпгина асарларни ўқиганимизда ва таҳлил қилганимизда одатда қаҳрамон кечинмаларини очиб беришда муҳим рол ўйнайдиган воситалардан бири ҳисобланган, табиат тасвири пейзажга деярли эътибор берилмаган. Кўпроқ уй жиҳозлари, бинолар (масалан, ҳаммом, элчихона биноси, ундаги гиламлару идиш товоқлар, дарвешлар хоноқаҳи), кийим-кечакларнинг батафсил тасвирланиши қаҳрамонни эмас, балки у билан тўқнаш келадиган образлар характерини очиб берувчи восита сифатида қўлланилган.

Асар жуда қизиқарли, юморга бой, саргузаштнамо ёзилган. Эрон олимларидан бири Миновий «Агар сиз бу китобни ўқимаган бўлсангиз, албатта ўқиб чиқинг, агар ўқиган бўлсангиз, қайта ўқинг, асло афсус чекмайсиз» деганда ҳақ эди. Асарни реалистик романнинг ажойиб намунаси сифатида баҳолашимиз мумкин. Унда инсон бошига нобоп жамият туфайли не кўргиликлар тушиши мумкинлиги, инсон зеҳни нималарга қодирлиги, вазият инсонни не куйларга солиши ва ақл заковат, фаросат, зеҳн кучи нималарга қодирлиги ажойиб бадиий лавҳаларда намоён этилган.

Уқоридаги фикрлардан хулоса қилиш мумкинки, XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб XX аср Эрон насрининг шаклланишига зарур бўлган шарт-шароит, адабий муҳит шаклланиб бошлаган эди.

Изоҳлар

1. Средневековая персидская проза. -М.: Правда, 1986, с.4.
2. Комилов Н. Тафаккур карвонлари. -Т.: Маънавият, саҳ.124.
3. Қаранг: В книге Е.Э.Бертельса «Очерк истории персидской литературы». Глава. «Персидский исторический роман XXв.». -М., 1928.
4. Эронда халқ оғзаки ижодида тарқалган ҳикоятлар ва қиссалар «достон» деб юритилади. Эронда «достон» деганда турли характердаги насрий асарлар тушинилади. Замонавий форс адабиётида достон: повесть, ҳикоя ва новелла маъносини ҳам англатади.

5. Бостони Поризий 1931 йилда Шайх Муҳаммад Ҳасан Уйи номли машҳур мактабда таҳсил олган. Орадан 10 йил ўтгач, у бу уй «Ўғрилар пайгамбари» асари муаллифининг уйи эканлигини билади. Бу мактабда Поризий савод чиқаради ва 30 йилдан сўнг пайгамбарнинг мактубларини йиғишни бошлайди ва китоб ҳолига келтиради. Поризий отаси асос солган ўрта мактабда ўқишини давом эттиради. Ёзги таътилда Сеиржон, Рафсанжон ва Кермондан машҳур шахслар Поризга келишар эди. Ва албатта Бостон ўқийдиган мактабда тўхтаб ўтишарди. Бу шахсларнинг баъзилари адабиётга ўта қизиқувчи одамлар бўлиб, уларда пайгамбар хатларининг намуналари бор эди. Бостон бу намуналардан ўзига нусха кўчириб оларди. 1942 йили Аҳмад Муин Рафсанжоний ҳам Поризга келади. Унда бу хатларнинг бутун бир тўплами сақларди. Бундан хабар топган Бостони у билан ҳам учрашиб ундаги намуналарни олади. Хуллас, қўлидаги бор нусхаларга асосланиб 1944 йили илк бор китоб ҳолида нашр эттиради

6. Шариат қонунига кўра тўртта хотинга қонуний уйланиб, қолганларига вақтинчалик уйланиш мумкин эди.

7. Изоҳ: Бу гапда тарихий реал фактларга ишора қилинган. Воқеалар содир бўлаётган даврда Анлия ва Франция элчилари ўз манфаатлари учун шоҳни улар билан ҳамкорлик қилишга кўндириш борасидаги уриниш ҳолатлари учрайди. 1800 йилда инглиз капитани Малькольм йирик миқдорда мол харид қилиш шартига шоҳдан французларни Эронга киритилишига розилик олади. Франция элчиси Жобар қанча пора бермасин, Англияга қарши Эрон билан ҳарбий шартнома имзолашга муваффақ бўлолмайди. 1807 йилга келиб эса, Англия билан алоқани узганликни билдирувчи Франция - Эрон ҳарбий битими тўсатдан имзоланади. Бироқ 1809 йилда яна Россия ва Францияга қарши Англия - Эрон шартномаси тузилади. 1810 йилда Малькольм Эронга яна таъриф буюради ва шоҳга йилига 200 минг туман солиқ тўлаб туришини маълум қилади.

II БОБ. XX АСР ЭРОН НАСРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

XX аср Эрон бадий насрининг жадал суратларда ривожланишига иккита омил туртки бўлди. Биринчиси, ўтган асрлар, жумладан, барча насрий жанрларнинг ривожланиши билан характерланадиган XIX-XX асрнинг биринчи ўн йиллиги проза-сининг бой тажрибаси ва ютуқлари, иккинчиси, Эрон зиёлила-рининг Фарб давлатлари ва рус адабиёти ва, хусусан, насрчилиги билан яқиндан танишишидир. Шунингдек, XX асрда мамлакатда содир бўлган ижтимоий-сиёсий воқеалар ҳам адабиётга ўз таъсирини ўтказмай қолмади. XX аср бошларида бутун мамлакат бўйлаб ва, айниқса, мамлакатнинг шимолий ҳудудларида миллий-озодлик ва демократик ҳаракатлар тўлқини юзага келди. 1905-1911 йиллардаги инқилобдан сўнг мустабид тузумга қарши бир-кетин кўзғолонлар бўлиб ўта бошлади. Ватан озодлиги йўлида қурбон бўлган маршруте конституция тарафдорлари ҳаракатининг аччиқ сабоғи унут бўлмасдан туриб, Кучекхон бошчилигидаги империализмга ва шоҳга қарши жэнгэли (ўрмончилар) ҳаракати авж олди. 1920 йили Филонда республика тузилганлиги ҳақида эълон қилинди. Шу йиллари Шайх Муҳаммад Хиёбоний бошчилигидага халқ ҳаракатлари ҳам бошланди. Табризда Эрон Озарбайжони миллий ҳукумати ташкил этилди; бу ҳукуматнинг асосий мақсади Эронни чет давлатлар томонидан мустамлакага айлантирилишига қарши, шоҳлик тузумига қарши кураш ва мамлакатда демократик ислоҳотлар ўтказиш эди. 1920 йилларнинг ўрталарида Зенжон, Марағе, Оҳорларда ҳам кўзғолонлар бўлиб ўтди ва ҳокимият демократик кучларга ўтди.

Халқ кўзғолонлари адабий жараёнларнинг ҳам фаоллашувига туртки бўлди. Кўплаб адабий жамиятлар фаолият юрита бошлади. Масалан, Табризда «Анжўман-э адаби», Техронда «Анжўман-э шўарое адаби», Шерозда

«Анжуман-э адаби» каби жамиятлар иш олиб борди. Бу жамиятлар кўплаб истеъдодли шоирларни ўз атрофига жипслаштирди. Таъкидлаш жоизки, XX асргача бўлган адабий йиғилишларда асосан шеърият таҳлил қилинар, гоҳида шеърият билан боғлиқ янгиликлар муҳокама қилинади. Адабий тўғараклар асосан олимлар томонидан ташкил этилган. Масалан, профессор Саид Нафисий ва Пур Довуднинг хонадон-ларида мунтазам равишда танқидчилар, шоирлар ва ҳаваскор ёзувчилар йиғилиб туришган.

1907 йили Техронда «Мажмаэ адабиётэ шарқийэ» («Шарқ адабиёти ассоциацияси») ташкил этилган бўлиб, кейинчалик бу ассоциация «Клуб» деб номланди. «Клуб»га ўз даврининг таниқли адабиётшунос олимлари Шайх ул-Мулк Кермоний ва Адиб ул-Мулк асос солганлар. Клубнинг асосий мақсади адабиётни бутун жаҳон миқёсида ривожлантириш ва унинг энг сара намуналарини халқ орасида тарғиб этиш эди.

1920 йилларда «Анжуманэ адабийэ Ирон» («Эрон адабий жамияти»), 30-йилларида «Рубъэ» адабий тўғараги ташкил этилди. Унинг аъзолари шеърий асарларни эмас, кўпроқ насрий асарлар мутоаласи ва уларнинг таҳлили билан шуғулланишар эди.

«Рубъэ» тўғарагида дастлаб Содик Хидоят, Бузург Алавий, Масъуд Фарзод ва Мўжтабо Миновийлар фаолият юритишган бўлса, кейинчалик уларнинг сафига Абулҳусайн Нушин (драматург, жамоат арбоби), Хонларий (адабиётшунос-танқидчи, Техрон университети профессори), Нимо Юшиж (машҳур шоир, «шеъре ноу»нинг асосчиларидан бири), Мўхтади Сўбҳий (фольклоршунос)лар қўшилдилар.

XX аср ҳам кенг миқёсда таржимачилик фаолиятининг ривожланганлиги билан ҳам характерланади. Эраж Мирзо томонидан Лафонтеннинг бешта масали, Шиллернинг «Гаввос» номли балладаси форс тилига ўгирилди. Адиб Шекспирнинг «Венера и Адонис» поэмасини ҳам «Зухро ва Манучехр» номи билан таржима қилди. «Зухро ва Манучехр»

ҳар томонлама мукамал асар деб ҳисобланган. Асарда севги маъбудаси Зухро-нинг шоҳ гвардиясининг ёш офицерига бўлган севгиси тасвир-ланади. Асарнинг асосий ғояси севги доимо ғам-ғусса билан ажралмас туйғу эканлигидир.

Истеъдодли ёзувчи Содиқ Ҳидоят томонидан Франц Кафка асарларининг таржимаси берилди бошланди.

Кўплаб рус адибларининг асарлари ҳам форс тилига ўтирилди. А.С.Пушкин, Лермонтов, Л.Толстой, Достоевский, Крылов, Гоголь, Горький, А.Чехов, Шолохов, Фадеев, Островский, Маршак, Чернышевский, Белинский кабиларнинг асарлари шулар жумласидандир.

Ёзувчилар адабий журналлар атрофида жипслаша бордилар. Кўп сонли журналлар орасида 40-йилларда иккита журнал: «Сўхан» («Сўз») ва «Пэйомэ ноу» («Янги ахборот» кейинчалик унинг номи «Пэйомэ новин» деб ўзгартирилди) журналлари ўз саҳифаларида бевосита адабиёт ва санъат соҳасидаги янгилик-ларни ёритар эдилар. «Сўхан» журналига Эроннинг йирик филологи ва шоири Парвиз Нотел Хонларий асос солган. «Пэйомэ ноу» журнали эса Эрон маданий алоқалар жамиятининг органи эди.

«Сўхан» журнали адабиёт ва санъатдаги янги методлар, янгича қарашларни акс эттириши билан характерланади. Журнал ўз муштарийларини М.Горький, С.Айний, Ж.П.Сартр, Л.Толстой, И. Эринбург каби забардаст адиблар ижоди билан таништира бошлади. Унинг саҳифаларида классик форс шеърияти, янги давр ёзувчилари ва шоирларининг асарларидан намуналар чоп этилди ва улар ҳақидаги танқидий мақолалар ёзилди, илмий тадқиқотлар ҳам бериб борилди.

40-йиллар форс адабиёти тарихида алоҳида бир салмоқли ўринга эга бўлди. Насрда ижтимоий-сиёсий тематика етакчилик қилди. Бу йилларнинг етук ёзувчиси сифатида Содиқ Ҳидоят адабиёт саҳнасида чиқди. Содиқ Ҳидоятнинг бу даврда яратилган асарларида лирик ва романтик мотивлар сезилади. Шу билан бирга адиб сатирага ҳам тез-тез

мурожаат қилади. Адибнинг худди шу йиллари ёзилган «Қазийейе ҳаре дажжол» (1944) ҳикоясида ўз жигилдонини ўйлайдиган ватанфурушлар ҳажв қилинади. Содиқ Ҳидоятнинг «Обе зендеги» («Тирик сув») ҳикояси, «Тупе марварид» («Марваридли тўп») памфлети, «Ҳожи ого» повестида замоннинг энг долзарб мавзулари: империалистларга қарши кураш ва Иккинчи Жаҳон уруши асоратлари акс этди.

Бузург Алавий, Жалол Оле Аҳмад, Содиқ Чубаклар ҳам бу даврнинг фаол ёзувчилари сифатида ижод қилдилар.

50-йиллар эрон халқининг миллий-озодлик ҳаракатлари нингитдан кўтарилган бир давр бўлди. Ишчи-деҳқонлардан токи зиёлиларгача нефть саноатини миллийлаштириш пиори билан чиқдилар.

1950 йилда Тинчлик тарафдорлари жамияти тузилди ва унга адабиётшунос олим ва жамоат арбоби Маликушшуаро Баҳор раис этиб тайинланди. Бу жамиятнинг асосий вазифаси Эрон халқининг мустақиллиги учун кураш, америкалик «маслаҳатгўй-лар»ни мамлакатдан чиқариб юбориш, деб белгиланди.

Ёзувчилар асосан адабий журналлар атрофида жипслашишда давом этдилар. Давр ва замон чақириғига жавоб тариқасида публицистика ва сатира ривожланди. «Челангар», «Тоуфиқ», «Эттелооте ҳафтеги», «Тараққий», «Хонданиҳо» ва бошқа кўплаб журнал ва ҳафтанома фаролият юритди.

Адабий жараёнлар хусусида гапирадиган бўлсак, сатирик руҳдаги насрий асарлар ёзила бошланди. Бу усулда ёзилган асарларга Саид Нафисийнинг сиёсий романи ва Парвиз Хатибийнинг памфлет китоби мисол бўла олади.

Эрон адабиётида Саид Нафисийнинг «Ниме роҳе беҳешт» («Жаннатнинг ярим йўлида») романи сингари ўткир ҳажвий асар ҳали ёзилмаган эди, деб баҳолайдилар танқидчилар.

Саид Нафисий (1896-1966) 1896 йили 18 июнда Техронда таваллуд топган. Унинг отаси Нозим ул-Атеббо, ўз даврининг

машҳур олими, Европада таълим олган Эроннинг биринчи шифокорларидандир. У томонидан тузилган 5 томли луғат «Фарнудсар ё фарҳангэ Нафисий», 30-йилларда Саид Нафисий томонидан чоп этирилган. Бу луғат ҳозирга қадар ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Бошланғич ва ўрта таълимни Техронда олган Саид Нафисий кейинчалик Францияда таҳсилани давом эттирган. Ватанига қайтган Саид Нафисий турли лавозимларда ишлади. 1934 йили Техрон университетига асос солинган, ҳуқуқ ва адабиёт факультетлари профессори лавозимида ишлаган. 1935 йили Эрон тил ва адабиёти академияси («Фарҳангестон») га асос солинган, унинг ҳақиқий аъзоси этиб тайинланди. Адиб Кобул, Бомбей, Банорас, Ҳайдаробод, Деҳли, Калькутта, Мадрас, Қоҳира, Байрут ва бошқа кўплаб нуфузли университетларда маърузалар ўқиган. У жаҳон шарқшунослик илмига муносиб ҳисса бўлиб қўшилган кўплаб илмий асарлар муаллифидир. С. Нафисийнинг X аср форс шеърляти, Абу Абдулло Рўдакий, Шайх Баҳойй, Аттор, Ҳофиз каби Эрон адабиёти ва тарихида чуқур из қолдирган шахсларнинг ҳаёти ва ижодига оид илмий изланишлари жаҳон шарқшунослари эътиборини қозонган. Эронда у шоир сифатида ҳам машҳур. Адибнинг шеърлари Эрон журналларида чоп этилган, 1954 йилда тўплам ҳолида ҳам нашрдан чиққан. Ўз лирикасида Нафисий форс классик анъанавий шакллари (қасида, ғазал, рубоий)га янгича мазмун сингдирган-лиги билан ажаралиб туради.

Шунингдек, форс тилидаги биринчи сентиментал роман «Фарангис» ҳам, унинг номи билан боғлиқ. Бу хат-роман бўлиб, 1931 йилда «Этелоот» газетаси саҳифаларида нашр этилган ва кейинчалик китоб ҳолида чоп этилган. «Фарангис» романи баъзи жиҳатлари билан Гётенинг «Ёш Вертернинг изтироблари» асарини эслатади.

Асарда тасвирланишича, ёш йигит Фарангис исмли қизни севиб қолади. Бироқ бетоблиги туфайли у даволанишга кетади ва у ердан севгилисига хатлар ёзади. Ёш йигитнинг

тақдири мисолида муаллиф жамиятдаги баъзи бир салбий томонларни танқид қилишга уринган. Асарнинг сўзбошисида муаллиф «Бу китоб маълум бир аниқ шахс ҳақида эмас, у барча инсонларнинг изтиробларини акс эттиради», деб ёзади.

1950 йилда Саид Нафисийнинг яна бир роман-памфлети «Ниме роҳэ беҳешт» («Жаннатнинг ярим йўлида») китобхонларга тақдим этилади. Асардаги воқеалар XX аср 40-йилларида бўлиб ўтади.

60-йилларнинг бошларида адибнинг соғлиги ёмонлашади.

Истеъдодли адабиётшунос олим ва жамият арбоби, шоир ва адиб Саид Нафисий 1966 йил 14 ноябрда Техронда дунёдан кўз юмади.

Бу даврда ижод этган яна бир адиб Парвиз Хатибийдир. У ўзининг «Шаҳрэ Хэрт» («Бемаъни шаҳри», 1954) асарида миллий ғурур мавзусини кўтаради. Адиб ўз юртини менсимасдан, Европа давлатларига кўр-кўрона ва қулларча таъзим қиладиган, уларга ҳавас билан қараб ўз юртини камситадиганларни ўткир танқид остига олади.

Асарда турли ижтимоий мавзулар кўтарилган бўлиб, улар «Жаноб бошлиқлар», «Газета муҳаррири» ва бошқа сарлавҳалар билан алоҳида қиссалар шаклида баён этилади. У танқидий назар билан талқин этган қаҳрамонлар, асосан, полиция нозирлари, газета муҳаррири, буржуа зиёлилари, дин пешволаридан иборат «юқори табақа» вакиллари.

Бир сўз билан айтганда, Парвиз Хатибий форс адабиётида танқидий руҳдаги асарлар ёзиш анъанасини давом эттирган адиб сифатида эътироф этилади.

Таржима адабиёти ва танқидчилик

1953 йилги реакцион тўнтаришдан сўнг шох Муҳаммад Резо Паҳлавийнинг Эронга қайтиши мамлакатда ўсиб келаётган демократик кайфиятни сусайтирди. Шохга қарши йўналтирилган ҳар қандай ҳаракат шафқатсизларча бостирила бошланди. Бутун жамиятни кўрқув қамраб олди. Кўпгина илғор фикрли инсонлар отиб ўлдирилдилар,

кўплари мамлакатдан чиқиб кетишга мажбур бўлдилар, Яхшилик, чиройли турмуш, адолатли кунлар орзуси ўрнини тушкунлик ва ишончсизлик эгаллай бошлади. Адабиёт кўзгуси ҳисобланган матбуот органлари ёпила бошланди. «Пейомэ ноу», «Кабутарэ сўлх» журналлари ўз фаолиятини тўхтатишга, «Хонданиҳо», «Роушанфэкр», «Эттэлоотэ ҳафтэги» журналлари эса ўртамиёна адабий асарларни нашр этиш билан чекландилар. Атоқли ёзувчи Иброҳим Гулистон ўзининг «Флобер мактубларига» номли асарининг муқадиммасида бу даврни характерлаб шундай ёзади: «Улар ўзларининг кечаги кунини билмайдилар, чунки уни йўқотдилар, у билан хайрлашдилар. Шунингдек, улар эртанги кунини ҳам билмайдилар, чунки уни улардан ўғирладилар. Энди уларнинг ҳар бири ўз сағанасида ўз ҳолича ёлғиз. Ўтмишдан уларга қайғу қолди, келажак эса умидсизликни уйғотмоқда».

Барбод бўлган орзу-умидлар, ҳукмрон гуруҳларнинг шафқатсизликлари олдидаги ожизлик ҳисси ёзувчилар ижодида ҳам ўз муҳрини қолдирди.

Бу пайтга келиб замонавий насрнинг истеъдодли яловбардори Содиқ Ҳидоят вафот этади (1951), Бузург Алавий хорижда яшашга мажбур бўлди, Содиқ Чубак бир нечта ҳикоялардан ташқари деярли ҳеч нарса ёзмай қўйди, Иброҳим Гулистон режиссерлик, Маҳмуд Беҳозин таржимонлик фаолияти билан шуғулланди ва «Садаф», «Энтэкоде кетоб» журналларида муҳаррир лавозимида ишлади, Жалол Оле Аҳмад иккита повесть ёзди ва ўзининг катта шов-шувга сабаб бўлган «Ғарбзадэги» китобини нашрдан чиқарди.

50-йиллар охири ва 60-йиллар бошлари Эрон адабиётшу-нослиги олдида бу инқироздан қутилиб кетишдек долзарб вазифа кўндаланг турар эди. Бу даврдаги адабиётнинг ҳақиқий аҳволи истеъдодли ёзувчи Беҳозин раҳбарлик қилаётган «Садаф» журнали саҳифаларида ёритилиб борди.

Бир сўз билан айтганда, бу йилларда кучли асарлар деярли ёзилмади.

Адабиётдаги бу бўшлиқни тўлдириш вазифасини чет тилидан қилинган таржималар бажарди десак муболаға бўлмайди. И. Тургенев, Ж.П.Сартр, П. Арагон, А.Камю, Э. Хемингуэй, У. Фолкнер ва бошқа ёзувчиларнинг асарлари форс тилига ўтирилди.

Рус адабиёти билан яқиндан танишув эрон замонавий наърига ижобий таъсир кўрсатди. Таржима учун энг сара асарлар танлаб олинганлиги туфайли, кўплаб китобхонларда жаҳон адабиётига қизиқиш ниҳоятда кучайди. Симин Донешвар бу даврдаги ҳолатни қуйидагича изоҳлайди: «*Бизнинг кўпчилигимиз, бизнинг авлод ёзувчилари, жумладан, менинг ўзим ҳам таржималар қурбонига айландик, чунки асарларимизнинг харидори қолмади... Ҳамма гарб адабиётидан қилинган таржималарга эътибор қаратди ва ёзувчи бўлиш ўрнига (таъкид бизники - С.С.), таржимонлик билан шугуллана бошладилар*».

1955 йилдан 1965 йилларгача бўлган давр оралиғида эронлик ёзувчиларнинг 372 та асари ва 666 та таржима асар чоп этилган. Айниқса, детектив руҳдаги адабиёт оммабоп нашр ҳисобланар эди. Микки Спилейн, Карл Чесман, Морис Леблан, Джеймс Харлди Чейз, Агати Кристи каби Гарб ёзувчиларнинг кўплаб асарлари Мусо Фарҳанге Розий, Тураж Фаразманд каби мутаржимлар томонидан форс тилига ўтирилди.

Детектив асарларни ўз саҳифаларида нашр этадиган журналлар (масалан, «Кетобэ ҳафтэ») анча харидоргир эди. Ёзувчилар бир-биридан ўтадиган детектив асарларни ўгиришга ҳаракат қилар эдилар. Карим Кешоварз Жорж Сименон асарларини, Али Акбар Касмаий Стокр («Қонхўр дракула» асари) асарларини таржима қилдилар. Кўпгина нашриётлар, масалан, барчага машҳур «Гутенберг» нашриёти бутун бир детектив романлар циклини чоп эта бошлади.

Детиктив романлар қаторига саргузашт романлар таржимаси ҳам келиб қўшилди. Журжи Зайдоннинг ўн битта романи ва Александр Дюманинг тўққизта романи, Мишел Зеваго саргузашт асарлари шулар жумласидандир. Беллетристикага оид асарларга ҳам эътибор кучайди. Ишқий-психологик характерда ёзилган Франсуаза Саганнинг «Салом, қайғу» асари Бобо Муқаддам (1955), Дафна де Морьенинг «Ребекка» асари Ҳасан Шаҳбоз (асар 1955 дан 1963 йилгача олти марта қайта нашр этилди) томонидан моҳирона таржима қилинди.

Бироқ ҳамма китоблар таржимаси ҳам талаб даражасида деб бўлмайди. Бу эса ўз навбатида адабий танқидчиликнинг ривожланишига туртки бўлди. «Энтэқодэ кетоб» журналида мутаржимлардан сўзма-сўз таржимага берилмасликни, ёзувчи услубини бузмасликни ва асар руҳини акс эттиришни талаб қилувчи мақолалар чиқа бошлади. Бунга асос бор эди, албатта. Чунки баъзи бир таржимонлар йирик асарларни ўзбошимчалик билан қисқартириб, ёзувчи услубини ўта бузиб таржима қилардилар. «Ҳеч бир таржимон, -деб ёзади Беҳозин, у қанчалик истеъдодли бўлишидан қатъий назар, шуни унутмаслиги керакки, у китобхонга фақатгина бегона фикрни етказиб беради. Ва фақат шу фикр доирасидагина у баён эркинлигига ҳаққи бор».

Таржима асарларнинг турли-туманлиги ва кўплиги туфайли адабиётшуносликда адабий мактаблар билан таништирувчи илмий-назарий китобларга эҳтиёж ва талаб туғилди. Натижада, бу талабга жавоб сифатида Доктор Митранинг (Сирус Парҳам) «Реализм ва антиреализм» (1954), Резо Ҳусайнийнинг «Адабий мактаблар» (1955), Иброҳим Юнесийнинг «Бадиий наср санъати» (1962) номли асарлари дунёга келди.

Шуниси эътиборга моликки, мумтоз асарлар ҳам муаллифлар назаридан четда қолмади, аксинча уларга эҳтиёж ортди. Жек Лондон йигирма икки, С.Цвейг йигирма, В.Гюго ўн тўрт, Достоевский ва Бальзак ҳар бири ўн уч,

Хемингуэй ўн икки, Л.Толстой ва Стейнбек ҳар бири ўн
киладдан иборат китоб шаклида ўқувчиларга тақдим этилди.

1961-1962 йилларда А.Аҳмадий «Сўхан» журналининг
қатор сонларида чоп этган мақолалари туркуми орқали
биринчи бор эрон ўқувчисини Бертольд Брехт ва унинг янги
адабий йўналиши билан таништирди. Худди шу йиллари
Стендаль, Пиранделло, Марк Твен, Диккенс, Гомер,
Вольтер, Мопассан, Гёте, Грин, Роллан, Сартр, Крылов,
Тургенев, Гогол, Горький сингари жаҳонга машҳур
ёзувчиларнинг асарлари форс тилига ўгирилди. Истеъдодли
ёзувчилардан Козим Ансорий Л. Толстойнинг «Уруш ва
тинчлик», Иброҳим Юнесий Джованьолининг «Спартак»,
Баҳман Шўлевар Фолкнернинг «Тўс-тўполон ва газаб»,
Муҳаммад Казий Флобернинг «Бовари хоним», Нажаф
Дарёбандарий Хемингуэйнинг «Алвидо, қурол» сингари
йирик асарларини моҳирона тарзда форс тилига таржима
қилдилар. «Нил» нашриёти «Ўнта йирик роман» номли
тўпламни чоп этади. Бу тўпламга Сервантеснинг «Дон Кихот»
(таржимон Муҳаммад Казий, 1956-1958), Бальзакнинг
«Горео ота» (таржимон Беҳозин, 1955), Р.Ролланнинг «Жан
Кристоф» (таржимон Беҳозин), Стендалнинг «Қизил ва қора»
(таржимон Абдуллоҳ Таваккул) каби романлари киритилган
эди. Моҳирона қилинган таржима орқали ўқувчилар ҳақиқий
санъат асарини сохтасидан ажратиш имкониятига эга
бўлдилар.

Агар 1921 йилдан 1941 йилгача Эрон адабиёти
тараққиётида француз адабиёти муҳим ўрин тутган бўлса,
1941 йилдан 1951 йилгача бўлган адабий жараёнларда рус
реалистик адабиёти, ундан кейинги ўн йилликда эса
Америка адабиётининг таъсири кучли бўлди. Кўпгина
нашриётлар Америка ёзувчиларининг асарларини нашр
этишда ўзаро мусобақалашиб даражасигача борар эдилар.
Китобхонларда, айниқса, Хемингуэй асарлари катта
қизиқиш уйғотди.

Лекин, журналларда (масалан, «Араш» журналида) Америка адабиёти ҳақидаги танқидий мақолалар ҳам мунтазам чоп этилиб турди.

1954 йилдан бошлаб Техронда «Франклин» Америка маданий жамияти фаолият юрита бошлади. Кўпгина илғор ёзувчилар бу жамиятга аъзо бўла бошладилар. Даставал бу жамиятнинг вазифаси китобларни нашр этишда кўмаклашишдан иборат бўлди. Секин-аста у ўз фаолиятини кенгайтира борди, ва тез орада у Эрондаги энг нуфузли нашриётга айланди. 1955 йилдан бошлаб «Франклин» нашриёти дарсликлар, ёшлар ва болалар журнал-ларини чоп этишни ўз бўйнига олди.

60-70-йилларга келиб, адабиёт саҳнасига Иброҳим Гулистон, Фуломхусайн Соидий, Фаридун Тонекабўний, Хўсрав Шоҳоний, Жамол Мирсодиқий, Баҳром Содиқий¹ каби ёзувчилар чиқдилар. Уларнинг асарлари Эрон матбуоти ва нашриётларида қайта-қайта чоп этилган, дунёнинг турли тилларига таржима қилинган.

Драматургия

Ёзувчилар орасида истеъдодли драматурглар ҳам етишиб чиқа бошлади. Эрон драматургияси ривожига муносиб ҳисса қўшган шундай адиблардан бири, шубҳасиз, Нушиндир.

Абдулхусайн Нушин 1910 йили Техрондаги ўзига тўқ, зиёлилар оиласида дунёга келди. Ота-онасидан эрта етим қолгач, ўз амакиси қўлида тарбияланди. Бу оила ўз даврининг жуда бадавлат, юқори маълумотли оилаларидан ҳисобланарди. Нушиннинг амакиси бир неча йил Европада бўлган ва ўз фарзандларини ҳам Францияда таҳсил олиш учун юборган бўлиб, Абдулхусайнни дастлаб аристократлар бошланғич мактабига, кейинчалик эса Техрондаги француз коллежига ўқишга беради. Нушин 15 ёшида коллежни тамомлайди. Йигитча олдидан касб танлашдек масъулиятли вазифа турарди. Ўша даврда мамлакатни Ризо шоҳ Паҳлавий бошқараётган эди. Шоҳ асосий эътиборни армияга

қаратганлиги туфайли, ёшлар ўртасида ҳарбий соҳага қизиқиш ниҳоятда кучли бўлган. Дўстлари ва яқинлари таъсири остида Нушин Олий офицерлар тайёрлаш мактабига ўқишга киради. Ўқишининг биринчи йиллари жуда яхши ўтади. У офицерлар мактабининг энг кўзга кўринган инқидорли толиби сифатида кўпчилик эътиборига тушади. Таълим даврининг учинчи йилида нохуш воқеа юз беради. Ислом ҳуқуқи ўқитувчисининг нотўғри хатти-ҳаракати ёш курсантни ғазаблантиради. Нушин ўқитувчини ҳақоратлагани туфайли мактабни ташлаб кетишга мажбур бўлади.

Кейинчалик Нушин Педагогика билим юртининг тарих ва адабиёт бўлимига ҳужжат топшириб, 1929 йили у ерни муваффақ-қиятли тамомлайди. Танлов асосида Франциянинг Тулуз консерва-торияси актёрлик бўлимига ўқишга киради. 1933 йилда Нушин актёрлик соҳасини эгаллаб Эронга қайтади. Бу пайтларда Эронда Европа йўналишидаги театрлар йўқ эди. Бундай театрларни қўйиш бефойда эканлигини ҳис қилган Нушин, янги замонавий театрлар, Эрон пьесларини ва таржима асарларни саҳналаш-тириш билан шуғулланади. У ҳам, актёр, ҳам режиссер бўлиб иш юритади.

1934 йили у Фирдавсийнинг 1000 йиллик юбилейига атаб «Шоҳнома» асаридан парча саҳналаштиради. Шу йиллари Нушин Эроннинг машҳур ёзувчиси ва сиёсий арбоби ҳисобланган Бузург Алавий билан яқиндан танишади. Нушин «Тўртлик» номи билан машҳур бўлган Содиқ Ҳидоят бошчилигидаги ёш адабиётчилар гуруҳига қўшилади.

Адиб 1945 йилда «Фирдавсий» номли театрини тузган эди. 1949 йили мана шу театрда репетиция вақтида Нушин ҳибсга олинади. Унинг ҳибсга олинishi мамлакатдаги фаол кучларга қарши террор бошланган вақтга тўғри келди.

Ҳибсдалик чоғида Нушин «Театр санъати» номли китобини ёзади. 1953 йили у Техрондан чиқиб кетади ва бадий ижод билан шуғулланишга киришади. 1959 йилда

унинг биринчи йирик насрий асари «Хон ва бошқалар» ёки «Алимуродхон ва бошқалар» асарини яратади. Бу асарда Эрон халқининг иқтидори, меҳнатсеварлиги ҳақида ҳикоя қилинади.

Нушинни Эронда ажойиб режиссер, актёр, қатор пьесалар муаллифи, маҳоратли таржимон, Эрон миллий театрини яратган шахс сифатида тилга оладилар. Бироқ Нушиннинг фаолияти бу билан чегараланмаган. У Иккинчи Жаҳон уруши вақтларида мамлакат сиёсий ҳаётида ҳам фаол иштирок этди, Эрон халқ партияси (Тудэ) ташкилотчиларидан бири бўлди, иқтидорли тарғиботчи ва ташвиқотчи эди. Эрондан чиқиб кетгач, муҳожирлик йилларида ёзувчи сифатида танилди. У 2 та катта повесть ва кўплаб ҳикоялар муаллифидир. Нушин қаерда яшамасин, доимо Эрон халқининг қизиқишлари, орзу-истаклари билан яшади. У ватанининг чет эл империалистларидан озод бўлишини умри давомида орзу қилди ва бу йўлда имкони борича курашди.

Нушиннинг биринчи пьесаси оилавий драма бўлиб, «Муғомбир» деб номланган. Унинг бу драмаси катта муваффақият қозонади. Драма Лев Толстойнинг «Якшанба» асари таъсири остида ёзилганди. 1942 йил у француз драматурги Марсель Паньольнинг «Забаржад» пьесасини сахналаширади. Бу асарнинг қўйилиши Техрон театри ҳаётида катта воқеа бўлди. Шу муносабат билан кўплаб танқидий мақолалар ёзилди.

1943 йили «Хўроз тонгга қайтаяпти» номли учинчи пьесасини яратди. Унда Эрон ишчиларининг эксплуататорларга қарши кураши мавзуси ёритилган.

1942 йили Нушин «Фарҳанг» номли театр труппасини тузади. Ва таржимонлик ишларини ҳам давом эттирди. Горькийнинг «Тубанликда», Шекспирнинг «Отелло», «Таги пуч машмашалар» асарларини таржима қилди.

Романнавислик

XX аср адабиёти Эрон ёзувчилари орасида роман жанрига қизиқиш кучайганлиги билан ҳам белгиланади. Насрдаги янги наараёнлар, маънавий, шаклий-услубий изланишлар роман жанрида ёрқинроқ намоён бўлади. Айниқса, сўз санъатининг ўзак масаласи инсонни англаш, инсон табиатининг, қалбининг тушунтириш қийин бўлган сир-синаотларини тафтиш этиш, инсон жумбоғи устида астойдил бош қотириш, унинг муҳими бу борада одатдаги андазалардан қочиб янги йўللار ахтариш романчилигимиз ривождаги етакчи тамойилга айланиб бораётир². Адабиётшунос олим У. Норматовнинг ўзбек романи ҳақидаги бу фикрлари Эрон романига ҳам таалуқлидир. Бу даврда ёзувчилар кўпроқ тарихий ва ижтимоий мазмундаги романлар яратдилар.

Тарихий романлар

Тарихий роман Эронда энг кенг ривожланган жанрлардан биридир. Тарихий романлар яратилиши қуйидаги йўналишларда кечди:

1. Қадимги ва Ўрта асрлар Эрон тарихида яшаб ўтган буюк шоҳлар, сулолалар ҳақида ҳикоя қилувчи романлар. Ово Шайх Мусонинг «Эшқ-ў салтанат йо футухоте Куруше қибир», Ҳасан-хон Нусрат ал-Вазара Баде «Достон-е бостон» асарлари шундай асарлар турига киради.

2. Эроннинг янги тарихини ҳикоя қилувчи романлар. Булар сирасига Шариф Али Асқарнинг «Хунбаҳо-йе Ирон» («Эрон учун тўкилган қоннинг баҳоси», 1928-1929), Ҳасан Афшор Техроний-нинг «Мирзо Кучекхон», Муртазо Бразжонийнинг «Зендони-йе Безехурд» («Безехурд маҳбуси», 1935) Рукнзода Одамиятнинг «Далирон-е Тангестони» («Тангестонлик қаҳрамонлар», 1935) романлари киради.

3. Тарихий-диний мавзуда ёзилган романлар. Бу романларда асосан Пайғамбар, имомлар ва уларнинг турмуш тарзи, салафларининг ҳаёти, ислом дини учун бўлган жанг

тафсилот-лари ёритилади. Бу мавзу Эрон адабиёти учун янги эмас. Ушбу мавзуда яратилган улкан мерос замонавий ёзувчилар ижодига ҳам таъсир кўрсатмай қолмади. Бу йўналишдаги романлар ичида Зайнал-Обидин Раҳнаманинг «Пайгамбар» ва «Имом Ҳусайннинг ҳаёти» асарлари айниқсан жуда машҳур эди.

Форс тилида ёзилган биринчи тарихий роман Санъатизода Кермоний қаламига мансуб бўлиб, «Домгустарон ёо энтиқом-хоҳон-е Маздак» («Тузок қўювчилар ёки Маздак учун қасос олувчилар») деб номланган.³ Асарнинг биринчи томи 1317/1899 йилда (яъни муаллифнинг 14 ёшлигида) ёзилган, деган фикрлар мавжуд. Бироқ бирмунча кеч: 1920 йили Бомбейда биринчи жилди, 1925-26 йилларда Техронда иккинчи жилди нашрдан чиқади.

Романда қаламга олинган воқеалар, Сосонийлар ҳукмронли-гининг сўнгги йилларида бўлиб ўтади. Унда бу сулоланинг ҳалокати, араблар истиғлоси ва сўнгги Сосоний ҳукмдори Яздигарднинг ўлими каби ҳодисалар тасвирланади. Муаллиф Сосонийлар сулоласи ҳалокатининг сабабларини аниқлашга интилади.

Яна бирқанча тарихий асарлар, жумладан «Сийоҳпушон ёо достоне Абу Муслим» («Қорақўйлаклилар ёки Абу Муслим ҳақида қисса»), «Рустам дар қарне бистўдўввўм» («Рустам XXII асрда») Санъатизода Кермоний қаламига тегишли. Шунингдек, тарихий мавзуда ёзилган яна бир роман, муаллиф томонидан ёзилган бўлиб, бу «Достон-е Моний наққош» асаридир. Роман 1926-27 йиллари Техронда нашрдан чиқади. Роман монийлар фирқасининг асосчиси машҳур Моний ҳақидадир.

Иккинчи тарихий роман Муҳаммад Боқирмирзо Хусравий қаламига мансуб «Шамс ва Тўғро» асаридир.⁴ Роман 1907 йил августидан 1909 йилнинг ноябригача бўлган муддатда ёзилади. Бу йилларда муаллиф Кермоншоҳда истиқомат қиларди. Асарнинг ёзилиши бахтиёрлар қўзғолони авж олган пайтга тўғри келди. Муаллиф шаҳар яқинидаги

қишлоқлардан бирида беркиниб юрди ва асар мана шундай бир таҳликали вазиятда ёзилди.

Романда XVIII асрда Илхонийлар ҳукмронлиги давридаги воқеалар тасвирланган. Бу даврда Эронни мўғуллар номидан Абишхотун (1263-1287) бошқарарди. Форснинг бош ҳукмрони Абакаҳон эди.

«Хусравийнинг асарининг ёзилишига Низомийнинг «Хусрав ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» сингари дурдона асарлар сабаб бўлган бўлса керак. Хусравий романи ва Низомий дostonлари сюжетида тасвирланган жанг тасвирлотлари, фожиавий шароитлар, ёш севишганларнинг чеккан изтиробларининг тасвирида ўхшашликлар бор»⁵ деб ҳисоблайди Д.Комиссаров.

Бироқ Хусравий роман ёзиш жараёнида форс тарихчиларининг асарларидан кенг фойдаланганлигини эътироф этади. Романнинг муқаддимасида у фойдаланган манбаларнинг барчасини рўйхатини беради ва ҳар бир манбани махсус рақам билан белгилайди. Шаҳарларнинг таърифи, тарихий воқеаларга оид маълумотлар ушбу манбалардан олинган. Шу тариқа йирик тарихий фондаги уч жилдли роман дунёга келади. Учта китоб ҳам ўзича мустақил сюжетга эга. Уларни боғлаб турувчи асосий восита умумий қаҳрамонлардир.

Романнинг асосий қаҳрамони ёш жангчи Шамс. Тақдир тақозоси билан у мўғул аъёнларидан бирининг қизи Тўғро билан севишиб қолади. Романдаги асосий воқеалар икки ёш ўртасидаги севги, уларнинг олдида турган қарама-қаршилиқлар ва бир-бирларига етишиши учун бу тўсиқларга қарши кураш жараёнини қамраб олади.

Санъатизода Кермоний романига нисбатан Хусравий асарининг тили жонли тилга яқинлиги билан фарқланади.

Роман камбағаллашиб қолган аристократияни мадҳ этиш ва феодалларга қарама-қарши қўйиш, бир сўз билан айтганда, «май-да офицер»ликни идеаллаштириш тамойилини илгари суради.

Хусравийнинг трилогияси замонавий роман услубида асар яратишга интилиш ва бу борада илк қадамлардан бири эди. Асарда замонавийлик ва қиссанавислик анъанаси қоришиқ тарзда намоён бўлди.

«Шамс ва Тўғро» романи катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эгадир. Унда мамлакатни чет эл босқинчилари босиб олгандан кейинги аҳволи, ўғрилик, талон-тарож қилиш авж олиб кетганли-ги, оддий инсонларнинг турмуши чидаб бўлмас даражада оғир эканлиги, давлат тепасида турган раҳбарларнинг фақат ўз ман-фаатини ўйлашлари, бойлик илинжида юртфурушлик қилишдан ҳам тоймаслиги, юқори лавозимни эгаллаш учун олиб борилган курашлар, порахўрлик ва лаганбардорликнинг кучайиб кетганлиги тасвирланади. Гарчи асардаги воқеалар қадим ўтмишда содир бўлган бўлсада, XIX-XX аср бошларида Эронда ҳам инглиз мустамлакачиларининг амалга ошираётган сиёсати, қожор шоҳ-лари ҳукмронлиги даврида халқнинг ночор аҳволига ишора сезилади.

Учинчи роман Ҳамадондаги «Нусрат» мадрасасининг ректори Оғо Шайх Мусо қаламига мансуб «Ишқ-ў салтанат ёо футуҳоте Куруше кабир» («Ишқ ва салтанат ёки Буюк Курушнинг галабалари» романидир. Асар 1916 йили ёзиб тугалланган ва илк бор 1919 йили Ҳамадонда, иккинчи мартаба 1924-25 йиллари Бомбейда нашр этилди.

Муаллиф ўз олдига Эрон тарихининг катта бир даврини қамраб олувчи романлар силсиласини яратишни мақсад қилиб қўяди. Биринчи романини у олти ойда ёзиб тугатсада, уч йил мобайнида уни чоп эттира олмади. Ҳафсаласи пир бўлган муаллиф, иккинчи романни охиригача етказмади.

«Ишқ ва салтанат» романи барчага яхши маълум бўлган Аҳмонийлар сулоласининг асосчиси Курушнинг тарихига бағишланган. Романга манба сифатида Геродотнинг французча таржимаси ва французларнинг Форс тарихига оид ишлари танланган. Шунинг учун барча номлар французлашган вариантда (яъни Сиагзар, Жупитер сингари)

берилган. Манбалар муаллиф томонидан биров ўзгартирилган Масалан, Курушнинг қаҳрамон-ликлари романтик мотивлар билан асосланган.

Роман панд-насиҳат усулида ёзилган. Асосий мақсад китобхонни қадимги Шарқ тарихи билан таништириш.

Мазкур мавзу Ҳасанхон Нусрат ал-Вазара Баденинг 1920 йилда ёзиб тугаллаган «Достон-е бостон ё саргузаште Куруш» («Ўтмишдан ҳикоялар ёки Курушнинг тарихи») романида ҳам ишланган. Роман 1921 йили Техронда чоп этилди.

Муқаддимада муаллиф ўз олдиға қўйган мақсади ҳақида батафсил тўхталади: «Европаликлар ўз романларида илмий ва ижтимоий мавзуларни қамраб оладилар. Бу романлардан аксарияти форс тилиға ўтирилган, бироқ буларнинг барчаси Ғарб тарихи, бинобарин, миллий туйғуларни уйғотишда улар бефойдадир. Энг яхшиси қадимги даврларнинг буюк шоҳлари ҳақида соф форсий асарлар яратиш керак, зеро бу бизға Эроннинг буюклиги ва қудратини ёдимизға туширади, миллий гуруримиз ва шаънимизни кўз олдимизда тавдалантиради ва шу орқали бизнинг ватанпарварлигимиз ва халқимизға бўлган муҳаббати-мизни оширади».

Романнинг мавзуси, юқорида қайд этганимиздек, Аҳмонийлар сулоласининг пайдо бўлиши ҳақидаги ривоят. Бироқ муаллиф Геродотнинг ёзиб қолдирганлари билан чегараланмади, сюжетни биров мураккаблаштирди. У воқеалар оқимиға Фирдавсий «Шоҳнома»сидаги асосий қаҳрамонлардан бўлган Бижан ва унинг Манижа билан бўлган севгиси ҳақидаги саҳнани киритди. Бу саҳна Фирдавсийдаги мазмуни билан мувофиқ келади, фақатгина муаллиф Бижаннинг Куруш топшириғи билан ҳарбий айғоқчи сифатида сафарға чиқиши ва сафар давомида бошидан кечирган саргузаштлари тафсилотини киритади. Роман Лидия ва Вавилон-нинг босиб олиниши ҳамда Бижан ва Манижа севиғисининг бахтли якун топиши билан тугалланган.

Романда панд-насихат руҳи кучли. Унда Шарқ тарихига оид 12 та очерк берилади. Асосий образлар мустабид ҳукмдор Астиаг ва унга қарама-қарши қўйилган доно ва одил ҳукмдор Курушдир. Асарда Куруш образи ҳаддан ташқари идеаллаштирилган ва мужмал. Роман бошида Куруш асосий планда тасвирланса, воқеалар давомида Бижан образи талқини уни иккинчи планга тушириб қўяди. Бижан ёввойи ҳайвонлар, аждаҳолар, барча ёвуз кучлар билан курашда қаҳрамонлик кўрсатган Ўрта асрлар типигаги паҳлавон сифатида тасвирланади. У ҳам Шамс сингари севгисида собит ва вафодор. У ҳам одамлар ишончига кира олади, ўрни келганда ёлғон гапиради ва ўз мақсади йўлида ҳеч нарсадан тоймайди.

Асарда гарчи Аҳмонийлар даври қаламга олинган бўлсада, савдо капитали ривожига ва унинг манфаатлари ёрқин ифодаланган. Ваҳоланки, Аҳмонийлар даврида савдосотиқ масаласи биринчи планда турмаган ва бу қадар катта аҳамият касб этмаган.

Романнинг тили ҳам ўзига хос. Унда сарой аъёнлари мумтоз тилга яқин жимжимадор услубда сўзлашсалар, иккинчи даражали персонажлар жонли, сўзлашув услубига хос тилда «гапир-тирилади».

Бу тарихий романларнинг барчасида иккита муҳим хусусият: ишқ муҳаббат ва ватанпарварлик руҳи сезилади.

Иккинчи хил, яъни Эроннинг янги тарихини акс эттирувчи романлар сирасига кирувчи энг сара асарлардан бири Рукнзода Одамиятнинг «Далирон-е Тангестони» («Тангестонлик қаҳрамон-лар») асаридир. Роман дастлаб 1931 йили пойтахт газеталаридан бирида чоп этила бошлади ва 1934 йили алоҳида китоб шаклида нашр этилди. Асарда 1916-1922-йилларда Эронинг жанубий районларидан бири Тангестонга ингизларнинг бостириб кириши ва уларга қарши кўтарилган қўзғолон воқеалари тасвирланган.

Одамиятнинг «Далирон-е Тангестони» ва Мирзо Ҳайдар Али Камолийнинг «Лазика» асарларида қаҳрамонларнинг

хатти-ҳаракатлари психологик нуқтаи назардан очиб берилмайди, асосий зиддият ва тўқнашувларнинг сабаблари ҳам етарлича талқин этилмаган, аксинча, баёнчиликка берилиш, яъни воқеаларни тўғридан-тўғри гапириб бериш ҳолати кўзга ташланади.

Тарихий-диний мавзуда ёзилган романлар ичида З.Раҳнамо ва З. Муътаман романлари бадиий қиммати билан ажралиб туради.

Зайнал-Обидин Раҳнамо 30- йилларда Ливанда истиқомат қилган. Шу ерда адиб ўзининг биринчи тарихий бадиий асар деб баҳоланган «Пайғамбар» романини ёзди. Романнинг марказий мавзуси Муҳаммад (с.а.в)нинг ҳаёти ва фаолияти. Романнинг учта нашри Дамашқда амалга оширилди. Эронда аса 1941-1942 йиллари чоп этилди.

Роман нафақат эронликлар балки хорижликларда ҳам катта қизиқиш уйғотди. Сўнги ўттиз йил ичида роман 20 марта қайта нашр этилиши унинг нақадар катта шуҳрат қозонганидан далолат беради. Роман асосида Эронда кинофильм ишланди.

Раҳнамонинг асари француз ва инглиз тилларига таржима қилинди. Бу Фарбий Европа тилларига ўгирилган иғона роман ҳисобланади.

«Пайғамбар» романи уч жилддан иборат. Биринчи жилдда исломгача бўлган воқеалар ва Муҳаммаднинг туғилиши ва болалиги ҳақида ҳикоя қилинади. Муаллиф ўша даврнинг икки буюк империяси: сосонийлар ҳукмронлигидаги Эрон ва Рим империяси турмуш тарзи, маиший ҳаётининг бадиий манзарасини яратади. Китобхон Ануширвон салтанатида ўтказиладиган шодиёналарда «иштирок этади», шоҳнинг Ктесифондаги мухта-шам саройини «томоша қилади», босиб олинган ўлкалардан тушаётган мислсиз бойликларининг «гувоҳи бўлади». Ўқувчи кўз ўнгида ҳашаматли либос кийган гўёнлар ва ҳарбий қўмондонлар қуршовидаги қудратли ҳукмдор қиёфаси намоён бўлади. Унга қарама-қарши планда изтироб ва фақирлик оламида яшовчи инсонлар ҳаёти

гавдалантирилади. Ҳунармандлар, деҳқонлар, қуллар ҳаётини тасвирлар экан, муаллиф уларнинг ҳукмрон доираларга, улар ишлаб чиққан тартиб-у қоидаларга бўлган ишончи сўниб бораётганини ҳаққоний тасвирлаб беради. Романда ёзувчининг диний ақидалар, хусусан, зардуштийлик дини ҳақидага фикр-мулоҳазалари баёни салмоқли ўрин эгаллайди.

Асарда воқеалар Абдул Муталлиб (Муҳаммаднинг бобоси) ўғли Абдулло (Муҳаммаднинг отаси)нинг Каъба ёнида Замзам қудуғини топиши саҳнаси билан бошланади. Кейин Абдуллонинг Омина билан никоҳланиши, Муҳаммаднинг дунёга келиши, тез орада, яъни 8 ёшлигида ота-онасининг вафот этиши каби тарихий воқеалар баён этилади. Роман фаришта Ҳаброилнинг Муҳаммад-га пайғамбарлик хабарини етказиши ҳақидаги ривоят билан якунланади.

Романнинг иккинчи жилди орадан 16 йил ўтгач, 1953-1954 йилларда нашр этилади. Бу қисмда Муҳаммаднинг Мадинага хижрат қилишигача бўлган даврда бошидан кечирган воқеа-ҳодисалар тасвирланган. Асар пайғамбарнинг илк салафлари: хотини Хадича ва куёви Али ҳақидаги ҳикоялар билан бошланади. Шунингдек, Абу Бакр, Умар ҳақидаги саҳналар ҳам қаламга олинган. Қурайш қабиласининг ислом тарғиботчилари, Муҳаммад салафларига ўтказган зулми ва уларнинг Мадинага кўчиши воқеалари бадиий лавҳаларда жонлантирилади.

Романнинг учинчи жилди Муҳаммаднинг вафотига қадар Мадинада бўлиб ўтган воқеаларга бағишланади. Бу қисмда исломнинг кенг тарқалиши, бу йўлдаги жанглар манзараси, Муҳаммад салафларининг галабаси каби тарихий воқеаларнинг гувоҳи бўламиз.

Демак, роман композицияси асосий қаҳрамон биографияси билан боғлиқ. Роман яратиш давомида адиб ғарб ва шарқ тарихчилари, илоҳиёт мутахассислари, ярим тарихий ва ярим афсона ҳисобланган ривоятлар, ҳадислар, афсоналардан иборат юздан ошиқ манбалардан фойдаланади.

Тарихий ва жуғрофий характердаги маълумотлар баёнида Фирдавсийнинг «Шоҳнома» ва Носир Хусравнинг «Сафарнома»сидан ҳам унумли фойдаланди.

З.Раҳнамо қаламига мансуб иккинчи роман «Зендегонии имом Хўсейн» («Имом Хусайн ҳаёти») деб номланган.

Роман дастлаб ҳафталик журнал ҳисобланган «Сепид-о сийоҳ» саҳифаларида чоп этилди. 1965 йили икки жилдли роман шаклида нашрдан чиқди. 1971 йилга келиб асар олтинчи марта қайта нашр этилди. «Кейҳон», «Эттелоот», «Пейғоме эмруз», «Сепид-о сийоҳ» каби йирик журнал ва гизеталарда романга муносабат билдирилган тақризлар, сузвчи номига мактублар чоп этилди. Жамолзода бу романи «*ватан тарихидаги муҳим воқеалар океани*» деб баҳолади. Доктор Мубошерий, ромanning аҳамияти ҳақида тўхталиб, «Олдин эронликлар Шарқнинг машҳур тарихий ва диний намояндалари ҳақида хорижий манбалардан ўрганишлари мумкин эди, асар муаллифи мазкур тарихий воқеаларни тасвирлаш билан ўз ватандошлари қалбига малҳам қўйди», деб эътироф этди.

«Имом Хусайн ҳаёти» романи йирик монументал асар бўлиб, 700 саҳифадан ошиқроқ ҳажмга эга. Романда имом Хусайннинг ҳаёти ва фаолияти, Қарбало фожеаси қаламга олинади.

Шуниси диққатга сазоворки, З.Раҳнамо асари кўп сонли муал-лифлар асарларида бўлгани сингари имомнинг ҳаёти тафсилоти-дан иборат эмас. Балки унда ҳаётнинг турли жабҳаси қамраб олинади. Имом Хусайн фожеали ҳалокати ва Али тарафдорла-рининг мағлубиятининг чуқур ижтимоий-сиёсий илдизлари, сабаблари очиб берилади. Тарихий ва тўқима образларнинг бадий талқини орқали даврнинг муҳим хусусиятлари, тарихий воқеаларни «ҳаракатлантирган» асосий кучлар, ҳодисаларнинг сабаб ва оқибатлари кўрсатилади.

Биринчи жилднинг каттагина қисмини араблар истиълоси арафасидаги Эрондаги вазият тасвири эгаллайди. Муаллиф

Ўз халқининг бой ва қудратли ўтмиши, илм-фан ва маданиятдаги ютуқларини фахр билан тилга олади. Бу тасвирнинг тағқатида Эроннинг мустақиллигига путур етказган омиллар: оддий халқ турмушининг ночорлашуви, ижтимоий-сиёсий зиддиятлар ва бошқа омиллар ҳақида ўз мулоҳазаларини билдиради. Ёзувчини маданияти нақадар чуқур илдизга эга бўлган, қўшинининг довуғи бутун дунё бўйлаб таралган ва ҳарбийларининг қадами ҳатто Византия остоналари ва Юнон шаҳарларигача етган буюк миллатни араблар қандай забт эта олди, деган савол қийнайди.

Бу саволга жавоб зардуштийлар бош коҳини тилидан айтилади: «...Тинчлик давридаёқ халқимиз орасига мағлубият уруғи сепилган эди. Наҳовенддаги жанг майдонида даҳшатли манзара тарзида бу уруғ униб чиққанида ва форслар тупроғи қонга беланганда, бизнинг халқимиз ўзининг ва ётларнинг зулми ва сиқувининг тор доирасида қолди...Агар ўзиникилар томонидан зулм ўтказилмаганда, агар халқни ҳимоя қилишга арзигулик нарсаси бўлганида ҳаммаси бошқача бўларди».

Форсларнинг мағлубияти уларнинг ҳарбий қудрати заифлаш-гани билан белгиланмайди. Асосий сабаб шундаки, ғалаба ҳам, мағлубият ҳам халқнинг оғир қуллик ҳаётини енгиллаштира олмади. Шунинг учун жангчилар ва омма ўз давлатининг тақдирига, арабларнинг истиғълосига бефарқ бўлди. Бу ёзувчининг асосий хулосаси.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, тарихий романларда асосан Эрон тарихида яшаб ўтган машҳур шахслар, сулолалар тақдири кўпроқ ёритилган. Адабиётшунос олим Яҳё Ориёнпур ўринли таъкидлаганидек: «Афсуски, биз Эроннинг асосий аҳолиси деҳқонлар, савдогарлар, ҳунармандлар ва меҳнат аҳли, асрлар давомида қандай турмуш кечирганлиги, уларнинг фикр-у ўйлари, шодлигу ғамлари, бошқа табақалар ва чет элликлар билан қандай муносабатда бўлганлиги ҳақида билмаймиз. Эроннинг қўл асрлик тарихи мобайнида аёлларнинг бор-йўғи бир нечта намоян-даларигина эсга олинган. Демак, биз эрон аёли

мамлакат тарихида қандай ўрин тутгани ҳақида ҳам ҳеч нарса билмаймиз».

Зайнал-Обедин Муътаман (1914 йили туғилган) адабиётга 30-йилларда кириб келди. Унинг ёзувчилик фаолияти узок давом этмади. «Ошёнә уқоб» («Бургут уяси») романидан сўнг у ҳаётини ўқитувчилик ва адабиётшунослик фаолиятига бағишлади.⁶

Муаллиф асарни 1930 йилда, яъни 16 ёшлигида ёза бошлаган ва етти йилдан сўнг тугаллади. «Шафақе сўрх» газетаси саҳифаларида илк бор романдан лавҳалар босилиб чиқди. 1937-1939 йилларда роман тўлалигича китобхонларга тақдим этилди.

Роман қисқа муддат ичида 5 марта нашр этилган. Эронлик ва хорижлик адабиётшунослар романни катта қизиқиш билан қарши олдидар. Профессор Ф.Махальский ўзининг «XX аср форс тарихий романи» номли илмий ишида: «*Бургут уяси*» романи бизнинг фикримизча замонавий форс адабиётининг энг сара асарларидан биридир», деб баҳолайди. Роман қисқартирилган ҳолда поляк тилида ҳам нашр этилди.

Романда қаламга олинган воқеалар салжуқийлар сулоласидан бўлган султон Жалолоддин Маликшоҳ ҳукмронлиги (1072-1092 йиллар) даврида бўлиб ўтади. Воқеа сюжети икки машҳур тарихий шахс вазир Низомулмулк ва унинг рақибни Ҳасан Саббоҳ ўртасидаги зиддият асосига қурилган. Ёзувчи катта бир даврни эмас, балки даврнинг муҳим ижтимоий-сиёсий хусусиятларини кўрсатувчи ёрқин эпизодларни танлаб олган. Асосий эътибор Эронда 1096-йилдан 1107 йилгача бўлган давр мобайнида содир бўлган воқеа-ҳодисаларга қаратилган. Воқеалар салжуқийлар давлати пойтахти Исфаҳонда ва исмоилийлар сардорининг тоғдаги қароргоҳи ҳисобланган Аламут қасрида бўлиб ўтади. Романнинг қисқача мазмуни қуйидагича. Ҳасан Саббоҳ Исфаҳоннинг бой савдогарларидан бири бўлмиш Ҳожи Соруру-нинг олдида унинг қизи Гулнорнинг қўлини сўраб

келади. Бироқ Гулнор отасининг ёш ишчиси Абдуллони севади.

Кейинги воқеалар ривожини саройда давом этади. Маликшоҳ ўз аъёнларини тўплаб, вазири Низомулмулкка давлатнинг солиқ китобини тузишни буюради. Вазир бу ишни амалга ошириш учун шоҳдан икки йил муҳлат сўрайди. Ҳасан Саббоҳ эса бундан жаҳли чиқиб ишни қирқ кунда бажариб келишини вазирдан талаб қилади. Жиддий зиддият юзага келади ва тақдир тақозоси билан бу ишга Абдулло, Гулнор ва уларнинг садоқатли дўсти хизматкор Чехра ҳам араллашиб қолади.

Якуний қисмида, Абдулло Маликшоҳни қутқариб қолади. Шоҳ овга чиқиб беҳосдан дарёга йиқилиб тушган бўлади. Шоҳ Абдуллони саройга таклиф этади. Бироқ яна бахтсиз тасодиф туфайли Абдулло ҳибсга олинади ва ўлимга маҳкум этилади. Абдуллонинг душманларидан бири, қароқчи Али, бу шум хабарни Абдуллонинг онаси ва севгилиси Гулнорга етказилади. Бу ғамни кўтара олмаган она вафот этади, Гулнор ақлдан озади. Шу орада Низомулмулк ҳукми бекор қилишга эришади. Бироқ Абдулло душманларининг саъйи-ҳаракатлари туфайли яна ўн йил зиндонда ўтиради.

Маликшоҳ саройдан қочган, Ҳасан Саббоҳ Рай шаҳрига беркинади. Бу ерда у куч тўплаб салжуқийлар ва Низомулмулк билан жангга киришади. Ҳасан ўз фирқасини тузади. У доимий равишда Исфаҳондаги маслакдошлари билан хуфёна учрашиб туради. Унинг тарафдорлари кундан-кунга кўпаяди. Ўз ғояларини тарқатиш мақсадида Мисрға ҳам сафар қилади. Ниҳоят, Ҳасан Маликшоҳнинг ўта муҳим қароргоҳларидан бири ҳисобланган Аламут қасрини ишғол қилади. Мамлакатнинг турли бурчак-ларидан шоҳ тузумидан норози кишилар Аламутга оқиб кела бошлайдилар.

Исфаҳонга машҳур табиб Абулхайр қайтиб келади. У ўн йил мобайнида Ҳиндистонда табобат сирларини ўрганиш учун умргузаронлик қилган эди. Абулхайр шоҳнинг хотини Туркон-хотунни даволайди ва саройга машҳур бўлади.

Ногаҳон Абдулло ҳақида эшитиб қолган табиб шохга ертўлани кўздан кечиришни маслаҳат беради. Ертўлага тушган шох ҳаётини қутқарган нажоткор инсонни таниб қолади ва зудлик билан Абдуллони озод этишга амр қилади. Абдулло султоннинг энг яқин кишиларидан бирига айланади. Тез орада Маликшоҳ Абдуллони Аламут қўрғонига Ҳасан Саббоҳ ёнига жўнатади.

Муаллиф қалъа, унга кириш машаққати, у ерда ўрнатилган қаттиқ тартиб-интизом ва бошқа шу каби тафсилотларга ҳам батафсил тўхталадики, бу ўша давр руҳи, Ҳасан Саббоҳ характери, қишлоқлардаги вазият ҳақида яхши ҳужжатли маълумот беради. Ҳасан Саббоҳ Маликшоҳнинг ҳарбийларига Аламут қалъасини беришдан қатъиан бош тортади ва бу ҳақида нома ёзиб Маликшоҳга жавоб қайтаради.

Исфаҳонга қайтган Абдулло Гулнор ва ўғлини топади. Табиб Абулхайр Гулнорни касалидан фориғ қилади.

Роман охири яхшилик билан тугайди: Абдулло тоғаси қолдирган бой мерос туфайли моддий жиҳатдан катта маблағга эришади.

Асар сюжети икки планда: бир томондан тарихий воқеалар ва тарихий шахслар: Маликшоҳ, Низомулмулк, Ҳасан Саббоҳ, иккинчи томондан, Абдулло, Чоҳра, Гулнор сингари тўқима қаҳрамонлар ва тўқима воқеалар давомида очилади. Демак, *асарда иккита сюжет маркази бор*. Бу форс адабиёти учун ноодатий ҳодиса, чунки аксарият романларда асосий қаҳрамонлар асосан тарихий шахслар (Моний, Маздак, Якуб Лайс) бўлиб, тўқима образлар иккинчи даражали персонажлар сифатида талқин этилади.

Муаллиф ғарб тарихчилари ишларидан фойдаланмаган.

У тарихий воқеаларнинг баёнида Низомулмулкнинг «Сиёсат-нома», Хондамирнинг «Ҳабиб ус-сияр», Мирхонднинг «Равзат ус-сафо», Низомий Арузий Самарқандийнинг «Чаҳор мақола» ва бошқа кўплаб манбаларга мурожаат қилади. Бу жараёнда адиб тарихий

воқеликни чуқур ўрганади, тасаввури чигиригидан ўтказади. У турли-туман манбалар: замондош тарихчиларнинг асарларидан тортиб то ўша даврнинг адабий ёдгориликларигача танишиб чиқади. Ўқувчига тушуниш энгил бўлиши учун, ҳар бир тарихий шахс ҳақида асар бошида қисқача маълумот берилади.

Ўқувчи асарни ўқир экан, баъзи бир тарихчилар Низомул-мулк, Умар Хайём ва Ҳасан Саббоҳни бир замондош ва тенгдош деб ҳисоблаганликлари ҳақидаги афсона билан ҳам танишади. Муаллиф бу афсона рад этсада, лекин асарда уни келтириб ўтади.

Афсонага кўра Низомулмулк, Ҳасан Саббоҳ ва Умар Хайём болалигида бирга ўқишган ва бир-бирига қасамёд қилишганки: кимки ҳаётда юқори чўққиларга кўтарилиб кетса, бошқасига албатта ёрдам беради. Низомулмулк салжуқийлар шоҳи саройида вазир лавозимини эгаллайди. Умар Хайём унинг ёнига келади. Вазир унга яхши лавозим таклиф этади. Шоир бу таклифни қабул қилмайди. Шунда Низомулмулк шоирга катта миқдорда йиллик нафақа тайинлайди ва Хайём ижодий ишлар билан шуғулланиш имкониятига эга бўлади. Кейин вазир ёнига Ҳасан Саббоҳ келади. У шоҳнинг ёнида Ҳасанни мақтайди ва натижада у султоннинг энг яқин кишиларидан бирига айланади. Бироқ қилган яхшилиги эвазига Низомулмулк Ҳасан Саббоҳдан фақат ёмонлик кўради. Бу ўзаро зиддият бор-бора очик курашга айланади.

Муаллиф афсонани келтира туриб, романни худди ана шу нуқтадан, воқеалар давомининг баёнидан бошлайди. Романда Ҳасан Саббоҳ асос солган исмоилийлар мазҳаби ҳақида, унинг моҳияти, мақсад ва вазифаларига тўхталиб ўтилади.

Ёзувчига хос бўлган яна бир усул шуки, тўқима образларнинг ишончли чиқиши учун уларнинг хатти-ҳаракатларида тарихий реал воқелик асос қилиб олинади. Масалан, тарихдан маълумки, Маликшоҳ Саббоҳга нома

ишунатган ва бу топшириқни сарой аъёнларидан бири, «Садр-е-кабир» унвонига эга бўлган Зиёвуддин Хоқонга топширади. Бу фактдан ёзувчи ишончли тарихий саҳна яратган: асарда бу вазифа Абдулло зиммасига юклатилади.

Таъкидлаш керакки, 2 жилддан иборат бу асарда инъанавий қиссадан кескин фарқ қилувчи асосий хусусият мавжуд. Одатда қиссалар назм ва насрий баён галма-гал берилади. Романда эса, ўта маҳорат билан танлаб олинган Фирдавсий ёки Санойи шеърий мисраларидан ташқари шеърлар учрамайди. Мақол ва нақллар эса баённинг тасвирчанлигини ошириш, сюжетдаги эпизодларни боғлаш, мантиқан изчиллигини таминлаш вазифасини ўтайди.

Хуллас, З.Мўътаманнинг «Бургут уяси» романи Эрон адабиётида, тарихий роман жанри тараққиётида муҳим ўрин тутган асардир.

Ижтимоий роман

Мушфиқ Козимийнинг 1921 йили Техронда нашрдан чиққан «Техронэ махуф» («Қўрқинчли Техрон») асари биринчи ижтимоий романлардан бири ҳисобланади⁷. Муртозо Мушфиқ Козимий (1889-1978)нинг асли касби дипломат. Касби тақозоси билан муаллиф кўплаб хорижликлар билан учрашган, Европа давлатларига саёҳат қилган ва бу саёҳатлари давомида Фарб романчилиги билан яқиндан танишган. Шу билан бирга, Мушфиқ Козимий Эрон турмуш тарзи, мамлакатдаги ҳақиқий аҳволдан яхшигина хабардор шахс бўлиб, бу икки муҳим омил унга ўз халқининг турмуш шароитини ҳаққоний акс эттиришга имкон берди. Мушфиқ Козимийнинг «Гўле пажмўрде» («Қуриган гул»), «Рузегор ва андишеҳо» («Ўтганлар ҳақида ўйлар») асарларида муаллифнинг шахсий ҳаёти, шунингдек, XX аср биринчи ярмида Эронда содир бўлаётган воқеалар қаламга олинади.

Бироқ асарлари ичида «Қўрқинчли Техрон» романи ёзувчига чинакам шуҳрат келтирди ва Эрон насрчилигида катта воқеа бўлди.

Асар фабуласи янгилик эмас. Романда икки севишган ёшнинг фожеали тақдири ҳақида ҳикоя қилинади. Моҳин (романнинг бош қаҳрамонларидан бири) нинг отаси қизини ўзига ўхшаган бой ва жамиятда юқори мавқега эга бўлган кишига турмушга беришни ва шу орқали мажлис депутатлигига сайланишни истади. Фарруҳ (қаҳрамонлардан бири, Моҳиннинг севгилиси) нинг оиласи эса анча камбағал. Иккала ёш севгисини ҳимоя қилиш учун ўта мураккаб синовларни ҳам босиб ўтишга тайёр. Бироқ, лаганбар-дорлик, ижтимоий тенгсизлик ҳукм сурган жамиятда уларнинг орзусини амалга ошиши мушкул.

Асардаги воқеалар Қожорлар сулоласига мансуб сўнги шоҳ ҳукмронлигида бошланиб, Резохон ҳукмронлиги давридаги ҳарбий бурилиш (1921, 21 феврал) янги паҳлавийлар сулоласи-нинг тахтга келиши билан тугайди.

Тахтга ким ўтиришидан қатъий назар халқнинг аҳволи яхшиланмади. Асар қаҳрамони Фарруҳ ана шундай оғир вазиятда ўз бахти, севгиси учун курашишга қарор қилди. Бу йўлда Фарруҳ турли қаллобликларга, ноҳақликларга учрайди. У мансаб йўлида ҳар қандай қабиҳликдан тап тортмайдиган қишлоқ ва шаҳар бойлари, полиция нозирлари, «ўз қизлари ва хотинлари билан савдо қилувчи» порахўр охундлар томонидан амалга оширалаётган разилликларнинг гувоҳи бўлади. Асарда деҳқонларни ерини тортиб олиб, уларни қарздор қилиб ва шу сингари турли ноқонуний йўллар билан депутатликка сайланган мажлис аҳли, ўз мансабини суистеъмол қилувчи вазирлар, фоҳишахона эгалари, бангихоналар, тунги кўнгилочар томошалар, хуллас, жамиятдаги энг ярамас иллатлар қаттиқ танқид остига олинади.

Роман аксарият анъанавий қиссалардаги сингари бахтли яқун топмайди. Курашдан чарчаган Фарруҳ Моҳиндан айрилгач, тақдирга тан беради ва Ифбат исмли қизга уйланади ва ўглининг тарбияси билан шуғуллана бошлайди. Роман сўнгида қуйидаги мисралар берилади: «Ҳақиқий

халқнинг ўзи, ана шу халқнинг ҳар бир фуқароси ўзгаришлар бўлишига интилган вақтда халқнинг ўзигина халқни асоратдан халос эта олади. Бир одамга бутун олам қарши турганда у одам нима ҳам қила оларди?»⁸

Романнинг биринчи қисми «Сеторайе Ирон» газетасида чоп этилган бўлиб, тез орада алоҳида китоб ҳолида нашрдан чиқди. Сиёсий шароит туфайли романнинг иккинчи қисми Берлинда эронлик муҳожирлари томонидан чоп этилди.

Орадан 20 йил ўтгач, мамлакатдаги сиёсий аҳвол ўзгаради ва «Қўрқинчли Техрон» романи 1941 йилда қайта нашр этилади.

Европа адабиётидан яхши хабардор бўлишига қарамай, М.Козимий кўчирмакашлик, тақлидга берилмади, балки асарларида миллий руҳни сақлаб қолди. Романдаги миллий урф-одатлар, эрон халқининг турмуш тарзига хос хусусиятлар, табиатининг тасвири, халқнинг маиший ҳаёти тасвири асарга янада миллийлик бағишлаган. Асарнинг тили сузлашув услубига яқин.

Асарда Моҳин ва Фарруҳ тақдири орқали жамиятда уларга ўхшаган юзлаб ёшларнинг фожеали тақдири акс эттирилган. «Бош қаҳрамон сифатида асосан тарихий шахслар ҳаракатланадиган XIX асрда яратилган «катта эпик шакл»даги асарлардан фарқли ўлароқ, Мушфиқ Козимий «Қўрқинчли Техрон» романига биринчи марта бадиий умумлашган образларни киритди».⁹

«Қўрқинчли Техрон» романи нашрдан чиққандан кейин нетма-кет бу турдаги романлар силсиласи ўқувчилар эътиборига ҳавола этила бошланди. Муҳаммад Ҳижозий, Саид Нафисий, Аббос Халилий сингари бир қатор романнавислар етишиб чиқдилар.

Муҳаммад Ҳижозий давлатнинг турли юқори лавозимларида фаолият юритган журналист ва сиёсатчи. Шу билан бирга кўпгина роман, повесть, ҳикоялар муаллифи. Эронда адиб ишқий мавзудаги романлари билан шуҳрат қозонади. Унинг биринчи романи «Хумо»

Париждалигида ёзилган ва Техронда 1927 йили чоп этилган¹⁰. Муҳаммад Хижозийнинг¹¹ «Хумо», «Паричехр», «Зибо» каби романлари Эрон аёлининг тақдири, унинг жамиятдаги ўрнига бағишланди.

Шунингдек, Рабиъ Ансорийнинг «ЖЭнойотэ башар» ва Аббос Халилийнинг «Рўзгорэ сийоҳ» романлари ҳам ижтимоий мавзуда ёзилган энг сара романлар сифатида китобхонлар меҳрини қозонди.

Юқорида биз 50-йилларнинг иккинчи ярми ва 60-йилларнинг ўрталарида адабиётнинг қаттиқ таъқиб остига олиниши натижасида кўпроқ тарихий романларга, таржима асарлар ва мифологияга мурожаат этиш кучайганлигини айтиб ўтган эдик. Таъкидлаш жоизки, адибларнинг асарларида мифлар янгича маъно касб этдилар. Мазкур даврда яратилган энг машҳур романлар сифатида Таги Мўдаррисийнинг «Якўлийо ва танҳойийэ у» («Якўлийо ва унинг ёлғизлиги») ва Баҳром Содиқийнинг «Малакут» асарлари эътироф этилди. Романларнинг номланиши-данок уларда мифологик ва инжилдаги ривоятларга ишора сезилади. Бу мифлар орқали улар ёвузлик ва яхшилик ўртасидаги кураш (мифологияда Худо ва шайтон орасида) ифодаланади.

Турли халқларнинг тилларига ўтирилган ва кўпчиликнинг сеvimли асарига айланган Али Муҳаммад Афғонийнинг «Шўвҳарэ Оҳу хонум» («Оҳу хонимнинг эри»), Содиқ Чубакнинг «Санге сабур» («Сабр тоши»), Симин Донешварнинг «Савушун» ва Муҳаммад Али Эсломи Надушаннинг (тахаллуси М. Дидевар)нинг «Афсонэ ва афсун», «Шодкомоне дарэёе Қорасув» («Қорасув дарасининг бахтлилари»), Ираж Пезешкзоднинг «Доижон Наполеон» («Тогажон Наполеон») катта авлод романистларидан Бузург Алавийнинг «Солориҳо» («Солорилар оиласи») романлари айни шу йилларда дунё юзини кўрди.

80-йилларда Эрон саккиз йил давом этган Эрон-Ироқ уруши оқибатларини бошидан кечирмоқда эди. Бу жараён

адабиётда «адабиёте жанге таҳмили» («мажбурий жанг адабиёти») оқимининг ривожланишига сабаб бўлди. Бу оқим намояндаларининг асарларида уруш қатнашчилари ва урушда ҳалок бўлганлар ҳаёти ёритилди. Бироқ бу оқим намояндалари орасида схематизмга берилиш, қаҳрамонларни бирёқлама талқин этиш тамойиллари сезилади. Бу турдаги асарлар «Қомус» ва «Сурэ» каби адабий тўпламлар, газета ва журналларда чоп этилди. Асарларнинг бошламасидаёқ унинг ниҳояси аниқ эди. Уларнинг барчасида қийинчиликлар ва изтироблардан роҳатланиш мотиви ва охир-оқибат қаҳрамоннинг «жонидан кечиши» хотимаси билан якунланарди.

Бу даврда чоп этилган романлардан Хусрав Насимийнинг «Ёқэчеркинҳо» («Кир ёқали одамлар», 1982) романи китобхонлар эътиборини тортди. Романда 1978 йил июл-декабрида бўлиб ўтган воқеалар тасвирланади.¹² 1985 йили Хусрав Насимий томонидан асарнинг давоми «Ахбор-э он рузҳо» («Ўша кунлар хабарлари») номи билан босилиб чиқди. Романда юқорида тилга олинган воқеалардан кейин содир бўлган ҳодисалар қаламга олинган ва асар Имом Хумайнийнинг Эронга келиши билан тугалланган.

Худди шу воқеаларга бағишланган яна бир асар Резо Бараҳоний томонидан ёзилган 2 жилдли «Розҳойэ сарзаминэ ман» («Юртимнинг сирлари») номи билан нашрдан чиқди.

Шунингдек ишчилар тақдири мавзусидаги романлар ҳам ёзила бошланди. Аҳмад Маҳмуднинг «Кўшниллар» романи энг сара ижтимоий роман сифатида баҳоланди.

Адиб қаламига мансуб «Бир шаҳар тарихи» (1981), «Заминэ сухтэ» («Куйдирилган замин», 1982) романларида ҳам Эрон-Ироқ уруши асоратлари, уруш туфайли инсонларга етган кулфатлар, узоқ чўзилган мақсадсиз урушнинг не-не инсонлар ёстиғини қуритгани, отишмалар, очарчилик, касаллик туфайли энг кўп қариялар, болалар ва аёлларнинг азият чекиши ҳаққоний тасвирланади.

Сўнги йилларда машҳур романавис Маҳмуд Давлатободий-нинг асарлари ўқувчилар томонидан қизғин кутиб олинмоқда. Маҳмуд Давлатободий ижтимоий-психологик романлар муаллифи. Унинг беш жилдлик «Келидар» романи 1978-1983 йиллар мобайнида ёзилди, 1985 йилда қайта нашрдан чиқди. Давлатободий асарларининг бош мавзуси буружуа муносабатларига ўтиш даврида мулкдорлар ва деҳқонлар ўртасидаги бош кураш майдонига айланган Эрон қишлоқларидир. Шу билан бирга адиб 70-80-йиллардаги шаҳардаги кичик буржуазия, ҳунармандлар ҳаётини ҳам четлаб ўтмайди. Ижтимоий адолат муаммосини ёритиш адибнинг бош мақсади. У ўз орзуларини хаёлий шаҳар баёнида беради. Бу шундай шаҳарки, унда ёлгон, қабохат, зўравонлик бўлмайди. Маҳмуд Давлатободий қаҳрамонлари тақдирида жамиятдаги зиддиятлар ўз аксини топган.

Романда ижтимоий-сиёсий воқеалар акс этган бўлсада, унинг бадиий қиммати танқидчилар томонидан юқори баҳоланди. Асарнинг тили, образларнинг психологик талқини, ёзувчи томонидан инсон туйғуларининг энг нозик қатламларигача назар ташлангани романнинг қайта-қайта чоп этилишига сабаб бўлди. Унинг ушбу романини соф реалистик методда ёзилган психологик роман сифатида баҳолаш мумкин.

Биз юқорида замонавий романнависликда ва умуман насрда модернизм, авангардизм сингари адабий жараёнлар кечаётган-лигини таъкидлаган эдик. Романнавислар орасида Исмоил Фасихнинг «1983 йил қиши», «Қадимги май», Шаҳруш Порсипурнинг «Ит ва узоқ қиш», «Эркин тажрибалар», «Тубо ва туннинг моҳияти», Аббос Маъруфийнинг «Ўликлар симфонияси» романлари модернистик ва авангард йўналишда ёзилган асарлар сифатида маълум ва машҳурдир.

Хулоса қилиб айтганда, XX аср Эрон романаислигида реализм ва модернизм ёзувчиларнинг асосий ижодий методи сифатида эътироф этилди.

Повесть

Эрон насри уфқлари янги-янги насрий жанрлар ҳисобида бойий борди. Нафақат жанрлар диапазони, балки мазмун доираси ҳам кенгая бошлади. Повесть жанри роман кўтариб чиққан мавзулардан тамомила фарқ қилувчи, жамият қабҳаларининг бошқа қирраларини қамраб ола бошлади. Повестда ўзига хос янги образлар пайдо бўлди.

Илк бор Муҳаммад Масъуд Деҳотий¹³ (1905-1947) ижодида китта шаҳарда хизматчи бўлиб ишлаётган инсон образини иратишга уриниш кўзга ташланади. Унинг аксарият повестлари ҳақида Техрон газета ва журналларида ижобий фикрлар, мулоҳазалар билдирилди. «Тафрихотэ шаб» («Тунги кўнгилхуш-ликлар», 1934), «Дар талошэ маош» («Маош излаб», 1934), «Ашрафэ махлуқот» («Махлуқотлар ичра энг олийси»), «Гўлҳойэ ке дар жаҳаннам мируйад» («Жаҳаннамда ўсувчи гуллар») каби повестлари ўзининг ўткир сюжети, бадиияти билан ажралиб туради. Деҳотий асарлари яратилган бу йилларда Техронда кафе ва ресторанларда рақсга тушиб, базм қилиш урф бўлаётган бир давр эди. Адиб асарлар бундай ҳолатларга танқид нуқтаи назаридан ҳам яхши қабул қилинди.

«Тунги кўнгилхушликлар» ва «Маош излаб» номли икки асарида асосий қаҳрамонлар қуйидагилар: 1) Воқеаларни ҳикоя қилувчи бош қаҳрамон- насихатгўй; 2) унинг ўртоғи; 3) кичик моллар билан савдо қилувчи айёр, удабурон сотувчи-Помидорина; 4) Покер-амалдор; 5) Киборлар ҳаётига ўрганган бойвачча- Скелет; 6) Файласуф.

Асарлар маълум бир композицион бутунликка эга эмас. Ҳар бир повесть алоҳида ҳикоялардан иборат бўлиб, уларни боғлаб турувчи нарса бир хил қаҳрамонларнинг иштирокидир.

Иккала повестда ҳам Деҳотий битта гоёни илгари суради бирча бахтсизликлар ва кулфатларга ижтимоий сиёсий шароит эмас, балки мактаблардаги тутуриқсиз таълим ва тарбия сабаб бўлади. Асарларнинг мазмунидан шаҳар ҳаётидан ва мактаб

таълимидан воз кечиб, олдинги қишлоқ ҳаётига, патриархал тузумга қайтиш керак, чунки ўша пайтларда одамлар ҳаётга осон мослашар эдилар, тирикчилиги учун егулик ва зарур ашёларни қийинчиликсиз топа олар эдилар, ичкилик, ахлоқсизлик йўқ эди, ҳамма соғлом ва бақувват бўлган деган фикр англашилади. Албатта ёзувчи нега бундай хулосага келганлиги бизга қоронғу. Нима бўлганда ҳам унинг асарларини форс насри тараққиётида ўзига хос ўринга эга.

Аҳмад Хўдододнинг 1926 йили чоп этилган «Рузэ сийоҳе қоргар» повести бадиий баркамол асарлардан ҳисобланади. Повесть 1926 йилда Эроннинг курдлар истиқомат қиладиган Кермоншоҳ шаҳрида чоп этилади.

Асар Эрон қишлоқларидан бирида истиқомат қилувчи камабагал деҳқон Бахтиёр қисмати ҳақида ҳикоя қилади. Деҳқон қисмати мавзусининг танланиши Эрон насри учун муҳим ҳодисадир. Маълумки, Хўдододга қадар қишлоқ ҳақида хусусан деҳқонлар ва мулкдорлар ўртасидаги муносабатлар адабиётда ўз аксини топмаган. Тараққиётдан узилиб қолган, қонунсизлик ҳукм сурган ташландиқ курд қишлоғи кимни ҳам қизиқтирар эди. Айнан 20 йиллардан бундай «унутилган» деҳқонлар ҳаётини қаламга олини таъқиқланган мавзу ҳисобланар эди.

Повестнинг асосий ғояси мулкдорлар ва бошқарув хўжайинлар томонидан Эрон деҳқонларининг чидаб бўлмаган эксплуатация қилинишини фош этишга қаратилган. Ўқувчи кўз ўнгида Бахтиёрнинг хонавайрон бўлишига сабабчи бўлган порахўрлик, лаганбардорлик, товламачилик, ўғирлик асосига қурилган тизим иллатларини кўрсатувчи бадиий лавҳалар бирин-кетин гавдаланади. Баъзи сахналар асар воқеаларига алоқаси йўқдек туюлади. Масалан, повестнинг 7-боби «Оллодод» (Бахтиёрнинг отасининг номи билан) деб номланади. Бу бобда Бахтиёр ва унинг отасини Қарбалон ҳаж зиёратига бориши тасвирланади. «Бунинг асар воқеаларига нима алоқаси бор», деган савол туғилиши табиий. Бироқ тез орада маълум бўладиги, порахўрлик ва

тилон-тарож қилиш мусулмонларнинг муқаддас ҳисобланган жойларида ҳам авж олган экан. Қарбалого кетишга руҳсат олиш учун энг аввало, муллага, кўприқдан ўтиш учун қодимларга, дуо ўқувчига ва ҳоказоларга пора бериш билан шунини битиши мумкин. Бу ҳам етмаганидек, йўлда ота-болага кўчманчи бадавийлар ҳужум қиладилар ва улар ўз уйларига бор будларидан айрилиб қайтиб келадилар. Шунга ўхшашлиқи эпизодлар асарда кўплаб учрайди.

«Ишчининг қора турмуши» повестида бўрттириш ва тўқималар йўқ. Муаллиф томонидан қаламга олинган барча ноқеалар, аср бошларидаги Эрон қишлоқларидаги аччиқ ҳаётнинг ҳақиқий манзарасидир. Повестнинг бу қадар ҳаққоний чиқиши Аҳмад Хўдододнинг Кермоншоҳ қишлоғини яхши билишидандир. Зеро адибнинг ўзи ўша ерда туғилган.

Изоҳлар

1. Мазкур ёзувчиларнинг ҳаёти ва ижодига оид материаллар кейинги саҳифаларда тўлиқ берилади.
2. Норматов У. Умидбахш тамойиллар. -Т., 2000, саҳ.52.
3. Хўқуқий М. Адабиёте эмрузе Ирон. -Техрон, 1377, саҳ.43.
4. Мир Обединий Х. Сад соле дostonнависийе Ирон. Желд.1 ва 2. -Техрон, 1383, саҳ.135.
5. История персидской литературы XIX-XX веков. с.304.
6. Хўқуқий М. Адабиёте эмрузе Ирон. -Техрон, 1377, саҳ.43.
7. Хўқуқий М. Адабиёте эмрузе Ирон. -Техрон, 1377, саҳ.43.
8. Козимий М. Қўрқинчли Техрон. Роман. I ва II китоб / Форс тилидан Ф.Фулом ва С.Йўлдошевники тарж. -Т., 1990, саҳ.543.
9. История персидской литературы XIX-XX веков. -М.,1999, с.300.
10. Хўқуқий М. Адабиёте эмрузе Ирон. -Техрон, 1377, саҳ.44.

11. Муҳаммад Хижозий (1900-1973)- шамсий 1279 йили туғилган, мути уд-давла унвонига эга бўлган, вазирликда турли юқори мансабларда ишлаган.

12. 1978 йил 8 сентябрида Техрондаги Жоле майдонида намоиш-чилар шафқатсизларча ўққа тутилади, «Рекс» кинотеатри ёкиб юборилади, ҳарбийлар билан қуролли тўқнашув бўлиб ўтади, кўпсонли оломоннинг мотам намоишлари бўлиб ўтади. Роман шохнинг мамлакатдан қочиши воқеаси билан тугалланади. Романда Эроннинг сиёсий арбоблари ҳам тилга олинган.

13. Муҳаммад Маъсуд Деҳотий (1905-1947) «Мардэ эмруз» газетасини нашр этган. 1947 йили номаълум шахслар томонидан унга қарши уюштирилган суиқасдда ҳалок бўлган.

XX АСР ЭРОН АДАДАБИЁТИНИНГ НАМОЯНДАЛАРИ

Муҳаммад Али Жамолзода (1892-1997)

Эрон адабиётида азалдан ҳажвий турдаги қисқа ҳикоялар бзиш анъанаси мавжуд бўлган. Саъдийнинг «Гулистон» асарига киритилган ҳикоялар фикримиз далилидир. Халқ оғзаки ижодида ҳам содда муғомбирлар, мулла Насриддин ҳақидаги латифалар машҳур бўлган. Муҳаммад Али Жамолзоданинг «Йеки буд-ў йеки набуд» тўплами замонавий тушунчадаги ҳажвий ҳикоянависликни бошлаб берди.

20-йилларнинг бошларида замонавий қисқа ҳикоялар шзила бошанди. Бу жанрнинг асосчиси Саид Муҳаммад Али Жамолзо-дадир.

Саид Муҳаммад Али Жамолзода 1892 йил 14 январда Исфаҳон шаҳрида дунёга келди.

Жамолзода ижодининг шаклланишида унинг оила шзиолари-нинг роли каттадир. Айниқса, унинг отаси, ўз даврида «садр ул муҳаққиқин» («ҳақиқат изловчилар сардори») деб ном олган, истеъдодли нотик, Эрон инқлоби даврида машҳур жамоат арбоби сифатида танилган, Саид Жамолиддин Воиз Исфаҳонийнинг таъсири ҳақида гапириш жоиз.

Муҳаммад Алининг отаси Саид Жамолиддин Воиз Исфаҳоний асли Ҳамадонлик бўлиб, Техронда таълим олган ва кейинчалик Исфаҳонга кўчиб ўтган ва у ерда воизлик билан шуғулланган. Исфаҳонда Саид Жамолиддин зодагонлар табақасига мансуб бўлган қизга уйланади. Саид Жамолиддин XIX аср охирларида Мирзо Насрулло Бехештий ва Аҳмад Рухийлар билан биргаликда «Рўйойе садеқане» («Ўнгидан келадиган тушлар») номли сатирик асарини ёзади. Бу асарда қожорлар династияси, риёкор шайхлар ва сарой аъёнлари қаттиқ кулги остига олинади.

Бу сиёсий памфлет хуфёна равишда Россияга жўнатилади ва 1903 йилда Петербург босмахонасида нашр этилади.

Кейинчалик Боку ва озарбайжон зиёлилари орасида ҳам кенг тарқалади. Фақат 1930 йилга келибгина Эронда «Армуғон» журналида чоп эттирилади.

«Ўнгидан келадиган тушлар» памфлети Малкумхоннинг пьесалари ва Мароғайининг «Иброҳимбекнинг саргузашти», Ж. Моръернинг «Ҳожи Бобо Исфаҳонийнинг саргузаштлари» романлари билан бир даврда Эронда дунёга келган *биринчи инқилобий-сатирик асар* бўлиб ҳисобланади.

Бир қатор сиёсий руҳдаги публицистик мақолалар, мактублар ҳам Ҷамолиддин Воиз қаламига мансуб бўлиб, уларнинг аксарияти Калькуттада форс тилида чиқадиган «Хабл ул-матин» журнали ва бошқа газеталарда чоп этилган. Бу мақолалар кўпинча тахаллус, ёки арабча сонлар билан шартли белги қўйилган ҳолда чоп этиларди. Масалан, «74 исфаҳоний» (74-арабча сонда Ҷамол деган маънони англатади).

Ўзининг ҳурлик, эрк ҳақидаги инқилобий фикрлари туфайли таъқиб остига олинган Ҷамолиддин уйи ва оиласидан узоқда бекиниб юришга мажбур бўларди. Ўша даврда Исфаҳон аҳлига шоҳ Музаффариддиннинг акаси ҳукмронлик қиларди. У жоҳил, ёлғончи ва ярамас мулла бўлиб, конституция тарафдорлари, бобийлар қўзғолонида гумон қилинганларни даҳшатли қийноққа солиб ўлдириш ҳақида буйруқ берган эди. Муҳаммад Али Ҷамолзоданинг хотираларида ёзилишича, бир куни 7-8 ёшлик чоғлари пайтида онаси унга мактуб бериб, отасига олиб боришни сўрайди. Йўлда кетаётган Муҳаммад Али марказий майдонда бир тўда оломон тўпланиб турганига кўзи тушади. У ерда содир бўлаётган манзарани кўрган болакай даҳшатдан қотиб қолади: майдонда икки кишини, яъни бобийлар фирқа¹сига аъзоликда айбланган ака-укаларни тириклайин ёққан манзарасини кўради. Гулхан ёнида бир одам қўлида бир челак керосин ёнилғисини ушлаб турар, ҳар бир ўзини «ҳақиқий имонли» ҳисоблаган одам келиб, шу керосиндан «айбдорларга» сепишар эди.

Исфаҳон ҳокими Зелле Султон (Насриддиншоҳнинг катта ўғли) шаҳар ноиблари ҳузурида, «Саид Ҷамолиддин агар шаҳарда пайдо бўлса, унинг танасини бурда-бурда қилиб ташлашга фармон бераман», деб эълон қилади.

Натижада адибнинг онаси болаларини олиб, Техронга кўчиб кетишга мажбур бўлади. Оила Техронга кириб келганда инқилоб бошланган эди.

Ҷамолиддин рамазон ойида, мачит ёнида тўпланган намойиш-чилар оломони ўртасида ўз нутқи ва чақириқлари билан чиқар, унинг «Сизга Конституция керак» деган ҳайқиригини бутун оломон баланд овозда такрорлар ва бу садолар шоҳ саройигача етиб борар эди.

У даврларда ҳар юзта эронликдан тўқсон тўққизтаси маълумот олмаган бўлиб, Ҷамолиддин нутқларининг Техрон, Қум, Табриз мачитларида янграши оломоннинг ижтимоий тафаккури шаклла-нишида катта роль ўйнади.

Қуйида унинг нутқларидан бирини келтирамиз: «Одамлар, дин пешволаридан кимдир, меросхўр²-конституция тарафдори деб таъкидлаяпти. Лекин барчага равшан бўлсинки, бу ундай эмас! Сиз билишингиз керакки, ҳеч бир халқ қон тўкмасдан озодликка эришолмади. Масалан, Россияни олайлик. Ўз қўл остида икки миллиондан ортиқ садоқатли аскарлари бўлган шоҳ, омма норозилиги билан тўқнашгач, чекинишга ва халққа конституцияни тухфа қилишга мажбур бўлди! Одамлар, сиз ҳам ҳаётингизни қурбон қилишдан қўрқманглар. Билингим, ҳақиқат учун ўлиш қуллик ҳаётидан юз карра яхшироқ!»

Ҷамолиддиннинг хитоблари, нутқлари, унинг фаолияти нафақат шоҳни, балки Россия императорини ҳам хавотирга солган. Бир неча марта унга катта мулк, қимматбаҳо совғалар, ҳадялар ваъда қилишган, лекин у ўз маслагидан, эътиқодидан қайтмаган.

1907 йили Муҳаммад Али давлат тўнтаришини қилишни режалаштирган. Унинг бундай хатти-ҳаракатига инглиз империа-листлари ва шоҳ Николай II нинг даъватлари ҳам

туртки бўлди. Николай ҳам Давлат Думасини тарқатиб юбориб, Муҳаммад Алига ҳам «анжуманлар»ни (аҳоли томонидан сайланган инқилобий-демократик ошкора фаолият юритаётган ташкилотлар) ва уларни бошқараётган мажлисини тарқатишни маслаҳат беради.

1908 йили 22 июнда шоҳ ҳужумга ўтади. Техронда ҳарбий ҳолат эълон қилинади. Казаклар бригадасининг командири полковник Ляхов мажлисдан анжуман бошлиқлари ва сўл депутат-ларни уларнинг қўлига топширишларини талаб қилади. Мажлис рад жавобини беради. 23 июн куни казаклар бригадаси шоҳнинг буйруғига биноан мажлис ва Сепохсолор мачитини ўққа тутта бошлайди. Мажлиснинг кўпгина депутатлари ва анжуман аъзолари қўлга олиниб, ваҳшийларча қатл этиладилар. «Суре Эсрофил» газетасининг бош муҳаррири Мирзо Жаҳонгир Шерозий ва машҳур нотик Малик ул-Мутакаллиминни осиб ўлдиришади. Юзлаб кишилар ҳалок бўладилар, айримлари зиндонга ташланади.

Саид Жамолиддин қора қўйлак кийиб, мажлис биносини тарк этади ва Техрондан чиқиб кетади. Бироқ Қарбало йўлида уни қибса олишади. Уни Боруж зиндонига ташлашади. Шоҳ Муҳаммад Али шаҳар ҳокими лавозимида бўлган қуёвига қуйидаги мазмунда телеграмма юборади: «Ҳамадон. Ҳамадон ҳокими Амир Афҳам жаноб олийларига.

Саид Жамолиддиннинг қибса олинганлиги ҳақидаги сизнинг телеграммангиз Ҳазрати Олийларига етиб келди. Бу фитначининг борлиги..., давлат учун зарар. Озгина фурсат туғилиши билан у оддий одамларни чалғитиши, қўзғатиши ва бизга бир талай хавотир туғдириши мумкин. Шу туфайли Ҳазрати Олийлари буюрадилар: телеграммани олган заҳоти буйруқнинг бажарилганлиги ҳақида Ҳазрати олийларига хабар қилинг»

Шу тариқа Саид Жамолидин шоҳ Муҳаммад Али буйруғига биноан 1908 йил октябр-ноябрь ойларида зиндонда бўлиб ўлдирилади.

Бу пайтларда Жамолзода Байрутга таҳсил олиш учун юборилган эди. У отасидан сўнги мактубни олади:

«Азизим Муҳаммад Али! Сен менинг тўнғич ўғлимсан ва шунинг учун сўнги хатимни сенга ёзаяпман. Душман бизни енгди ва ҳаёт билан тўлов тўлашга тўғри келяпти. Ҳозир бу ерда, Боруж зиндонига, мен «Телемак»нинг таржимасини ўқияпман ва китобнинг тугашидан кўра, менинг умримнинг тугаши яқинлигини ўйлаяпман. Қўзимнинг нури! Биламан, мусофирликда сенга осон бўлмайди, лекин сен хафа бўлма, аксинча сенинг отанг ватан, унинг шаъни ва шарафи деб шаҳид ўлимини топаётгани учун фахрлангин. Алвидо, менинг қувончим, мен бошқа ёза олмайман. Ўз оиланга шодлик бағишлашга ҳаракат қилгин. Алвидо, азиз, суюкли ўғлим.

Агар қачондир сенинг олдинга *Рамазон Али* исмли одам келиб менинг узугим ва муҳримни кўрсатса, унга ёрдам берин эътиборингни аяма. Бу болакай ҳозир менинг қисматимга шерик. Жамол»³

Хуллас, буюк ватанпарвар, оташин нотик, ўз халқининг бодик фарзанди Саид Жамол жаҳолат қурбони бўлди.

Афсуски, отаси мактубда эслатган Рамазон Али Жамолзода-нинг олдига келолмади, бироқ унинг хотирасига эдиб биринчи ҳикояси қаҳрамонини унинг номи билан атади.

Байрут яқинидаги француз коллежида ўқиб юрган кезларида-ноқ, унинг адабиёт соҳасидаги қобилияти намоён бўла бошлади. Унинг француз тилида ёзган шеърлари мактаб газетасида чоп этила бошлади.

Мактабда ўқиб юрган кезлариданок, унинг бошқаларга ўхша-маган хислатлари кўзга ташланади. Масалан, «Мен кимга ўхшаш-ни хоҳлайман» мавзусидаги иншосида барча болалар Венсан Деспаль номини ёзишса, Жамолзода Вольтер номини ёзади. Ваҳоланки, дин пешволари, руҳонийлар Вольтернинг ғояларини ёқтиришмаган ва унга нисбатан нафрат билан қарашган. У, агар яна бир марта бу ҳол қайтарилса, мактабдан ҳайдалиши ҳақида огоҳлантирилади.

1910 йили Жамолзода коллежни тугатади ва Парижга келади. Эроннинг Париждаги элчиси, Жамолзоданинг таширифидан қаттиқ норози бўлади ва ундан Лозаннага

кетишини қатъий талаб қилади. Бу ерда адиб таҳсил олиш учун келган Жозефина исмли француз қиз билан танишади. Икки ёш бир-бирига меҳр қўйишади. Жозефина ҳам онаси ўлгач, ўғай онаси қўлида қолган эди. Қизнинг отаси ва ўғай онаси уларнинг муносабатларига қатъий қарши чиқишади ва уни Дижонга юборишади. Шу орада Эрон элчиси Жамолзодани чақиртиради ва унга ишқий саргузаштларни йиғиштириб, иш билан шуғулланишни, зудлик билан Лозаннани тарк этиб учта шаҳар (Лион, Бордо ва Дижон (!)дан бирига кетишни талаб қилади. Албатта, Жамолзода Дижонни танлади. Хуллас, у ерда Жозефина ва Жамолзода турмуш қуришади ва биринчи ҳикоялар тўплами «Йеки буд-ў йеки набуд» китобини адиб Жозефинага бағишлайди.

1914 йили Жамолзода Дижондаги ҳуқуқшунослик факультетини тугатади. Франциядаги ҳаёти ёзувчи учун жуда машаққатли кечди. Моддий қийинчилик туфайли, у хусусий уйларда дарс беришга, кўп ҳолларда оч-наҳор юришга мажбур бўлди. Биринчи Жаҳон уруши бошларида Жамолзода Берлинга келади ва Эронни чет эл мустамлакачилари томонидан тасарруф этилишига қарши чиққан эронлик талабаларнинг миллий гуруҳига қўшилади.

1915 йили март ойида эронлик муҳожирлар Боғдодга ўн вакилини юборишга қарор қиладилар. Вакил Боғдодда мустамлакачилар ҳарбийларига қарши гуруҳларни шакллантириши лозим эди. Вакил сифатида Жамолзода тайинланади. Жамолзода Австрия, Руминия, Болгария ва Туркия орқали сафар қилиб ўн тўрт ойдан кейингина Боғдодга кириб боради. Сафар давомида у кўп қийинчиликларни бошидан кечиради. Ҳатто бир марта Стамбул шаҳрида уни жосусликда айблаб қамаб қўйишади.

Боғдодга келгач, Жамолзода Иброҳим Пур Довуд (кейинчалик эрон филологиясининг йирик олими) раҳбарлигида «Растохиз» («Қайта тирилиш») газетасини нашр эта бошлади.

1916 йили Берлинга қайтади. Барча эронлик зиёлилар машҳур сиёсий арбоб ва тарихчи Ҳасан Тағизода ва йирин

филолог олим Мирзо Муҳаммадхон Қазвиний томонидан асос солинган «Кове» журнали атрофига бирлашадилар. Жамолзода гуруҳнинг фаол аъзоларидан бирига айланади. «Кове» журналида унинг «Шохруҳ» таҳаллуси билан бир қатор сиёсий, иқтисодий ва тарихий мавзудаги мақолалари нашр этилади.

1921 йили «Кове» журнали ўз фаолиятини тўхтади ва Жамолзода доимий маошга эга бўлиш мақсадида Берлиндаги Эрон элчихонасига таржимон бўлиб ишга киради.

Жамолзода журналист, тарих ва иқтисодий соҳадаги тадқиқотчилик фаолияти билан бир қаторда бадиий адабиёт соҳасида ҳам қизгин иш олиб боради.

1922 йили Берлинда Жамолзоданинг олтита ҳикоясини ўз ичига олган «Йеки буд-ў йеки набуд» («Бир бор экан, бир йўқ экан») асари муфассал сўзбоши билан чоп этилди. Бу асарни Эрон прозасининг манифести деб баҳолашган олимлар. Унда охириги якуний фикр қуйидагича янграйди: «Майли муаллифнинг овози мудроқ тонг қарвонини уйғотувчи хўроз қичқириви янглиғ бўлсин, майли у адиблар ва олимларни таажжублантирсин, лекин уларни давр даъватига қулоқ тутишга мажбур этсин, улар ўзларининг ғоя ва фикрларини, қуёш заррин нурларини қуюқ булутлар орқасига ва чиганоқ ўз бебаҳо гавҳарини ичига бекитгани сингари бекитишни бас қилсинлар».

1906-1910 йилларда содир бўлган инқилоб Муҳаммад шох режимининг инқирозига ва шу билан бирга Эрон адабиётининг бир-бирига зид иккита лагер: консерваторлар⁴ ва реформатор (ислоҳотчи)ларга ажралишига сабаб бўлди. Реформаторлар қатъий адабий янгиланиш ва ҳатто тўнтаришни талаб қилардилар. Уларнинг асосий шиори кекса шоир Фарруҳийнинг:

Искандар ҳақидаги ривоят масалга айланди ва осқирди,

Янги сўз топгинки, янгида янги жозоба,
мисралари эди. Айни шу сатрларни Жамолзода ўз сўзбошисига эпиграф қилиб олди.

Бир сўз билан айтганда, ислоҳотчилар тилни жонли сўзлашув услубига яқинлаштириш заруратини илгари сурдилар. XIX асрдаёқ бундай руҳдаги ҳаракат бошланганини Абдураҳим Толибов ижоди ҳақида гапирганда таъкидлагандик.

Жамолзода ижодида маърифатпарварлик фаолияти асосий ўринни эгаллайди. Унинг фикрича, халқи асрлар давомида жаҳолат, адолатсизлик ва қолоқлик зулмати остида бўлган мам-лакат адабиётининг асосий вазифаси кенг халқ оммасини ҳар томонлама маърифатли қилиш. Жамолзода замонавий адабиётда роман жанрининг ўрнига алоҳида урғу беради. Бироқ романни Саъдий услубида ёзиб бўлмайди. Шунинг учун бу жанрнинг ривожланиши тилни такомиллаштиришда ҳам, жумладан мумтоз адабиёт тили ва замонавий жонли тил ўртасидаги жарликни йўқотишдадир. Бунга қарши ўлароқ консерваторлар адабиётда туб бурилиш Фирдавсий ва Саъдий сингари даҳо ёзувчиларнинг туғилиши билан боғлиқ деб ҳисоблайдилар. Зеро, бу шоирларнинг асарлари эрон поэзияси тараққиётида янги даврни бошлаб берган ва шу билан бирга ўз даври адабиётида туб бурилиш ясаган. Инчунин, ўз ижоди билан амалда бундай бурилишни кўрсатиб берган бирорта ёзувчи бўлмагач, адабиётда туб бурилиш ҳақида гапириш беҳуда, деб ҳисоблайдилар. Қайсидир маънода улар ҳақ. Чунки жуда бой халқ оғзаки ижоди ва адабий меросга эга бўлган адабиётда жонли форс тилида ёзилган насрий асарларнинг камлиги уларнинг бундай хулосага келишларига сабаб бўлган.

Машҳур эроншунос олим К.Чайкин: «Эрон бадий адабиётида «Йеки буд-ў йеки набуд» асаридан бошлаб, янги бадий асарлар яратган янги реалистик мактаб шакллана бошлади», деган фикрни билдиради. М.Жамолзода, М.Козимий, А.Халилий асарларини ўқибгина форс оғзаки ва ёзма адабиётини тубдан янгиланганининг гувоҳи бўламиз.

Юқорида зикр этилганлар орасида Жамолзода номини ва, айниқса, унинг «Йеки буд-ў йеки набуд» китобини нафақат

нашр этилган йилига кўра, балки асарнинг ёрқинлиги ва аҳамиятига кўра ҳам биринчи ўринга қўйиш мумкин.

Ҳикояларда замонавий Эрон турмуш тарзининг турли жаҳаларини қаламга олган.

Китобдаги биринчи ҳикоя «Форсий шакар аст» («Форсий шириндир») деб номланган бўлиб, у замонавий форс тили муаммоларига бағишланган. Ҳикоянинг мазмуни шундан иборатки, тақдир тақозоси билан божхона ходимлари томонидан қамоққа олинган тўрт эронлик маҳбус зиндонда учрашиб қоладилар. Улардан бири оддий чойхоначи Рамазон бўлиб, у тўсатдан қамоққа олиниши сабабини тушунтириб беришларини илтимос қилади. Дастлаб, мулла унга тушунтиришга ҳаракат қилади. У ўз нутқини беҳисоб арабий иқтибослар билан безайди. Кейин навбат европалашган эронлик «фоколи»³га келади. У ўзининг нутқини европача потиқлик услубида, галлицизм⁶ билан безаб гапиради. Рамазон уларнинг сўзларидан ҳеч нарсани тушунмайди ва шерикларини жинни деб ўйлайди.

Иккинчи ҳикоя «Сиёсатчи» деб номланган бўлиб, Ҳикояда пахта титувчи бўлган шайх Жаъфарнинг бозор аҳлига ўз таъсирини ўтказиб, бирваракайига иккита партия томонидан номзоди кўрсатилиб, мажлисга депутат қилиб сайланиши воқеалари қаламга олинган. Жаъфар образи орқали 20-йиллар бошларида Эронда авж олган сиёсатбозлик, корчалонлик ва сафсатабозлик каби иллатлар қаттиқ ҳажв остига олинади.

Учинчи ҳикоя «Шимолий она айиқ қучоғида» деб номланган. Бу ҳикоя инсон характери драматизми тасвири билан ажралиб туради. Ёш, кучли, қувноқ Ҳабибулло йўлда кетаётиб, ярадор, музлаб қолишига бир баҳя қолган рус казагини учратади. Ҳабибулло унга раҳми келиб, манзилига етиб олгунча ўзи билан бирга олиб кетади. Бироқ Ҳабибуллода пул борлигини билган казак биринчи учраган постдаёк шерикларига бу ҳақда хабар беради ва казаклар Ҳабибуллони олиб ўлдирадилар. Ярадор казак эса унинг пулини олиб қўяди.

Бу ҳикояда Эронда узоқ вақт ўзбошимчалик билан иш тутган, тубанлашган шоҳ ҳарбийларининг ҳақиқий қиёфаси намоён бўлади. Империализмнинг жирканч кўриниши бетакрор бадий чизгиларда тасвирланган. Бу ерда ёзувчиға хос бўлган лирик тон, энгил кинояли кулги услуби сезилади.

1927 йили Берлинда «Элмуҳунар» журналини чоп эта бошлади ва бош муҳаррири бўлди. Бироқ моддий қийинчиликлар туфайли, тез орада журнал ўз фаолиятини тўхтатди. 20-йилларнинг ўрталарида адибнинг хотини Жозефина вафот этади.

1931 йили Жамолзода Маргарита Эгерт исмли немис аёлиға уйланади ва Женеваға келади. Женевада Халқаро Меҳнат ташкилотида ишлай бошлади ва шу билан бир қаторда Женева университети таржимонлик факультетида форс тили ва адабиётидан дарс бера бошлади.

Бу даврдаги асарларида пессимизм, тақдирға тан бериш, қисматдан қочиб қутила олмаслик гоёлари акс этади. 30-йилларнинг сўнгида адиб «Дорулмажнун» («Жиннихона») повестини ёзди. Повесть 1940 йилда нашр этилди.

20-30-йилларда ёзилган асарлари ичида «Альтурист» ва «Қовурилган ғоз» юмористик ҳикоялари диққатға сазавордир.

40-50-йиллар ёзувчи ижодининг энг гуллаган пайти сифатида эътироф этилади. Эронда адиб қаламиға мансуб «Аму Ҳосейн Али» («Ҳусайн Али амаки», 1942) кейинчалик бу тўплам «Шоҳкор» номи билан қайта нашр этилади, «Сару таҳ йек карбос» («Олди-орқаси бир сурп», 1944), «Кўлташан дивон» («Калташан девон», 1946), «Саҳройе маҳшар» («Маҳшар саҳроси», 1947), «Раҳобноме» («Сув қувури ҳақида қисса», 1947), «Талх-ў ширин» («Аччиқ ва ширин», 1955), «Кўхнэ ва ноу» («Эски ва янги», 1959) номли повестлари бирин-кетин чоп этилди.

Шу билан бирға «Ғэйр аз худо ҳичкас набуд» («Худодан ўзға ҳеч ким йўқ эди», 1961), «Қэссэҳойе кутоҳ баройе баччеҳойе ришдор» («Соқолли болалар учун қисқа қиссалар», 1973), «Қэссэе мо бэ сар расид» («Бизнинг қисса поёниға

етди», 1978) ҳикоялар тўплами адиб ижодининг энг етук ҳикояларини ўқувчиларга тақдим этди.

Бир умр ватан соғинчида яшаган, юртини тупроғини бор пужуди билан севган Ҷамолзода жуда сермаҳсул, новатор ёзувчи, сатиранинг устаси сифатида қадрланади. Унинг ҳикоя ва повестларида сохта «ватанпарварлар», эътиқодсиз манфур кимсалар, халқ манфаатидан ўз шахсий манфаатларини устун қўювчи корчалонлар, амалда ҳеч иш қўлидан келимайдиган қуруқ сафсатбозлик ва нотиқлик билан кун кўрадиган лўттибоз сиёсатчилардан иборат ҳажвий образлар галереяси яратилди. Ҷамолзода форс насрини янги бадиий тасвир воситалари ва усуллари билан бойитди. Шу билан бирга у баъзи бир ёзувчилар сингари кўр-кўрона ғарбга тақлид қилиш йўлини тутмади, балки асарларида миллий руҳни, фольклор анъаналарини сақлаб қолди.

Изоҳлар

1. Бобийлар фирқаси - бу диний фирқа бўлиб, унинг насосчиси Саид Али Муҳаммад Али Боб (1820-1850)дир. У ўзини Маҳдий-пайгамбар, «Баён» китобини эса «Янги Қуръон» деб эълон қилади.1848-1852 йиллари бобийлар тарғиботчилари бошчилигида шаҳар камбағал табақа вакиллари, деҳқонлар, ҳунармандлар қўзғолонлари бўлиб ўтади. Бу қўзғолонлар шох армияси томонидан шафқатсизларча бостирилади, Боб эса 1850 йили Табризда отиб ўлдирилади.

2. Меросхўр - бўлғуси шох Муҳаммад Али назарда тутилган.

3. Бу хат 1909 йил 15 февралда Калькуттадаги «Ҳабл ул матин» газетасида, ва 1963 йили декабр ойида «Воҳид» журналинда чоп этилган.

4. Консерватор-консерватор, эскилик тарафдори, мутаасиб. Реформатор-реформатор, ислохотчи, ислоҳ қилувчи.

5. Фоколи (французчадан faux col) Европа андазасидаги тугмали ёқа тақиб юрадиган одам.

6. Галлицизм - линг. галлицизм (француз тилидан қабул қилинган ёхуд унга тақлид қилиб тузилган сўз ёки ибора).

Содиқ Ҳидоят (1903-1951)

Содиқ Ҳидоят 1903 йил 17 февралда (Эрон қуёш тақвимининг 1281 йил 28 баҳман ойида) Техрон шаҳрида туғилган.

Содиқ Ҳидоятнинг отаси Резо Қулихон Ҳидоят (Эътезод ул-Мўлк), Техрондаги ҳарбий билим юртида ишлаган, адабиётга ҳавасманд инсон эди. Содиқ Ҳидоят адабиёт, шеърятга катта ҳурмат ва эътибор билан қараладиган бир оилавий муҳитда дунёга келди. У ёшлигиданоқ Техроннинг қадимий кўчаларини кезар, қиссахонлардан халқ қиссалари ва шеърларини мароқ билан тинглар, урф-одатларни зўр қизиқиш билан кузатар эди. Бу қизиқишлари ва кузатишларининг меваси сифатида кейинчалик унинг «Нейрангестон» («Мўъжизалар мамлақати», 1933) асари дунёга келади.

С.Ҳидоят мактабда ўқиб юрган йиллариданоқ адабиётга ҳавас қўяди. У шеърятни жони-дилидан севар эди. Айниқса, Хайём ижодига қизиқиши кучли эди. Ўрта мактабда ўқиб юрган кезлари Хайём шеърларини тўплам ҳолида жамлаган эди. Унинг 1923 йилда ёзилган Хайём ҳақидаги тадқиқоти «Таронэхойи Хайём» номи билан 1924 йили Техронда босилиб чиқади. Китоб кенг китобхонлар орасида жуда машҳур бўлиб кетади ва илм аҳли томонидан ҳам илиқ кутиб олинади. Мазкур китоб Хайём ижоди ҳақидаги илк жиддий тадқиқот бўлибгина қолмай 20 ёшли муаллифнинг туғма қобилияти ва ёрқин истеъдодидан далолат берар эди.¹

Абдулали Дастғейбнинг таъкидлашича, С. Ҳидоят 1918 йили «Вегетерианликнинг фойдаси ҳақида» номли китоб ҳам ёзган.

Содиқ Ҳидоят 1925 йилда Техрондаги Сен-Луи француз мактабини имтиёзли диплом билан тамомлайди ва хорижга таҳсил олиш учун юборилади. Дастлаб, Бельгиядаги олий муҳандислик мактабида, кейинчалик Парижда архитектура бўйича таҳсил олади.

Бироқ адабиётга бўлган кучли интилиш туфайли, у асосий вақтини бадиий асарлар, адабиёт ва маданият тарихига оид илмий китоблар мутоаласига, музей ва виставкаларга бағишлар эди. Унинг энг севимли машғулоти *ёзиш* бўлди.

Содиқ Ҳидоят 1930 йилда Эронга қайтади. Тирикчилик туфайли турли идораларда турли лавозимларда фаолият юритади. Лекин ҳар қандай оғир ва қийин вазиятда ҳам ижод билан шугулланиш-га вақт ажратади.

Ёзувчининг ижодий эволюциясида иккита муҳим босқич кўзга ташланади: 1926 йилдан 1941 йилгача, 1942 йилдан 1950 йилгача² бўлган давр.

Биринчи босқич. Тугалланмаган «Марг» («Ўлим», 1926) ҳикояси ёзувчининг илк ижоди намунаси ҳисобланади. Ҳикоя Бельгияда ёзилган ва «Ироншаҳр» журналида чоп этилган. Ҳикоя «Қандай кўрқинчли ва даҳшатли сўз бу! У инсонга чексиз изтироб олиб келади: у табассумини йўқотади, қувончидан айрилади, тунд бўлиб қолади, кулфат ва ғамга кўмилган ҳолда қовжирай бошлайди» деган жумлалар билан бошланади. Ҳикояда бу оламга жонзотларнинг келиб кетиши ҳаётнинг қонуниятларидан бири эканлиги мотиви ифодаланади: «Тириклик ва ўлим ажралмасдир. Агар тириклик бўлмаганда эди, ўлим ҳам бўлмасди. Худди шу сингари, агар ўлим бўлмаса, тириклик ҳам бўлмайди».

Бироқ ҳикояда адибнинг ижтимоий тузумдан норозилиги сезилади: «Ўлим учун ҳамма баробар, у ҳаммага битта қисматни тайёрлайди. У бойни ҳам, фақирни ҳам, юқоридагиларни ҳам, пастларни ҳам тан олмайди, у ўсимликлар ва ҳайвонларни ёнма-ён қўяди. Фақат қабрдагина қонхўрлар ва жаллодлар қонунга хилоф иш ва ноҳақликдан воз кечадилар».

Ҳикоянинг фалсафий ғояси Умар Хайём қарашлари билан ҳимоҳанглиги, ёзувчининг ундан ижодий илҳом олганлиги сезилади.

С.Ҳидоят дунёқараши шаклланишида Фарбий Европа декадент³ адабиётининг ҳам таъсири кўринади. 1930 йили

адиб Париждали-гида «Зенде бе гур» («Тириклайин кўмилган») ҳикоясини ёзади. Ўз ҳаётидан, қисматидан норози ҳикоя қаҳрамони *янги, бошқача* ҳаёт кечириш йўлларини излайди. Унинг жисмида, онги ва шуурида ўлим ва тириклик доимо курашади. Шундай вақтлар бўладики, қаҳрамон ўзининг кўрқоқлиги ва иродасизлигини тан олади. У ҳаётга янги режалар тузади, нурли, гўзал, самовий нарсалар ҳақида орзу қилади ва ҳатто ўзини Фирдавсийнинг «Шоҳномаси» қаҳрамони Исфандиёрга хос сифатлов билан «Руинтан» деб атайди. Лекин одам бу жамиятда эркин яшашига, ижод этишига, табиат гўзалликларидан баҳра олишига қўйишмайди. Ундаги барча эзгу нарсаларни ўлдириб, уни тириклайин кўмилганга айлантиришади. Ҳикоя қаҳрамони қанчалик уринмасин, зулмга қарши курашда ожизлик қилади ва бу ожизлигидан дилини изтироб ва ўкинч чулғайди, «тириклайин кўмилади».

Содиқ Ҳидоят Парижда истиқомат қилиб юрган кезлари «Асире фаронсавий» («Француз асири») номли модернистик новелласи, «Ҳожи Мурод» (1928) асарларини ҳам яратади.

Техронга қайтгач, адибнинг «Сойе-роушан» («Нур ва соялар», 1933) ҳикоялар тўплами босилиб чиқади. Бу тўпلامга кирган «Арусак поште парде» («Парда ортидаги кўғирчоқ») ҳикоясида ёш йигитнинг кўғирчоқни ўз севгилиси деб тасаввур қилиб, чуқур қайгуга ботиши тасвирланади. Худди шу тариқа кучли изтироб, руҳий кечинмалар тасвири унинг бошқа ҳикоялари хусусан «Буфе кур» («Кўр бойқуш», 1936) да ёрқин аксини топган: «Ҳаётда худди песга ўхшаб, одамни ич-ичини ейдиган битмас яралар бор». «Буфи кур» асарини эрон ва Европа адабиётшунос-лари Содиқ Ҳидоят ижодининг энг чуққиси деб ҳисоблайдилар.

Китобхон кўз ўнгида 30-йилларда Эрондаги ҳақиқий воқелик гавдаланади. Булар орасида нонига зўрға пул топаётган қария, очкўз ва ахлоқсиз юртнинг «оталари», фоҳишалар, маст-аластлар, банги-ю нашавандлар, очкўз ва бебилиска пул топишга интилувчилар бор.

Унинг ижодида абадий муҳаббат мавзуси катта ўрин тутади. Мумтоз намояндалардан фарқли ўлароқ, унда инъанавий услубдагидек мавҳум севги эмас. Унинг қаҳрамонлари оддий инсонлар. Улар ҳам ўз кундалик ташвишларига, қувончу қайғуларига эга. «Тириклайн кўмилган» ҳикоялар тўпламига киритилган «Обжи хоним», «Эрини йўқотган аёл» ҳикоялари шулар жумласидандир.

«Зенде бе гур» («Тириклайн кўмилган»), «Се қатрә хун» («Уч томчи ёш», 1932), «Нейрангестон» («Мўъжизалар мамлакати», 1933), «Алавийэ хонум» (1933), «Сойе роушан» («Соя ва нур», 1934), «Буфе кур» («Кўр бойкуш», 1936) каби тўплам ва уларга киритилган асарларда Содиқ Ҳидоят ижоди биринчи босқичга хос бўлган ҳам декадент, ҳам реалистик мавзуда ёзилган асарлар ўрин олган.

Иккинчи босқич. Содиқ Ҳидоят ижодининг иккинчи босқичи (1942-1950) лирика, романтик руҳнинг кучлилиги билан характерланади, ёзувчи ижодида сатира жанрига мурожаат кўзга ташланади. Ёзувчи ижодида ватанпарварлик мавзуси «Парвин-сосон қизи» (1943), «Мазёр» пьесаларида ва «Веленгори» («Енгилтаклик», 1944) тўпламига киритилган «Фардо» («Эрта») ҳикояси ва «Тупе марварид» («Садаф қадалган тўп» 1947 йили ёзилган, 1952 йили чоп этилган) мажозий эртагида, «Ҳожи ого» (1945) повестида ўз аксини топди.

«Ҳожи ого» повести ёзувчи ижодининг иккинчи босқичида яратилган энг сара асарлардан бири ҳисобланади. Повесть қаҳрамонлари сифатида олиб-сотар савдогар, лаганбардор мансабпараст, фашист сингари персонажлар ҳаракат қиладилар. Бу персонажларнинг барчасини боғлаб турувчи образ асарнинг бош қаҳрамони Ҳожи ого.

У жуда катта маблағга эга бўлиб, катта сиёсий найрангларни амалга ошириш билан шуғулланади. Унинг сиёсий мақсади мамлакатда демократик ҳаракатларнинг йўлига тўсқинлик қилиш. Иккиюзламачи бу инсон ўз қимтавоқлари олдида фашистларнинг галаба қозонишини

исташини, янги, демократик Эрон учун курашаётган фаоллардан нафратланишини бекитмайди. Оддий одамлар орасида эса ўзини ватанпарвар, ҳақиқат ва тенглик учун курашчи қилиб кўрсатади. У қаерда ўзини қандайтутишини яхши билади, ҳар қандай вазиятлардан айёрлик ва устамонлик билан чиқиб кетади.

Содиқ Ҳидоят таржима соҳасида ҳам самарли фаолият олиб борди. 1943-йиллардан бошлаб «Сохан» журналида Франц Кафка, А.Чехов, Ж.Сартр асарларининг адиб томонидан форс тилига ўгирилган нусхалари чоп этила бошланди.

Унинг ижодий фикрларга лиммо-лим тўлган қайноқ ҳаёти 1951 йил 9 апрелда Парижда фожеали якун топди. Адиб ўз жонига қасд қилди. Ўзининг оилавий шароити, ёру дўстларининг мавқеидан фойдаланиб, ўзи истаган погонани кўтарилиши мумкин эди. Лекин у бу йўлдан бормади. Самимий ва тўғрисиўз бу инсонга бундай яшаш тарзи тўғри келмади. У ёлгон ва лаганбардорликнинг ҳар қандай кўриниши билан келиша олмасди...

Моҳир таржимон, истеъдодли адабиётшунос олим, фольклор-шунос ва ҳассос ёзувчининг асарлари бугунги кунда ҳам ўз қимматини йўқотмаган. У Эрон адабиёти тарихида «буюк замонавий ёзувчи ва янги форс насрининг асосчиси» сифатида эъзозланади.

Изоҳлар

1. Хўқуқий М. Адабиёте эмрузе Ирон. -Техрон, 1998, саҳ.85. История персидской литературы XIX-XX веков. -М., 1999, с.318.

2. Ёзувчи ижодининг бундай таснифланиши биринчи марта 1956 йили Комиссаров томонидан амалга оширилган.

3. Декадент XIX аср охири - XX аср бошларида адабиёт ва санъатдаги ўта тушкунлик ва индивидуаллиги билан ажралиб турувчи оқим.

4. Бўзўрг Алавий. Содеқ Ҳедоят. Пейоме ноу. 1951, № 12, саҳ 13

Бузург Алавий (1904-1996)

Бузург Алавий 1904 йили 2 февралда Техрон шаҳрида таваллуд топган.

1922 йили Бузург Алавий А.Гумбольт номидаги Берлин университетига ўқишга киради. Университетда у филология йўналишида таҳсил олади, немис, француз, инглиз, кейинчалик эса рус тилларини мукамал ўрганишга киришади. 1928 йили Бузург Алавий ватанига қайтади ва бир мунча вақт Рештда истиқомат қилади. Бу даврда у «Парварэш» («Тарбия») номли маҳаллий газета фаолиятини бошлайди ва айнан шу газетада (1929, 512-сон) бўлғуси адабнинг адабиёт соҳадаги биринчи иши, яъни Рабиндранат Тагор қаламига мансуб «Уй ва дунё» асарининг таржимаси чоп этилади. Сўнгра Алавий Техронга кўчиб ўтади ва косиблар мактабида немис тилидан дарс беради.

30-йилларнинг бошларида Техронда тўрт кишидан иборат «Рубъэ» («Тўртлик») номли адабий тўғарак тузилади. Тўғаракнинг аъзолари ўз даврининг машхур намоёндалари С. Ҳидоят, М. Миновий, М. Фарзод ва Б. Алавий эди. Кўп ўтмай драматург ва режиссёр Абулхусайн Нушин, адабиётшунос Парвиз Нотел Хонларий, шоир Нимо Юшиж, фольклорист Сўбҳий, мусиқачи Минбошиён сингари етук зиёлилар бу тўғарак атрофида бирлашадилар.

Худди шу йиллари Б. Алавий таржима ва адабиёт ва санъатга оид илмий-оммабоп мақолалар ёзиш билан шуғуллана бошлайди. 1930 йили тарихчи олим Саид Нафисий муҳаррирлигида Техронда «Шарқ» журнали чоп этила бошлайди. Бу журнал саҳифаларида Б.Алавийнинг «Гётэ ва Ирон» мақоласи ва Теодор Нольдекенинг «Эрон халқ эпоси» китобининг немис тилидан форсийга таржима-сидан нарчалар эълон этила бошлайди.

Адиб ҳукумат вакилларининг жамиятда аёллар ўрни масала-сига эътиборини қаратиш мақсадида Шиллернинг

Жанна ДАрк ҳаёти ҳақида ёзилган “Орлеан қизи” драмасини таржима қилади.

Б.Алавий 1933 йили доктор Тағи Эроний ва Ираж Эскандарий билан ҳамкорликда «Дўнё» журналига асос солади. Журналнинг биринчи сонндаёқ (1934) адибнинг «Хўнар ва материализм» («Санъат ва материализм») мақоласи ва С.Цвейгнинг «Гулҳо-йэ сэфид» («Оқ гуллар») ҳикоясининг таржимаси чоп этилади.

1934 йилга келиб, унинг биринчи ҳикоялар тўплами «Чемадон» номи билан эълон қилинади. Бу тўпلامга ёзувчининг олтига ҳикояси жамланган эди.

Бу тўпламнинг ўзиёқ адабиёт оламига Эрон адабиётини Европа типдаги, хусусан, XX аср немис адабиётига хос янгича мавзу, янгича бадиий шакллар билан бойитишга интилаётган истеъдод кириб келганидан далолат беради.

«Дўнйо» журнали ўз атрофига ҳурфикрли эрон зиёлилари, истеъдодли адиблар, ватанпарвар ёшларни жисплаштира бошлаганлиги унинг шуҳрати ва таъсири орта бораётгани, мамлакатдаги реакцион кучларга ёқмади. Улар ҳийла йўлига ўтишди. 1936 йили Таълим вазирлиги томонидан давлат муассасаларида ишловчи шахсларнинг газета ва журнал чоп этишларини таъқиқловчи қарори эълон қилинди. Журналнинг асосчиларидан ҳисобланган Эроний 1930 йилдан буён Таълим вазирлигида юқори мансабда эди. «Дўнё» журналининг фаолияти тўхтатилади. 1937 йил апрел ойида Эроний ва унинг 53 нафар тарафдорлари, шулар қаторида Алавий ҳам мактабда дарс бериб турган вақтда ҳибсга олинади. Шундан сўнг адиб ҳаётидаги энг оғир кунлар бошланади. Тинимсиз сўроқлар ва қийноқлар, турма қийинчиликлари унинг иродасини сўндира олмади. У кўрган кечир-ганлари асосида жуда қийинчилик билан бўлсада, ҳикоялар ёзди.

Бироқ 1939 йили Алавий учун азиз ва ҳамнафас бўлган Тағи Эронийнинг турмада ваҳшийларча ўлдирилиши уни қаттиқ қайғуга солди.

1941 йили сентябрида мамлакатдаги сиёсий шароитнинг ўзгариши муносабати билан Алавий ва унинг дўстлари турмадан озод этиладилар.

1943 йили ёзувчининг «Варақпорэҳойи зэндон» («Турма эсдаликлари») ҳикоялар тўплами ва «Панжоҳ-ў сэ нафар» («Эллик уч нафар») публицистик асари нашрдан чиқади. Бу иккала китоб ҳам адибнинг қисматидаги энг қора кунларида, яъни тутқиндалигида ёзилган. Уларнинг асосий мазмунини шох турмасидаги даҳшатлар баёни ташкил этади.

«Турма эсдаликлари» тўпламига адибнинг «Паданг», «Сеторайэ добале дар» («Думли юлдуз»), «Энтэзор» («Кутиш»), «Афвэ ўмумий» («Ўмумий амнистия»), «Рақсэ марг» («Ўлим рақси») номли ҳикоялари киритилган. Резошоҳ тузуми ҳаққоний тасвирланган бундай асарнинг ёзилиши Эрон адабиёти тарихида янги воқеа бўлди. Асарда турма ходимларининг маҳбусларга нисбатан ишлатган зўравонликлари, турма бошлиқлари ва полиция позирларининг асл қиёфси очиб ташланган. Ҳикоялардаги барча воқеалар чуқур психологик таҳлил методи асосида очиб берилади, барча воқеа-ҳодисалар реал ҳаётдан олинганлиги ва ишонарли тасвир этилганлиги билан эътиборга моликдир. Ёзувчи воқеликнинг атрофлича кенг манзарасини очиб беришга ҳаракат қилади. «Турма эсдаликлари» бу Эрон турмаларидаги ва нафақат унинг девори ичидаги, балки девор ташқарисидаги ҳаёт манзарасидир. Ёзувчи талқинида «озодлик» даги одам билан маҳбуснинг фарқи унчалик катта эмас. Ҳатто баъзан деҳқон «озодлик»даги оғир ва азобли турмушидан қочиш учун шайлаб жиноят содир этиб турмага тушади. Деҳқон учун маҳбус ҳаёти ўзиникидан минг маротаба афзал.

Ёзувчи нафақат ноҳақ қамалганларни, балки ўз манфаатини ўйлайдиган манфур маҳбуслар образини ҳам ирлатади. Адиб китобхон қалбида маҳбуслар тақдирига ачиниш

ҳиссини уйғотиш ғоясидан йироқ. Унинг асосий мақсади Эроннинг адолатсиз ижтимоий тузимини кўрсатиш.

Тўпламдаги ҳар бир ҳикоя ўзича мустақил, тугал сюжетга эга бўлсада, улар битта манзаранинг турли қисмларини ёритиб, бир-бирини тўлдиради.

Асар нашрдан чиққани заҳотиёқ «Мардум» газетасида (1941, 28-сон) машҳур танқидчи Эҳсон Табарийнинг асарга муносабат билдирилиб ёзилган тақризи эълон қилинади.

1945-1948 йиллар мобайнида «Сўхан», «Пейоме ну» журнал-ларида Алавийнинг бир қатор ҳикоялари чоп этилади. Орадан уч йил ўтиб, 1951 йили адиб уларни «Номэхо» номли тўпламига жамлаб нашр қилади. Мазкур тўпلام тўққизта ҳикоядан иборат: «Номэхо» («Хатлар»), «Гилэмард» («Гилонлик деҳқон»), «Росвай» («Расволик»), «Эжорехонэ», «Хаен» («Хоин»), «Йек занэ хўшбахт» («Бир бахтли хотин»), «Ириночка», «Дэзашуб», «Панж дақиқэ бад аз дўваздах» («Ўн иккидан беш дақиқа ўтганда»).

1948 йили Эрон делегацияси таркибида Ўзбекистонга келади. Бу сафар тассурутлари асосида кейинчалик «Ўзбакҳо» («Ўзбеклар») очеркини ёзади.

1952 йили Б.Алавий «Чашмҳойаш» («Унинг кўзлари») романини ёзади. Романда 30-йиллар Эрон зиёлиларининг ҳаёти ва фаолияти, уларнинг хорижий империалистларга қарши кураши ғояси илгари сурилган. Романнинг бош қаҳрамони Мокон халқининг озодлигини ҳар нарсадан устун қўядиган, инқилоб ғояларига содиқ, эътиқодида собит «янги одам» образи сифатида гавдалан-тирилган.

Бузург Алавий 1951-1953 йилларда Эронда бошланган ҳаракатларда фаол иштирок этади. Бироқ 1953 йили миллий озодлик ҳаракати бостирилгандан сўнг Германияга кетишга мажбур бўлади. 1953-1978 йиллар мобайнида у она ватанидан йироқда яшашга мажбур бўлади. У Берлиндаги Гумбольдт Университетида форс адабиёти тарихи бўйича дарс беради, профессор даражасигача кўтарилади. Б.Алавий немис тилида

Эрондаги ижтимоий-сиёсий муаммоларга бағишланган бир қатор асарлар ёзган. «Қурашаётган Эрон» (1955), «Қонли нефть» (1956), «Гуллар ва булбуллар диёри» (1957) асарлари шулар жумласидандир. Шу билан бир қаторда Содиқ Ҳидоятнинг бир нечта асарларини немис тилига ўгиради. Адибнинг «Замонавий форс адабиётининг тараққиёт йўллари» (1964) номли асари Германия Демократик Республикаси фанлар Академиясининг мукофотига сазовор бўлди.

Б.Алавийнинг бу йилларда яратилган аксарият бадиий асарларида сиёсий шароит туфайли ватанидан йироқ яшовчи муҳожирлар, сиёсий қочоқлар ҳаёти, ватан ишқи мавзусига бағишланган. «Мирзо» (1968) тўпламига киритилган шу ном билан аталувчи повесть ва ҳикояларнинг аксариятида адибнинг эронлик муҳожирлар ҳаётига бўлган муносабати, қарашлари акс этган.

Ёзувчи «Мирзо» повестида барча муҳожирлар фожеасининг илдизини, сабабини топишга интилади. Маълум бўладики, барча жабрланганлар ўзлари умид қилган ва нишонган юксак орзу-ўйлар ва ғоялар, «фаравон турмуш» шинжидида хорижга кетганлар ва охир-оқибат уларнинг барча ўйлаганлари сароб бўлиб чиққан.

«Солориҳо» («Солори оиласи») романинг бош ғояси ва ёзувчининг асосий мақсади иккита Жаҳон уруши оралигида яшаган инсонлар тақдирини кўрсатиш. Асарда Солорилар оиласининг учта авлодининг ҳаёти қаламга олинган. Булардан ташқари муаллиф жамиятнинг турли табақасига мансуб жуда кўплаб инсонлар образини, уларнинг турмуш тарзини тасвир-лаган.

Бузург Алавий нафақат бадиий ижодиёти билан балки, олти давр Эрон адабиётининг долзарб муаммоларига бағишланган адабий-танқидий мақолалари билан ҳам танилган. 40-50-йилларда унинг ўнлаб мақолалари Техрон матбуотида чоп этилди. Эрон ёзувчиларининг Биринчи Конгресси (1946) да, Москвада бўлиб ўтган

шарқшуносларнинг 25-Халқаро конгресси (1960) да қилган маърузалари адабий жараёнларга чуқур таҳлилий ёндашилганлиги билан ажралиб туради. Адиб нафақат Эрон адабиёти ва ёзувчиларига, балки рус, Европа адибларининг ижодига бағишланган бир қатор мақолаларини ҳам чоп этди. Б.Алавий томонидан А.Чеховнинг «Олчазор», С.Маршакнинг «12 ой» каби асарларини форс тилига ўгирган.

Адибнинг асарлари ўзбек, рус, немис, поляк, чех ва бошқа кўпгина тилларга таржима қилинган.

Машҳур ёзувчи, олим ва таржимон, ўз фаолияти билан Эрон адабиёти тарихида чуқур из қолдирган адиб Бузург Алавий 1996 йили вафот этди.

Содик Чубак (1916-1998)

Содик Чубак 1916 йили Бушир шаҳрида, савдогар Муҳаммад Исмоил оиласида дунёга келган. Бошланғич таълимни шу ерда олгач, Шерозга таҳсил олиш учун боради. Бир қанча вақтдан кейин мамлакат пойтахти Техронда жойлашган Америка коллежида, сўнгра Америка, Англия давлатлари олий ўқув юртларида таҳсилни давом эттиради.

Ватанга қайтгач, Чубак инглиз-эрон, эрон нефть компания-ларида ишлайди ва шу билан бир вақтда ижодий фаолият билан шуғулланади.

Чубакнинг турли мавзуда ёзган дастлабки кичик ҳикоялари газета ва журналларда чоп этила бошлайди. Тез орада у истеъдодли ёзувчи сифатида танилади. Шу пайтдан С.Чубакнинг адабий фаолияти ҳам бошланган. Компанияда 25 йилдан кўпроқ ишлагач, у нафақага чиқади ва бутун қолган умрини ижодга бағишлайди. 1974 йилда унинг адабиёт соҳасидаги меҳнати муносиб баҳоланади ва эронлик шоира Фуруғ Фарруҳзод¹ номидаги мукофот билан тақдирланади.

Бир неча ўн йил мобайнида С. Чубакнинг тўртта ҳикоялар тўплами «Хэймэ шаббози» («Қўғирчоқ театри», 1945), «Антари ке лутийаш морде буд» («Эгаси ўлган маймун», 1950), «Рузе аввал қабр» («Қабрда биринчи кун», 1965), «Чероге охер» («Охирги чироқ», 1966), «Тангсирлик қасоскор» (1963) қиссаси, «Тупе ластики» («Резина копток», 1949), «Диди» («Кўпни кўрган», 1965) пьесалари, «Санге сабур» («Сабр тоши», 1967) романи, Фарбий Европа ва Америка адабиётидан таржималари нашр этилди.

Биринчи тўпламидаёқ ҳаётнинг мураккаб масалаларини фалсафий мушоҳада этишга интилиш, «кичкина одам» назиробларига ҳамдардлик, унинг тақдирига ачиниш каби ёзувчи ижодинининг ўзига хос хусусиятлари намоён бўла бошладикки, бундай талқин кейинчалик унинг ижоди йўлини белгилади десак янглишмаймиз. Масалан, «Қўғирчоқ театри» тўпламига кирган «Зире чероғе қермэз» («Қизил чироқ тагида») ҳикоясида ўз инсоний қадр-қимматини, одамгарчиликни оз

бўлсада сақлаб қолган Офоқ ва Жайрон исмли фоҳиша қизнинг ҳаёти тасвирланса, «Пироҳанэ зэрешки» («Қирмизи кўйлак») ҳикоясида мурдашўв (мурда юувчи) аёлларнинг ўликлар устидаги кийимларини талашиб ечиб олиши, уларнинг тилла тишларини суғуриб олиши каби ноинсоний қиёфаси очиб берилади.

Содиқ Чубак ижодида реалистик ва модернистик методдаги асарлар учрайди. Ўрта авлод вакили бўлсада, уни XX аср форс бадий прозасида реалистик методга асос солган С.Жамолзода ва С.Ҳидоятлар билан бир қаторга қўйиш мумкин.

С.Чубак новеллалари тез орада китобхонлар ва танқидчиларнинг эътиборини тортди. Кўпчилик унинг асарларидаги янгича талқинни Фарбий Европдаги адабий оқимлар ва XIX аср охири XX аср бошлари рус беллетристик асарларига тақлид деб баҳолайдилар. Лекин улар Чубак асарларининг фақат ташқи томонларини эътиборга олган ҳолда баҳолашган. Шу ўринда улар Достоевский, Чехов, Мопассан, Золя ва бошқа ёзувчиларнинг номларини ҳам келтириб ўтадилар. Р.Баракани шу мунособат билан: «Чубак соқолини ўстирувдиямки уни Хемингуэй билан солиштира бошладилар, қизил кўйлак кийувдики Генри Шиллер издошига чиқаришди, агар у қўлига ҳасса олганида эди, шубҳасиз, уни Оскар Уайльд деб талқин қилишаган бўлардилар. Агар баъзи ҳикояларида у «онг оқими» намояндалари қўллаган усуллардан фойдаланса, шу заҳоти Донейш Жонс таъсири остида деб таъкидлашади», деган эди.

С.Чубак ўз асарларида Эрон ҳаётининг кенг жабҳаларини тасвирлашга ҳаракат қилмайди, балки маълум бир кичик ижтимоий табақадан чиққан одамлар ва уларнинг ҳаётини тасвирлайди. Унинг 1963 йилда ёзилган «Тангсир» повести ҳам бадий қиммати жиҳатидан ва образларининг оригиналлиги билан барчани эътиборини ўзинга тартади. «Тангсир» повестининг қаҳрамони Муҳаммад оддий деҳқон оиласидан чиққан. Уни барча ҳамқишлоқлари жуда ҳурмат қилишади, Шер Муҳаммад деб эъзозлашади. У ўз оиласига садоқатли,

адолатли, доимо ҳақиқат учун курашади, ўзидан кучсизларни ва ожизларни доимо ҳимоя қилади. Қишлоқда бири икки бўлмагач, ўз ҳаётини ўзгартиришга қарор қилади ва бахтини излаб шаҳарга келади. Бироқ унинг орзу-умидлари сароб бўлиб чиқади. У ёрдам сўраган савдогарлар, дўкондорлар уни қарзга ботиришади. Таҳқир ва хўрликлар, ёлғон ва камситишларга қарши кураш йўлини топа олмагач, Муҳаммад уларни жонига қасд қилиб қасос олиш йўлини тутати. Шу тариқа китобхон кўз ўнгида совуққон, раҳмсиз қасоскор, тўрт кишини ўлдирган қотил образи гавдаланади. Хукумат уни тутиш чораларини кўради. Муҳаммад денгизга қочади. Қаҳрамоннинг кейинги тақдири муаллиф томонидан очиқ қолдирилади.

1967 йили адибнинг «Сабр тоши» романи дунё юзини кўрди ва танқидчилар томонидан турлича, бир-бирига зид талқин этилди. Романнинг номланиши ўз азоб-уқубатларини сабр билан тинглай оладиган тошга бориб айтган одам ҳақидаги машҳур форс эртагидан олинган. Мазкур эртақ Эрондаги энг қадимий эртақлардан бўлиб, айниқса Форс вилояти ва шоирнинг туғилиб ўсган юрти Кермонда кенг тарқалган. Эртақнинг барча вариант-ларида қуйидаги афсун сўзлари бор: «Сабрли тош, сабрли тош, сен сабрлисан ва мен сабрли, ёки сен парчаланиб кетасан ёки мен». Эртақ қаҳрамонлари бу сўзни айтган заҳотлари ёки ҳалок бўладилар, ёки тош майдаланиб кетади ва тош парчасидан бир томчи халоскор қон сизиб чиқади ва қаҳрамонга унинг мақсадлари ва орзуларига эришувига ёрдам беради.

Роман мавзуси эронликлар ва ижтимоий келиб чиқиши «қуйи» табақага мансуб инсонлар ҳаётининг ҳақиқий манзарасини қамраб олган.

Романдаги воқеалар Эронда 30-йиллар ўрталарида реакция авж олган бир пайтда Шерозда бўлиб ўтади. Резо Барахони романи «Сабр тоши» тарихнинг халқимиз тақдиридек қора ҳужжатидир» деб таъкидлаган эди.

Романга ҳужжатли асос бўлган ҳодиса Шерозда ўша вақтларда жамиятни фоҳишалардан ва тери таносил касалликларидан тозалаш учун бу иллат билан

шуғулланадиган шахсларни жисмоний йўқ қилиш керак деган «ғоя»ни илгари сурган «доктор» устидан бўлиб ўтган суд жараёнидир. «Доктор» ўз «ғоя»сини амалда қўллаш мақсадидан унга шубҳали бўлиб кўринган аёлларни ваҳшиёна қийнаб ўлдиради ва кейин ўз уйининг ертўласига кўмиб ташлайди.

«Доктор» Сайфулкалом шунчаки гайритабиий ҳодиса ёки психикаси бузилган шахсгина эмас, балки аслида инсоннинг жамиятдаги яшашига ёрдам бериши лозим бўлган амалда эса инсонга қарши қаратилган тузум ва ҳуқуқий тартиб натижасида шаклланган ижтимоий ва ахлоқий тафаккурнинг ўзига хос бузуқ типи. Бу жиҳатдан у жаҳон адабиётининг нодир намуналаридан бири ҳисобланган «Жиноят ва жазо» (Достоевский) романидаги Раскольниковни эслатади.

Романнинг асосий сюжетига айланган жиноий жараён эпизоди, мураккаб ижтимоий-фалсафий муаммага айлантирилган, қаер-даки жиноятчи, ўз-ўзидан ҳал қилувчи вазифани бажаришдан тўхтайдди, яъни асосий роль ўйнамай қўяди.

Роман марказида умуман инсон ҳаётининг баҳоси муаммоси туради. Инсон ҳаёти ҳоҳ у маҳзун, ғам-ҳасратга тўла, ҳоҳ ночор, фақирона бўлсин, фалаж бўлиб қолган кампирнинг тириклайин йиринглаётган, оч қолган гўдак ёки уни бахтиқаро онасининг ҳаёти мисоли бўлсин ўз қимматига эга.

С.Чубак романдаги бешта асосий ҳаракатланувчи шахснинг нуқтаи назарини, воқеа ривожидан давомида бошқача персонажларнинг луқмалари, тарихий ва мифология реминисценциялар² билан бўлиниб турадиган ички монологларда беш маротаба «қайта баён» қилади. Булар бошланғич мактаб ўқитувчиси бўлиб ишлайдиган виждонли бировнинг дардини ўз дардидай қабул қиладиган, фақирона турмушга кўникиб яшаётган Аҳмад оға; Аҳмад оғанин севгилиси, 12 ёшлигида «меросхўр туғиб берадиган хотин олиш» илинжида совчи қўйган бой савдогарга тўртинчи хотин бўлиб узатилган ва кейинчалик янги туғилган боласи бахтсиз тасодифга учрагани туфайли, эри ва ота-онаси томонидан рад этилган, натижада «доктор»нинг қурбонига айланган

Гавҳар исмли қиз; ногирон кекса хизматчи кампир Жаҳонсултон; бахтсиз ва ночор, эртақлар оламида яшаб умри ўтаётган, Гавҳарнинг беш ёшли ўғли Кокўлзари; юзининг бадбашаралигидан ва гиёҳванд эрининг зулмидан изтироб чекиб яшаётган Билқис.

Романдаги ҳар бир қаҳрамон ҳаёти ё топталган номус, ё гим, ё ожизлик, ёки ёлғоннинг ифодаси сифатида намоён бўлади. Лекин уларнинг барчасини бирлаштириб турган нарса чексиз САБРдир. «Сабр» тушунчаси ёзувчи талқинида фалсафий маъно касб этган. «Сабр тоши» эртақ эмас, шу сабабли бунда оғир синовга тош эмас, инсон дош бериши керак. Роман воқеалари давомида танаси чириб бораётганига ҳам, одамларнинг мазах-қочириқ гапларига ҳам бутун умр чидаб яшаган Жаҳонсултон, диний ақидалар, урф-одатларга сўзсиз итоат қилиб, хўжайинлар томонидан номуси топталишига қарши чиқа олмаган ва охир-оқибат доктор томонидан шўхарланган ёшгина Гавҳар, тилла балиқча ҳақида орзу қилган ва охир-оқибат ховузга чўккан Кокўлзари барчаси одамдан кўз юмадилар. Хуллас, инсон сабр-тоқатининг чегараси, яъни унинг сабр косаси тўлишига сабаб бўлган ижтимоий-тарихий шароит, ниҳоят унга боғлиқ ҳолда инсон сабрининг «портлаши» мотиви асарнинг бош ғоясини белгилайди.

Содиқ Чубак нафақат бадиий асарлар ижодкори, балки Ғарбий Европа ва Америка адиблари асарларининг моҳир таржимони сифатида ҳам машҳурдир. Шунингдек, унинг асарлари ҳам чет тилларига ўтирилган.

Изоҳлар

1 Фуруғ Фаррухзод- «Шеъри ноу» йўналишидаги лирикаси билан машҳур.

2 Реминисценция - бадиий ёки мусиқий асарда бошқа бир кинчи ижодининг акс этиши, таъсири.

Жалол Оле Аҳмад (1923-1969)

Жалол Оле Аҳмад 1923 йили руҳоний оиласида дунёга келган. Бошланғич таълимни тугатгач, политехника ўрта махсус ўқув юртининг кечки курсига ёзилади. У кечқурунлари ўқиш, кундузлари соатсозлик, электрик каби ишлар билан шуғулланган. 1943 йили ўрта мактабни, 1946 йили эса педагогика институтининг адабиёт факультетини тугатди, мактабда ўқитувчилик қила бошлади.

1943 йили «Ғайри шаръий мотам» китобини араб тилидан форсийга ўгиради. «Студентлар дунёси» журналида маъсул котиб, «Халқ» журналида муҳаррирлик қилди. Таржима ва этнографияга оид илмий-оммабоп китоблар ёзган.

Адабиёт оламида Жалол Оле Аҳмад «Зейорат» («Расмий ташриф», 1945), «Аз ранжи ке мибарим» («Биз тортаётган азоблар», 1946), «Сетор» (1949), «Зане зийоди» («Зиёдийнинг аёли», 1952) ҳикоялар тўплами, «Сарғузаште кандуҳо» («Асаларилар сарғузашти», 1954), «Мўдире мадрасе» («Мактаб директори», 1958), «Нун ул-қалам» («Қалам билан ёзилган», 1961), «Нэфрине замин» («Замин лаънати» 1967) каби қиссалар ва «Ғарбзадеги» («Ғарбга сажда қилувчилар», 1962) мақолалар тўпламининг муаллифи сифатида машҳур.

1954 йилдан бошлаб ёзилган барча асарларида адибнинг мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий аҳволга бефарқ эмаслиги сезилади. Ҳақиқий аҳволни билгани сайин ўзи ишонч билан қараган Эрон Халқ партиясидан ҳафсаласи пир бўлади.

Аксарият асарларида Жалол Оле Аҳмад мажозий образлар орқали давлат ва унинг сиёсатига муносабат билдиради. Масалан, «Асаларилар сарғузашти» қиссаси Ғарб цивилизацияси сиқиб чиқараётган халқнинг асл маданияти ривожланган илк даврига қайтиш истаги ғояси билан суғорилган. Асарда асалари тўдаси ва уларнинг хўжайини мисолида Эрон халқи бойликларига эгалик қилаётганлар ва хорижий нефть компаниялари ўртасидаги муносабатини кўрсатмоқчи бўлган. Бироқ ёзувчи қўллаган усул

муваффақиятсиз чиққан. Асар кўпроқ оломоннинг кўзголон кўтаришини, халқнинг ўтмишга қайтишини орзу қилган муаллиф фикрларининг эртакнамо ифодасига ўхшаб қолган.

«Нун ул-қалам», «Нэфрине замин» қиссалари ва «Гарбзадеги» тўпламига кирган мақолаларида ҳам шу тариқа ендашув сақланиб қолган.

Сиёсий мушоҳадалари асосида Жалол Оле Аҳмад иккинчи Жаҳон урушидан сўнг Эрондаги сўл кучлар ҳаракати нега ғалаба қозонолмаганини таҳлил қилишга ҳаракат қилган. Ҳукумат тазйиқидан қочиш мақсадида муаллиф «Нун ул-қалам» қиссасидаги воқеаларни қадим намонларга кўчирган.

«Нун ул-қалам» қиссаси Мирзо Асадулло ва Мирзо Абдулза-кий исмли котиблар ҳақида бўлиб, муқаддима, етти қисм ва хотимадан иборат. Муқаддимада бир чўпоннинг сиёсат билан қизиқишнинг салбий оқибатларга олиб боришига ишора қилувчи панд-насихат руҳидаги ҳикояси берилади. Бу гоё асарнинг асосий етти қисмида давом эттирилган. Асардаги воқеалар XVII аср, яъни Сафавийлар ҳукмронлик қилган даврда содир бўлади.

Қиссада ёлгончи дарвишлар, уларнинг ақидапарастлик гоялари ҳам танқид остига олинади. Дарвешлар ёлгон наъдалар билан ҳокимият тепасига чиқиб оладилар, сўнг эса эски сиёсатни яна давом эттирадилар, одамларнинг бор-будини тортиб оладилар. Бироқ бу узоққа чўзилмайди. Халқ порозилигининг кучайиши, давлат бошқарувида аниқ дастурнинг йўқлиги, олдинги ҳукуматнинг полиция хизматининг сайъи-ҳаракатлари билан дарвешлар мамлакатдан ҳайдаб чиқарилади. Ғоявий ҳаммаслак бўлсада, Мирзо Асадулло улар билан бирга қочмайди, балки ўз тазйиқоди гоёси йўлида қурбон бўлишни афзал кўради.

Асарда жуда кўплаб персонажлар иштирок этсада, уларнинг аксарияти тўла очилмаган. Жалол Оле Аҳмаднинг фикрича жамиятда комил инсон фақат ўтмишда бўлган, билажакда бўлиши мумкин эмас. Ва худди ана шу фикр

адибнинг асарларига ҳам сингдирилган. Муаллиф жамиятдаги зиддиятларни кучли бир шахсгина еча олиши мумкин, деб ҳисоблайди.

«Ғарбга сажда қилувчилар» китобида ҳам адибнинг бири-бирига зид фикрлари берилади. Масалан, муаллиф бир томондан, мамлакат индустриясини кўтариш лозимлиги ҳақида қайғуриб гапирса, иккинчи томондан, Ғарбга қарам бўлмаслик, ўтмишга қайтиш керак деган фикрни илгари суради.

Бироқ адибнинг сиёсий қарашлари бадиий асарларидан кўра мақолаларида кучли намоён бўлганлигини эътироф этиш керак.

Жалол Оле Аҳмад энг аввало ўзининг бетакрор услуби билан эътиборга лойиқдир. Ёзувчи асарларининг тили жуда ўзига хос ва бетакрор бўлиб, мазмундаги камчиликни тўлдиради.

«Мўдире мадрасе» («Мактаб директори»), «Пирмард чешме мо буд» («Қария бизнинг кўзимиз эди»), «Жашне фархонде» («Бахтли шодиёна») каби асарларида замонавий тил шаклини такомиллаштирди. У адабий тилни жаргон ва вулгаризмлардан холи соф сўзлашув усулбига яқинлаштирди. Масалан, «Пирмард чешме мо буд» очерки атоқли шоир, «шеъри ноу» оқимининг асосчиси Нимо Юшиж, унинг ўлими (муаллиф ўзи гувоҳи бўлган) ҳақида бўлиб, лирик ҳикояни эслатади.

Жалол Оле Аҳмаднинг энг машҳур асари шубҳасиз «Мўдире мадрасе» қиссасидир. Асар 1953 йилги давлат тўнтаришидан кейин умидлари пучга чиққан зиёлилар ҳақида. Асар қаҳрамони иложи борича бу тўполонлардан нарироқ юришга, тинч бир жой топиб осуда ҳаёт кечиришга интилади. Бироқ асар қаҳрамонлари орасида озодлигидан айрилса-да, ўз эътиқодига содиқ қоладиган персонажлар ҳам учрайди.

«Мўдире мадрасе» бош қаҳрамоннинг кундаликларини шаклида бўлиб, бошқа персонажлар ҳақида ҳам унинг кундаликлари орқали билиб оламиз.

Ж.Аҳмаднинг сўнги тўплами «Панж дoston» («Беш ҳикоя») унинг ўлимидан сўнг 1971 йили чоп этилган бўлиб, адибнинг болалик йилларига бағишланган. Тўпلامга киритилган «Жашнэ фархондэ» («Бахтли шодиёна»), «Хоҳарам ва анкабут» («Опам ва ўргимчак»), «Гўлдастехо ва фалаки» («Минора панжараси ва фалак») ҳикояларни ёзувчи ижодининг камолга етган етук даври маҳсули сифатида баҳолаш мумкин.

«Бахтли шодиёна» ҳикоясида бош қаҳрамон болакайнинг ота-онасига аёлларнинг озод этилишига бағишланган байрамга таклифнома келиши муносабати билан уйда ғалаговур бошланиши ва бўлаётган воқеаларга ақли етмай ҳайрон қолган боланинг ички кечинмалари тасвирланса, «Опам ва ўргимчак» ҳикоясида хафақон касалига чалинган опасини кўриб, изтироб чекаётган боланинг бемор ётган хона шипида ин қурган қора ўргимчакка қараб даҳшатли хаёлларга берилиши кўрсатилади.

Ҳикояларда беғубор болалар кўзи билан дунёга назар солган инсон қиёфаси гавдаланди.

Бевақт ўлим уни эрта олиб кетган бўлсада, Жалол Оле Аҳмад публицистика, болалар адабиёти, ҳикоянависиликда ўз овози ва услубига эга ижодкор сифатида танилди.

Иброҳим Гулистон (1922)

Иброҳим Гулистон 1922 йили Шерозда дунёга келган. Ўрта ва махсус таълимни тугатгач, миллий нефть компаниясида ишлай бошлайди. Давлат ва ижодий фаолиятини бир вақтда олиб боради. Мамлакатдаги энг машхур ва йирик кинофирма эгаси.

Иброҳим Гулистон узоқ йиллар давомида америка адабиёти, хусусан, У. Фолкнер, Э.Хемингуэй асарларининг таржимаси билан шуғулланди. Шу сабали бўлса керак, унинг асарларида Ғарбда кенг ривожланган онг оқими¹ шаклидан фойдаланганлиги кўзга ташланади. Адибнинг биринчи ҳикоялар тўплами «Озар моҳе охере поиз» («Озар кузнинг сўнги оyi», 1949) ва унинг кетидан чоп этилган «Шекор сойе» («Соя кетидан ов», 1955) тўпламига киритган ҳикояларида Фолкнер қўллаган бадий усуллардан фойдаланади. Ижодий услуби ҳақида ёзувчининг ўзи бундай дейди: «Мен учун энг муҳими бу шакл. Ижодимнинг бошланишидаёқ мен бу нуқтаи назарда қатъий турганман. Агар ҳикоянинг шакли муваффақиятли бўлса, мазмуни ҳоҳ у коммунистик, фашизм, католик ёки империалистик бўлсин, ҳеч қандай рол ўйнамайди».² Тўпلامдаги ҳикоялардан анъанавий баёнчилик услубидан тамомила фарқ қилувчи услуб қўлланилган. Воқеалар содир бўлган вақт, макон ва замон аниқ кўрсатилмайди. Унинг қаҳрамонлари реал ҳаётда, реал маконда эмас, балки тасаввурдаги макон ва замонда яшайдилар.

Иброҳим Гулистоннинг энг сара ҳикоялари 60-70 йилларда ёзилди. Унинг дастлабки ҳикоялари қаҳрамонлари жамиятда ўз ўрнини топишга интилаётган зиёлилар бўлса, 60-йилларнинг бошларида бир қатор мавзу жиҳатдан тамомила илгариги ҳикояларидан фарқ қилувчи ҳикоялар ва образлар яратди.

Масалан, «Мўсофероте Эсмат» («Эсматнинг мусофирлиги») ҳикоясининг қаҳрамони фоҳиша аёл, фоҳишахонадаги бир воқеадан кейин ўз хатти-ҳаракатларини мушоҳада этиб, тавба қилишга ва бу йўлдан қайтишга қарор қилади. У муқаддас зиёратгоҳга бориб илтижо қилади. Шу ерда у бир Саид билан учрашади ва ингитдан ҳаёт бошлайди.

Шунингдек, 1967 йили «Жуй, дивор, тэшнэ» («Ариқ, дивор ва ташна») ҳикоялар тўплами, 1969 йили «Мадд-ўмаҳ» («Сувнинг кўтарилиши ва туман») ҳикоялар тўплами, «Аз рохе рафте ва рафтор» («Ўтганлар ва юриш-туриши юзасидан», 1968») қиссаси нашр этилди.

1974 йили унинг «Асрорэ ганже дарейе женни» («Жин дара хазинаси сирлари») романи нашр этилди. Асар катта-кичик ҳажмдаги алоҳида сюжетга эга қисмлардан ташкил топган. Бу қисмларни худди «Минг бир кеча» эртақларидаги сингари, ўз еридан хазина топиб олган деҳқон ҳақидаги қолипловчи ҳикоя бирлаштириб туради.

Барча воқеалар мамлакатда содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий воқеалар асосига қурилган бўлиб, булар рамзлар орқали ифодаланган. Хазина орқали нефть, унга интилувчилар сиймосида турли лавозимларда ишлаётган ҳукумат вакилларидан бошлаб оддий деҳқонгача бўлган катта бир «жамият» назарда тутилади.

Хазина сирини билиш учун ҳеч нарсадан тап тортмайдиган асар қаҳрамонлари охир-оқибат хазина бекитилган водийни топадилар. Деҳқонлар-у савдогарлар, подир буюмлар йиғувчилар-у, олиб-сотарлар барча бири-бирдан ўзиб, хазинага интиладилар. Бу пайтда йўлсозлар водийга элтувчи йўлни таъмирлаш ишларини бошлаб қўйган эдилар. Умумий тўс-тўполон туфайли йўл бузилиб кетади ва хазина кўмилган жойни қоплаб олади.

Роман ўзига хос сиёсий сатирадир. Гулистон ушбу асарини экранлаштиради. Шоҳ яккаҳокимлиги тугатилгунга қадар фильм намойиши таъқиқланади.

Изоҳлар

1. «Онг оқими» (илк бор мазкур истилоҳ У.Жеймсининг «Психология асослари» китобида қўлланилган, 1980). Ж.Жойсининг «Улисс» (1922) романида ижодий мазмун каб этди истилоҳи гарб ва рус адабиётшунос-лигида кенг қўлланилиб, модернизм, неомодернизм ва унинг ҳар хил кўринишлари адабий концепциясини ифода этади. У қаҳрамоннинг маънавий дунёсини очувчи ички монологи, у персонаж мияси, ақл, идрокининг фаолияти, ҳаракати сифатида мавжуд бўлган диалектик ҳодиса, ана шу диалектик ҳодиса жараёнининг бадиий ифодаси ва мазкур бадиий ифода ёхуд бадиий тасвир орқали юзага келган адабиёт, адабий оқим, адабий йўналишдир. Адабиётшунослик учун муҳими инсон миясининг фаолияти бўлмиш онг оқимининг бадиий ифодаси, тафаккур ҳаракати жараёнининг бадиий тасвири ва унинг натижасидир (Бу ҳақда тўлиқ маълумот олиш учун қаранг: «Эстетика Теория литературы Энциклопедический словарь терминов». -Москва, Астрель АСТ, 2003, с.312; Жўраев Т.С. Онг оқими ва тасвирийлик... фил. ф. ном. даражасини олиш учун ёзилган кандидат дис. автореф. -Т., 1994, саҳ.8-9.)

2 Изоҳ: Иқтибос История персидской литературы XIX-XX веков. (с.354), китобидан олинди.

Ираж Пезешкзод (1927)

XX асрнинг иккинчи ярмида Эрон ижтимоий-сиёсий ҳаёти муҳим воқеаларга бой бўлди. Ишчилар, деҳқонлар, интеллигентлар ва миллий бужуазия вакиллари Эрон нефть саноатини Англия, Америка ва Франция каби давлатларнинг индустриаллашувига қарши кўрсатишга қаршилик қилди. 1950 йилда мамлакатда ташкил этилган Тинчлик Жамиятига адабиётшунос олим, жамоат арбоби Малик уш-шуаро Баҳор бошчилигида қилди. Жамият аъзоларининг асосий мақсади миллий мустақилликка эришиш учун кураш эди. Бу кураш адабий жараённинг ҳам фаоллашувига туртки бўлди. Ёзувчилар томонидан давр руҳини ақс эттирувчи журнал, газета, брошюра, памфлет ва сиёсий, сатирик мазмундаги насрий асарлар нашр этила бошланди. Улар мамлакатга сукулиб кириб олган ва давлат сиёсатига таъсир ўтказишга ҳаракат қилаётган чет элликлар фаолияти ва Ризо шоҳ олиб бораётган нобоп бошқарув тизимига қарши ўзларининг ўткир сатирик асарлари билан чиқдилар. Шундай ёзувчилардан бири 1927 йилда таваллуд топган Ираж Пезешкзод ҳисобланади. У узоқ йиллар давомида Эроннинг хориждаги маданият марказларида фаолият юритган, 1979 йилда нафақага чиққач, бадиий ижод билан шуғулланган. Пезешкзод «Мошооллохон дар дарборе Хорун ар-Рашид» («Мошооллохон Хорун ар Рашид саройида») ҳажвий-фантастик асар муаллифи ҳамда педагогика ва этикага оид бир қанча китоблар яратган. Ризо шоҳ давридаги ижтимоий тузумга пародия сифатида яратилган «Доижон Наполеон»¹ («Тоғажон Наполеон») романи ҳам Пезешкзод қаламига мансубдир.

«Тоғажон Наполеон» романидаги асосий воқеалар битта оила доирасида бўлиб ўтади. Унда турли тақдирлар, бир-биридан кескин фарқ қиладиган сюжет чизиқлари кам учрайди. Барча воқеалар 13-14 ёшли болакай (унинг исми тилга олинмайди) тилидан ҳикоя қилинади. Романда уч авлод: ўсмирлар, ўрта ёшлилар ва кексалар ҳаёти тасвирланади.

Бу учала авлод илдизи бир яъни уларнинг барчаси «Наполеон» тоғанинг ука-сингиллари ва уларнинг фарзандларидир. Роман ҳажвий йўналишда бўлиб, кулгилли воқеаларга бой.

Романда 40-йилларнинг бошларида Техронда рўй берган воқеа-ҳодисалар қаламга олинган. Муаллиф ўрта табақага мансуб катта оила аъзоларининг кўрган-кечирганларини, улар тақдирида жамият фожеасини акс эттиради.

Асарнинг асосий қаҳрамони захирадаги прапоршчик, миясига «Мен қувгиндаги буюк саркарда Наполеонман» деган фикрни қуйиб олган, руҳий касал инсон «тоға»дир. У ўн меҳнат фаолият-тини Муҳаммад Алишоҳ² жандармериясида хизмат қилиш билан бошлаган.

Лекин ҳамма уни эшитишга мажбур. Чунки у «оила бошлиғи», «авлод отахони». Унинг фикри зикри «ярама синглилар», уларнинг айғоқчилари ва жосуслари билан кураш, жанг хотиралари ҳақидаги хаёлот билан банд. Ёзувчи «тоға» характерига хос эътиборга молик бирор-бир бошқа хусусиятни кўрсатмайди. Наполеон Бонапартга тақлид қилиш ва жанг ҳақидаги тасаввурлари охир оқибат тоғанинг ақлдан озишига олиб келади. Руҳий касалликнинг тобора зўрайиб бориб «ақлдан озиш»- у *хаёлан бино қилган ҳаётнинг* сароб эканлиги белгисидир.

Наполеон тоғанинг эса бир гуруҳ жамиятга ҳеч қандай нафи тегмайдиган, лаганбардор, айш-ишрат ва меҳмондорчиликларга муккасидан кетган, ҳасадгўй, маънавий қашшоқ инсонлар тўдасидир. Улар шахсий манфаатлари йўлида нафақат бир-бирини, балки ўзларини ўзлари алдайдилар. Ёзувчи уларнинг яшаш шароити, турар жойи тасвири билан биқик, ташқи муҳитдан узилган бир манзарани чизади. Бирор киши ташқаридан ногоҳ бу оилага аралашиб қолса, албатта нимадир содир бўлади.

Наполеон тоғанинг Қамар исмли жияни бўлиб, ақлан заиф эди. Оиладагилар Қамарнинг ҳомиладор эканлигидан хабар топишади. Шунда улар вақтинчалик никоҳга рози

бўладиган лақмароқ йигитни топиш ва «оила шаънини» сақлаб қолиш мақсадида Практикан Гиёсободийга мурожаат этишади. Практикан Гиёсободий-оддий, тоғанинг оиласи назарида «паст табақадан» чиққан, полиция маҳкамасида югурдак бўлиб юрган одам. Катта пул ва ҳадялар билан Қамарга уйланишга рози қилишади. Никоҳ шартномаси тузилади. Кейинчалик, Қамар аслида Практикандан ҳомила орттиргани аён бўлади. Практикан Қамарнинг лақмалигидан фойдаланиб, катта мулк эгасига айланади. Ёзувчи Практикан Гиёсободий орқали бу оиладагилардан ҳам пийёрроқ, манфаат-параст ва манфур инсон образини тасвирлайди.

Роман сюжетига динамика бағишловчи бирдан-бир образ Асадулло мирзодир. Бироқ у ҳам кўнгилочар томошаларнинг ва аёлларнинг ашаддий ишқибози, бир сўз билан айтганда «Донжуан». У барча чигалликлар, боши берк кўчадан чиқиб кетишнинг ягона йўли «Сан-Францискога саёҳат»³- дейди. У деярли ҳар икки гапининг бирида бу иборани ишлатади.

Ираж Пезешкзод китобхонни бу инсонлар яшаб турган муҳит ва улар содир этаётган хатти-ҳаракатлар охири инқироз билан тугашига ишонтира олган. Асарга бу инқирознинг рамзи сифатида қора кийимли хонум образи киритилган. У воқеалар давомида аҳён-аҳёнда пайдо бўлади ва доим қора кийимда, азадор ҳолатда, мотамсаро бир алфозда оилага кириб келади ва албатта бирор-бир олийнасаб, «юқори мартабали шахс»нинг *вафоти* ҳақидаги хабарни келтиради. Ёзувчи шоҳлик тузумини инқирозга олиб келаётган кенг кўламли воқеа-ҳодисаларни тасвирлашдан асло йироқ. Бироқ ёзувчининг ўткир қалами «Наполеон» бошчилигидаги «микрожамият» (яъни унинг оиласи - С.С.)даги тифсилотлар орқали катта воқеаларга муносабат билдиради.

Воқеалар давомида унинг ёнида доим содиқ қули Маш Қосим⁴ ҳамроҳлик қилади. Маш Қосим кўп жиҳатдан Дон Кихотнинг содиқ қули Санчони эслатади. У ўз хўжасига чин дилдан ачинади. Хўжаси жанг хотираларини тўлқинланиб

гапираётганда доим унга тўлдиришлар киритиб, унинг гапларини тасдиқлаб туради. Ўзи ҳам умри бино бўлиб кўрмаган жанглар иштирокчисига айланади. Наполеон тоғанинг руҳий касаллиги шу даражада зуъраядики, у Маш Қосимни ҳам жосус ҳисоблаб, ўлдириб қўйишига бир баҳр қолади. Тоға жон талвасасида ётганида, Маш Қосимга мерос сифатида ер қолдиради. Бироқ, тоғанинг ўлими унинг учун оғир зарба бўлди. Маш Қосим, хўжасининг ўлиmidан кейин дом-дараксиз йўқолади. Орадан йиллар ўтиб ҳикоячимиз уни ногоҳ бир базмда (базм эгаси Маш Қосим эканлигини кейинроқ билади) учратиб қолади. Энди у бой-бадавлат, бироқ анча кексайган. Атрофдагилар унга «Жаноб Генерал» дея мурожаат этишарди. Энди у ҳам тоға сингари атрофига ёш-яланглари тўплаб олиб, жанг хотиралари, инглизларни бўлган нафрат ва адоватини ҳикоя қиларди. Тоғанинг тақдирини гўёки унинг ҳаёт йўлида такрорланаёт-гандек эди.

«Тоғажон Наполеон» романи осон ўқилади. Асарда халқ оғзаки ижодига хос юмор, эркин фикр юритиш услуби яққол сезилади. Қаҳрамонлар суҳбати давомида Саъдий, Ҳофиз сингари мумтоз шоирлар ғазалларидан мисралар, мақол ва ибратли нақллардан фойдаланадилар. Шунингдек, «Шоҳнома» қаҳрамонлари (Рустам-нинг ўғли - Суҳроб, тулпори Рахш) ҳам ташбеҳ сифатида ишла-тилади.

Асар кулгили сюжетларга бой. Бироқ кулгили диалоглар, киноя ва қочиримлар замирида Ватан тақдиридан безовта муаллифнинг аччиқ ва қайгули ўйлари ётади. Воқеалар ечими Наполеон тоғанинг руҳий касаллик ва юрак хуружидан вафот этиши билан якун топади. Унинг ўлими ўша даврда Эронда умри тугаётган қолоқ ижтимоий тузумнинг рамзий ифодасидир. Романда ёзувчининг жамиятга муносабати, унинг равнақига тўғаноқ бўлаётганларга берган баҳоси, Наполеон тоғанинг қисмати орқали тасвирланади. Ёзувчи юқорида таъкидлаганимиздек, воқеа тафсилотларини 13-14 ёшлар чамасидаги болакай тилидан ҳикоя қилади. Роман «Жазирама ёз куни, аниқроғи

- мўрдод^бнинг ўн учинчисида, тахминан чоракам учда мен... севиб қолдим» деган сўзлар билан бошланади. Болакай - севги аталмиш илоҳий ҳисга (гарчи унинг атрофдагиларига бу ҳис бегона бўлса ҳам - С.С.) илк бора дуч келган, унинг қаршисида бироз довдираган «Мажнун». У бу ҳиснинг асл моҳияти нимада, деган саволга жавоб излайди:

«Девордаги соат ўн иккига занг чалди. Эй, худо, ярим тун, мен ҳали ҳам уйғоқман! Эсимни танибманки, бу соат шу деворда осиглиқ туради, бироқ биринчи марта унинг занг чалишини эшитдим... Ҳақиқатан севиб қолдимми йўқми, бир фикрга келолганимча йўқ, лекин ҳозирданоқ қўрқув вужудимни қамраб олмоқда. Чунки менга маълум барча севги қиссалари фожеа билан тугаган. Лайли ва Мажнун-ўлим! Ширин ва Фарҳод ўлим! Ромео ва Жульетта ўлим! Поль ва Виргиния ўлим! Ҳатто анув газетадаги воқеа ҳам ўлим билан якун топган».

Қарама-қарши ҳис-туйғулар гирдобида туғилган севги, воқеалар силсиласида ўсиб, чинакам муҳаббатга айланади. Унинг муҳаббати ҳар қандай шахвоний мақсадлардан йироқ, пок ва самимийдир. Лайли ва болакайнинг оталари бир-бирлари билан ўзаро нифоқдалиги уни изтиробга солади. Улар бир-бирларидан ўч олиш, бир-бирларига зарар етказиш учун ҳар қандай разилликдан тап тортмайдилар. Болакайнинг отаси Наполеон тоғанинг ақли хиралашганидан фойдаланиб, англиз жосуслари ҳақидаги бўлмағур гаплар билан уни қўрқитади. Оиладагилар «тубанлашган» сари болакай «ўса боради». Болакай баъзан муаммолар гирдобида ёлғиз қолса, маслаҳатлашиш учун Асадулла мирзо ва Маш Қосимга мурожаат қилади. Бироқ улар имкон борича ёрдам беришса-да, у барибир ўзини ёлғиз ҳис қилади. Атрофида қодир бўлаётган ҳодисаларга сезиларли таъсир ўтказишга қодир эмас, у фақат кузатади, мушоҳада қилади ва хулоса чиқаради. Болакайнинг севгиси ҳам айрилиқ билан тугайди. Севгилиси Лайли отасининг (яъни Наполеон тоғанинг) васиятига кўра, амакисининг ўғлига турмушга чиқади.

Қаҳрамонимиз (болакай - С.С.) учун бу айрилиқ ниҳоятда оғир кечади ва у ғамлардан биров йироқлашиш мақсадида Европага кетади.

Асарда болакайнинг исми бирор маротаба тилга олинмайди. Бу образ янги куч, умри тугаётган тузум ўрнига етилиб келаётган ёш, навқирон куч рамзи сифатида намоён бўлади. Бироқ тоғанинг ўлими бу қоқоқликнинг узил-кесил инқирози дегани эмас. Унинг ўрнига болакай билан бир қаторда хотинининг қариндошларини талон-тарож қилиб, бойлик орттирган Практикан Фиёсободий, ўзига Ҳарбий Генерал ниқобини илиб олган собиқ хизматкор Маш Қосим сингарилар ҳам етишиб чиқдилар.

Асарда қаҳрамонлар психологияси, асосан диалогларда, асар мазмуни эса хатти-ҳаракатлар, суҳбатлар орқали очиб берилади. Яъни қаҳрамонлар руҳий ҳолати муаллиф томонидан таҳлил этилмайди. Асар қаҳрамонларининг ташқи кўринишлар ҳам ҳикоячи (болакай - С.С.) тилидан тасвирланади.

Романда ёзувчининг ўзига хос ҳажвий реалистик тасвир услуби яққол кўзга ташланади. Қаҳрамонларнинг баъзиларини исмсиз ёки лақаб билан (Олижаноб Офицер, Муносиб Одам, Олийнасаб Хоним, Тартибли оила бошлиғи, Полковник ва б.) тилга олиниши Эрон романчилигида кам учрайди.

«Наполеон тоғажон» асари 70-йилларда ёзилган ҳажвий-реалистик романнинг ажойиб намунасидир. Ёзувчи сюжетни ўзи яшаб турган даврдан анча бурун бўлиб ўтган воқеалар заминида шакллантирган бўлса-да, унга ўз даврининг ҳам салбий томонларини моҳирлик билан сингдира олган.

Асарни ўқир эканмиз, бир томондан ўз ўтмиши билан кулиб хайрлашаётган Эрон кишиси, иккинчи томондан, бу аччиқ кулги замирида ватан келажаги учун қайғураётган зиёли инсоннинг (ёзувчининг - С.С.) яширин кўз ёшларини ҳис қиламиз.

Изоҳлар

1. Пезешкзод Ираж. Доижон Наполеон. -Техрон, 1972.
2. Изоҳ: Иухаммад Алишоҳ 1905-1911 йиллардаги Эрон инқилобига қарши бўлган кучларни бошқарган. Аксилинқилобий тўнтаришлар унинг номи билан боғлиқ.
3. «Сан-Францискога саёҳат» - ибораси орқали интим муносабат назарда тутилади.
4. Маш Қосим Машҳадий Қосимнинг қисқартирилган оғзаки нутқдаги шакли.
5. Мўрдод - Эрон қуёш йилининг бешинчи оyi (23 июлдан-23 августгача)

Хусрав Шоҳоний (1930-2000)

Хусрав Шоҳоний Шарқ ҳам Эрон адабиётида ҳажвий асарлари билан машҳур адиблардан ҳисобланади. Хусрав Шоҳоний 1930 йил 2-январда Машҳадда туғилган.

Адиб 1958 йилдан бошлаб Техронда чоп этиладиган «Роушанфекр», «Хонданиҳо», «Сепид-ӯ сиёҳ» ва бошқа журнал-ларда ўз ҳикоялари билан танила бошлайди. 1977 йилгача «Хонданиҳо» журналининг сатира ва юмор бўлимини бошқаради. Бу давр мобайнида ёзувчининг Намадмоли тахаллуси остида қатор ҳажвий фелъетон ва ҳикоялари чоп этилади.

Шоҳоний давлат идораларида ҳукм сураётган қоғозбозлик, сансалорлик, лаганбардорлик, ахлоқсизлик каби ярамас иллатларни аччиқ танқид остига олади.

Масалан, унинг «Ҳамқасамхо» («Ошно-огайнилар») ҳикоясида «жамоат тартибини назорат қилувчи» полиция нозири тасодифий танишларини «шубҳали» бир уйга олиб келади. Қарасаки, полиция бошлиғи ва унинг ўртоқлари юстиция бўлим бошлиғи, гиёҳвандликка қарши кураш бўлими бошлиғи тўпланиб олиб, гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиб ўтиришар эди. Ёзувчи нима демоқчи? Демак, қонун ҳимоячиларининг ўзи жиноятчи! Шоҳоний ҳикояларининг аксарият қаҳрамонлари полиция нозирлари ва жандармлардир. «Бод» («Шамол»), «Саддэ Баларуд» («Болоруд тўғони»), «Арақе мэллий», «Жосус» номли ҳикояларида ахлоқ, разил, инсоний қиёфасини йўқотган тошмехр полиция нозирларининг хатти-ҳаракатлари қаламга олинади.

Хусрав Шоҳоний нафақат Эронда, балки хорижда ҳам ўз ўқувчиларини топа олган истеъдодли ёзувчи сифатида қадрланади.

Симин Донэшвар (1921 йили туғилган)

Симин Донэшвар 1921 йили Шерозда туғилган. У машхур эрон ёзувчиси Жалол Оле Аҳмаднинг турмуш ўртоғи. Симин бошланғич ва ўрта мактабни Шерозда тугатади. Сўнгра Техрондаги адабиёт институтида ўқийди. У форс адабиёти бўйича докторлик даража-сини олгунга қадар таҳсилини давом эттиради.

Таҳсилни тугатгач, дастлаб Техрондаги ўрта мактабда, кейин-чалик Техрон университетида ўқитувчилик қила бошлади. Доцент, профессор илмий даражасини олган, эстетика кафедраси мудури лавозимида ишлаган. Педагогик фаолиятини ижодий фаолият билан бирга олиб борган.

Симин Донешвар «Нақшлар ва расмлар» журналида маъсул котиб, бош муҳаррир каби вазифаларда ишлаган.

Донешвар «Оташэ хомуш» («Ўчган олов», 1948), «Шаҳри чун беҳэшт» («Жаннат монанд шаҳар», 1961), «Бе ки салом кунам» («Кимга салом берай») ҳикоялар тўплами ва «Савушун» (1969) романининг муаллифи.

Симин Донешвар моҳир мутаржим ҳамдир. А.Чехов, Вернард Шоу асарларини, африка ёзувчилари асарларини форс тилига ўгирган.

Симин Донешварнинг 1970 йили чоп этилган «Савушун» романи энг ўқишли эрон романларидан ҳисобланади. Романда Иккинчи жаҳон уруши йилларида Эронда рўй берган воқеалар, хусусан Резошоҳнинг тахтдан воз кечишидан кейин мамлакатда авж олган демократик ҳаракатлар қаламга олинган. Инглиз ҳарбийлари ўрнашиб олган жанубий вилоятларда деҳқонлар оммаси оч-наҳор яшаган ҳолда, инглиз ҳарбийлари ҳеч қандай қийинчиликсиз озик-овқат тахираларини қурол-яроққа алмаштириб олардилар. Кўчманчи қабилалар бу қурол-яроқларни сотиб олиб, ўзаро қиргин-барот урушларни авж олдирардилар. Романдаги воқеалар шундай вилоятлардан бирида бўлиб ўтади. Роман қаҳрамони Юсуф ўз ҳамюртларининг ишончига сазовор

бўлган, адолатли, мард, халқ ҳимоячисининг романтик образи. У ноҳақлик қурбонига айланади ва умри завола топади. Унинг дафн маросими халқ намоёишига айланиб кетади. Халқ ўз қаҳрамонининг ҳалокатига мотам тутади. Асардаги бу сахна Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сидаги Сиявушнинг ноҳақ қатл этилиши ва унинг ўлими туфайли оддий халқнинг қаттиқ қайғуга ботиши сахнасини эслатади. (Роман Сиявушнинг ёдга олиш кунини «Савушун» деб номланган).

Романда Юсуф ва унинг хотини орқали адолатсиз губернатор-лар, тухматчилар, сафсатабоз сиёсатчилар, инглиз жосусларига қарши бош кўтарган ватанпарвар инсонлар образи тасвирланади.

Муаллиф қаҳрамонлар характерини очишда туш, афсона, ибратли нақллардан ҳам фойдаланган. Бир сўз билан айтганда, «Савушун» замонавий Сиявуш ҳақидаги реалистик услубда ёзилган романдир.

Тақи Мўдаррисӣ (1932-1997)

Тақи Мўдаррисий 1932 йили Техронда таваллуд топган. Бошланғич ва ўрта таълимни шу ерда олгач, Техрон тиббиёт институтини тамомлайди. Шундан сўнг Мўдаррисий Америкага кетади, у ерда америкалик аёлга уйланади ва врач сифатида фаолият юритади. Бир неча бор Эронга келиб-кетади, бироқ умрининг охиригача Америкада истиқомат қилган.

«Якўлиё ва танҳойие у» («Якўлиё ва унинг ёлғизлиги») номли биринчи романини 1955 йили тиббиёт институтида таҳсил олиб юрган пайтларида ёзди. «Сўхан» журнали бу романни йилнинг энг яхши романи деб топди, муаллиф эса таниқли эрон ёзувчилари сафига қўшилди.

Эрон танқидчиларининг фикрига кўра, романининг машҳур бўлиб кетишига, унинг тилининг эмоционал бўёқдорлиги, баённинг ёрқинлиги, композицион жиҳатдан баркамоллиги сабабдир. Асар тили ўрта асрлар мумтоз адабиёти тилини эслатади. «Якўлия» саҳифалари кундалик турмуш ташвишларидан чарчаган китобхонни биров бўлсада камларини, чарчоқларини унитишга ёрдам беради. Асар мазмуни инжил сюжетлари, фалсафий мушоҳадалар, афсонавий ривоятлар билан бойитилган ва умуминсоний муаммолар улар орқали тасвирланган. Унгача ҳам бундай усулдан фойдаланиб ижтимоий масалаларни кўтариб чиқиш ёзувчилар ижодида, хусусан, Эҳсон Табарий ижодида учрайди. Бироқ Мўдаррисий бу муаммоларини Инжил тили билан ҳикоя қилди ва бу усул ёзувчи асарининг халқ орасида машҳур бўлишига сабаб бўлди.

Роман қаҳрамони яҳудийлар шоҳининг қизи Якўлия бўлиб, у оддий деҳқонни севиб қолгани учун Қуддусдан қувғин қилинади. Шайтон кекса чўпон қиёфасида унинг рўпарасида пайдо бўлади. Якўлия ва шайтоннинг инсоннинг жамият қонунларига тобелиги ҳақидаги суҳбати бутун асарнинг мантиқий мазмунини ташкил этади. Суҳбатнинг асосий ғояси Йахво (Исо) ва шайтоннинг суҳбатидан олинган.

Мўдаррисий талқинидаги шайтон ўз моҳияти билан Мильтон асаридаги қўзғолончи шайтон образига яқин. У инсонлар қалбида умид ва орзулар уйғотади ва шу билан бир вақтда уларнинг юрагига ғам ва тушкунлик уруғини экади.

Романдаги шайтон образи орқали ёзувчининг диний мутаассиб-ликка қарши фикрлари ифодаланади. У мустақиллиги, Йаҳвога тобе эмаслиги билан ғурурланган шайтон, Йаҳвони ғўзалликнинг кушандаси деб ҳисоблайди. Романда Мўдаррисий Инжил сюжетларидан чиқмасликка ҳаракат қилади. Зеро муаллифни ташвишлангирган муаммолар (Йаҳво, севги, гуноҳ қилиш-осийлик, ёлғизлик, жамият билан муносабат) абадий ва бу ерда даврнинг аҳамияти йўқ.

Орадан ўн йил ўтгач, Тақи Мўдаррисий Америкада ўзининг иккинчи романи «Насле калоғҳо» («Қаргалар насли») ни нашр эттирди. Бир нечта қисқа ҳикояларини «Жўнг Эсфаҳон» («Исфаҳон тўплами») ва «Сўхан» журналида чоп эттирди. Шундан сўнг ёзувчи бошқа асар ёзганлиги ҳақида маълумотлар йўқ.

Тақи Мўдаррисий 1997 йили АҚШнинг Балтимориде вафот этган.

Баҳром Содиқий (1936-1984)

Баҳром Содиқий 1936 йили Нажафободда туғилган. Бошлагич мактабни Нажафободда, ўрта таълим мактабини Исфаҳонда тугатган. 1954 йилда Техрон Университетининг тиббиёт факультетига ўқишга киради. Унинг биринчи асарлари тиббиёт факультетида таҳсил олиб юрган вақтларида ёзилди. 1956 йилдан бошлаб у ўз асарларини турли адабий журналларда нашр эта бошлади. 1958 йилларда «Садаф» журнали ходими сифатида фаолият олиб борди. Тез орада у ёзувчи сифатида танилди. Унинг асосий асарлари 1956-1962 йиллар оралиғида ёзилди.

Унинг аксарият ҳикоя ва новеллалари ҳажвий усулда ёзилган бўлсада, улар фожеали яқунланган. Унинг қахрамонлари ҳаётдан ҳафсаласи пир бўлган, тушқунликка тушган ва охир-оқибат гиёҳвандликка берилган зиёлилар, фақир ишчилар, камбағал талабалардир.

Баҳром Содиқий асарлари услуби билан ажралиб туради. У ҳаётнинг турли қирраларини танқид қилиш ёки рад қилишни эмас, балки уларни келтириб чиқарган сабабларни аниқлашга интиланган. Адибнинг ўзи бу ҳақида: «Биринчи навбатда наср, унинг ҳар бир жанри, оддий ва тоза шаклга эга бўлиши керак. Фақат ҳақиқатни гапириш лозим», - дейди.

Муаллифнинг «Фардо дар роҳ аст» («Эрта ...йўлда», 1956) ҳикоясида ёзувчи кичик тафилотларгача тасвирлаш орқали қахрамонларнинг ички туйғуларини чуқур талқин этади. Ҳикояда қўрқув ва ҳаяжон туғдирувчи ҳолатлар: тоғлардаги кўчишлар, тун, шаррос ёмғир, содир бўлган аллақандай қотиллик ҳақидаги суҳбат, одамларнинг қалбини чулғаб олган даҳшат ҳақида гапирилади. Бу сирлилиқ ўқувчида исл воқеа нимада эканлигини билишга қизиқишини ортиради, қандайдир Фазлий исмли шахснинг ўлими ва унинг сабабларини билишга интилиш кучаяди. Шунча ваҳима ва қўрқувга сабаб бўлган ўлим воқеаси кутилмаганда оддий

ечимини топади: Фазлий довул бошланганда уйнинг тагида қолиб ҳалок бўлган эди.

Содиқий бу тариха сюжет танлаш орқали муаллифнинг бадиий тўқимасини эмас, балки ҳамма нарса ишончсиз ва яксон бўлиш хавфи остида яшаётган инсонларнинг руҳий ҳолатининг ишқирозини кўрсатиб беради.

Баҳром Содиқий тинимсиз ижодий изланишда бўлади. У ижтимоий тенгсизлик ҳақидаги оддий ҳикоялардан қониқмайди. Унинг учун ҳодисаларнинг ташқи томони мутлақо қизиқарсиз. У ўз олдига қаҳрамонлар характери ички монолог орқали очиш вазифасини қўяди. Баъзан у ҳикояларида (масалан, «Сангяр ва комкомэҳойе холи», 1968) олий судья вазифасини ҳам бажаради. Ёзувчининг воқеа баёнига «аралашуви» дидактик мазмунда эмас, балки адибнинг ўзига хос бадиий усули вазифасини бажарган.

1960 йилда «Сўхан» журналида Содиқий эртақ услубидан «Ҳафт гисуйе хунин» («Етти қонли зулф») новелласини чоп этади. Муаллиф мажоз орқали эмас, балки реал воқелик орқали ҳикоя қилади. Унинг қаҳрамони буқри пакана одам. У ўз севгилисининг эътиборини қозониш учун қаҳрамонлик кўрсатмоқчи бўлади. У севгилисига шоҳнинг зумрад кўзли тожини келтириб бериш учун Зумрадли шаҳарга йўл олади. Анъанавий этрақлардаги сингари қаҳрамон турли кийинчиликларга дуч келади. Бундай сюжет орқали адиб замонавий ижтимоий типларни яратади. Девлар томонидан қўриқланадиган зиндонда пакана миллий қаҳрамонлар Амир Арслон, Хусайн Кўрдни учратади. Улар олдинги қаҳрамонлик ва шон-шавкатидан айрилган, ўта абгор аҳволда эдилар. Ўз ақли ва айёрлиги билан пакана бу қаҳрамонларни девлардан қутқаради. Лекин унинг хатти-ҳаракатларига ҳеч ким таҳсин айтмайди у ҳеч кимнинг эътиборини торта олмайди. Муаллифнинг фикрича, замонавий одамлар бундай жасоратни тушуна олмайдилар ва бундай хатти-ҳаракатга тайёр эмаслар. Хулоса шуки, фақат пакана одамгина шундай хатти-ҳаракатга қодир.

бўлсада, охир-оқибат у қаҳрамон эмас, жабрдийда бўлиб қолаверади.

Ҳикоялардан ташқари Баҳром Содиқий роман жанрида ҳам қалам тебратган. Унинг «Малакут» романида реал ҳаёт ва миф қоришиқ тарзда берилади. Асардаги воқеалар ажиб сирли ҳодисаларга тўла ярим тунда бошланади. Жаноб Мўодатнинг боғида Бақалоқ, Нотаниш, Навжувон ва хўжайиннинг шахсан ўзи улфатчилик қилиб ўтиришганда, жаноб Мўодатнинг вужудига жин кириб олади. Ва асар давомида турли воқеа ҳодисалар Инжилдаги шайтон ва Яхво ўртасидаги низо сингари кўриниш олади.

Романда икки олам: ўлимдан кўрққан, абадий ҳаётни орзу қилган ер бандалари олами ва, аксинча, абадий ҳаётдан вериккан Шайтон ва Яхвонинг афсонавий олами қоришиб кетади.

Романдан келиб чиқадиган хулоса шуки, инсон бу дунёда оламни ўзгартиришга қодир эмас, унинг тақдири Азал томонидан белигиланган. Бу оламда у ёлғиз, ҳимоясиз ва фақат азоб-уқубатда яшашга мажбур. Бу дунёда ҳаётнинг ҳеч қандай мазмуни йўқ, ёмонлик ҳукмрон ва у доимо ғолиб. Иғона чора фақат ўлим.

Афсуски, Содиқийнинг «Малакут» романи тугалланмай қолди. Муаллиф ўз ишончисизлиги ва пессимизми қурбонига айланди. У шунчалик тушкунликка тушдики ҳаёт, тириклик ўз маъносини йўқотди. Кўп қаҳрамонларининг тақдири унинг қам тақдирига айланди.

Муаллифнинг деярли барча асарларида руҳан эзилган, тушкунлик, саросима ва кўрқувга тушган, ҳаётнинг мазмунсизлигидан барча эзгуликларга ишончини йўқотган инсонлар образи яратилган.

Буларнинг барчаси адиб қалбини яралади ва охир-оқибат унинг ўлимига сабабчи бўлди. 1984 йил ноябрида Баҳром Содиқий бевақт оламдан кўз юмди.

Таъкидлаш жоизки, ёзувчи сифатида Содиқий бетакрор маҳорат эгаси эди. Унинг асарларида даврининг

жароҳатлари, инсонларнинг ички кечинмалари рўй-рост бўй кўрсатди. Унинг бу борадаги маҳорати ўзидан кейинги, хусусан, 1960-1970 йилларда ижод этган ёзувчилар ижодига самарали таъсир кўрсатди. Масалан, Х.Гулширий ижодига Содиқийнинг баён услуби яққол сезилади.

Баҳром Содиқий ўз овози, усулбига эга бўлган ёзувчи сифатида Эрон адабиёти тарихида ўчмас из қолдирди.

Жамол Мирсодиқий (1933)

Жамол Мирсодиқий 1933 йили Техронда таваллуд топган. Бошлағич ва олий таълимни шу ерда олган. У Техрон Универси-тети филология факультетини тамомлаган ва форс адабиёти бўйича бакалавр илмий даражасини олган. У дастлаб ўқитувчилик, кутубхоначилик каби фаолият билан шуғулланди, кейинчалик Техрон миллий архивида тарихий ҳужжатлар билан ишлаш бўлимида эксперт бўлиб ишлади. Болалигиданоқ онаси ва бувисининг эртаклари орқали мурғак қалбига адабиётга ҳавас уйғонди. Мактабда ўқиб юрган кезлари Амир Ҳамза, Амир Арслон, «Искандарнома» сингари халқ ижоди намуналари унинг севимли китоблари эди. Адабиётга бўлган кучли иштиёқ уни қўлига қалам олишга ундади ва 1957 йили «Сўхан» журналида «Барфҳо, сағҳо ва калоғҳо» («Қор, итлар, қарғалар») биринчи ҳикояси чоп этилади. Ҳикояда кундошининг янги туғилган чақалоғини итларга ем қилган аёл ҳақидаги воқеа тасвирланади. Ўзининг қилмишидан кейин қатти афсусланган аёл машаққатли ҳаж сафарига йўл олади.

«Қор, итлар, қарғалар» ҳикоясидан сўнг адибнинг бир нечта ҳикоялари пойтахт журналларида ва даврий нашрларда чоп этилади.

1962-1969-йиллар оралиғида Жамол Мирсодиқийнинг тўртта «Мўсоферҳо-йи шаб» («Тунги мусофирлар»), «Шоҳзоде хонўм-е сабз чашм» («Зумрад кўзли малика»), «Чашмҳойи-э манэ хастэ» («Менинг хорғин кўзларим»), «Шабҳойи томошо ва гўл-э зард» («Томоша оқшомлари ва сариқ гул» , 1969) номли ҳикоялар тўплами нашр этилди. Шунингдек, «Дарозной-э шаб» («Узун тун», 1970), «Шаб чароғ», (1978), «Бодҳо хабар аз тағйире фасл мидеҳанд» (1985) номли учта романи дунё юзини кўрди.

«Зумрад кўзли малика» ва «Менинг хорғин кўзларим» тўпламига кирган ҳикояларининг асосий тематикаси жамятнинг паст табақаси ҳисобланган қашшоқ инсонлар,

фоҳишалар, гиёҳванд-лар ва уларнинг ҳаётидан иборат Шунингдек, янги замонларгача етиб келган қадимги аза ва тўй маросимлари ва урф-одатлар ҳам ёзувчи назаридан четда қолмаган. Барча ҳикояларда воқеалар биринчи шахс номидан баён қилинади. Ҳикоячи ўзининг болалик йилларини хотирлайди. Содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга бола нигоҳи билан баҳо берилади. Бир неча ҳикояларда воқеалар асли ўзига тўқ хонадонга мансуб бўлган ва ҳаётида илк бор ёлғон, ноҳақлик, қашшоқлик ва зулмга дучор бўлган Жаъфар исми болакай тилидан баён қилинади. Воқеалар асосан қиш кунлари содир бўлади. Қиш фожеали ҳодисалар содир бўлишига замин бўлган муҳитнинг рамзи сифатида гавдаланади.

Жамол Мирсодиқий ҳикоялари арман, инглиз, француз, румин, немис, араб, ирвит, рус тилларига таржима қилинган.

Адибнинг «Узун тун» романи ижтимоий ўзгаришлар даврида шахснинг шаклланиши масаласига бағишланган. Муаллиф асарда икки дунё: қадимги анъаналарга содиқ қолган «эски» дунё ва аср ўрталарида эндигина техника тараққий эта бошлаган, тутруқсиз буржуазия ҳукмронлик қилган «қопқон» дунё. Қимки софдил, адолатли, виждонли бўлса, бу қопқонга ўлжа бўлади. Бу икки дунё оралиғида ўзлигини топишга уринган Камол (романнинг бош қаҳрамони) аросатда қолган. Орзу-умидлари бисёр, ҳақиқат ва адолат ҳақидаги ғояларга ишончи энди шаклланаётган ўспирин бу йигит бошига тушган савдолардан изтиробда қолади. Ўзини қийнаётган саволларга жавоб излайди. У барча муаммоларининг ечимини ўзига яқин ҳаммаслак топишда кўради. Бундай инсон сифатида асарга эътиқоди кучли, ғояларида собит талаба Махмуд образи киритилган.

Адиб нафақат бадиий насрчиликда, балки адабиёт назариясига оид ишлари билан ҳам маълумдир. Унинг «Қессэ, рўмон, дostonэ кutoҳ», «Аносере дoston» ва «Дoston ва адабиёт» номли насрчиликка оид китоблари мавжуд.

Фуломхусайн Соидий (1935-1985)

Фуломхусайн Соидий 1935 йили Табриз шаҳрида таваллуд топган. Бошланғич ва ўрта таълимни Табризда, олий таҳсилни эса пойтахтда олади.

Унинг биринчи пьеса ва ҳикоялари 1955 йиллари «Тафаккур ва санъат», «Садаф» каби журналларда чоп этилган. 60-йиллардаёқ драматург сифатида танилган. У ўзининг пьесаларига Гавҳар-мурод деб тахаллус қўйган. У ўттиздан ортиқ драматик асар, учта қисса, кўплаб ҳикоялар тўплами, пантомима, киносцена-рийлар муаллифидир.

Ғ.Соидийнинг биринчи ҳикоялар тўплами «Шабнэшинийэ бо шўкуҳ» («Тантанали кеча») номи билан 1960 йилда Техронда чоп этилади. Тўпламдаги ҳикояларда кичик амалдорларнинг ҳаёти тасвирланади. Муаллиф шаҳардаги амалдорларнинг муаммола-рини очиб беришга ҳаракат қилади. Бир хил ҳаёт, мақсадсиз хизмат, ижтимоий ҳимояланмаганлик буларнинг барчаси қаҳрамонларни ё ақлдан озишига, ё ўлимига сабабчи бўлади. Уларнинг кундалик ҳаёти иш, мансаб ва унвон учун кураш, нафақага чиқиш, пул топиш, ва ниҳоят, ўлим. Амалдорларнинг бу ҳаёти қора, совуқ оҳангда тасвирланади. Инсонлар асабийлашган, ўзини йўқотиб довдираб қолишган, уларнинг қалблари мажруҳ. Улардан ҳеч бири ҳатто ҳаёлан ўзи яшаб турган ҳаётга қарши чиқа олмайдилар. Уларнинг ҳаётида ҳеч қандай юксак орзуларнинг ўзи йўқ. Улар тирик инсондан кўра кўпроқ ўйинчоқларни эслатадилар. Тўпламга киритилган ҳикояларида муаллифнинг кескин танқидий қарашлари маъмурий буйруқ-бозлик иллатларига қаратилган. «Хобҳойэ педарам» («Отамнинг уйқулари») ва «Эстэфо-номэ» («Ишдан кетишга ариза») ҳикояларида кундалик бир хил иш фаолияти ишчиларни ақлдан озишгача олиб боргани тасвирланади.

«Воҳэмэхойе би ном у нэшон» («Кўринмас ваҳималар», 1967) ҳикоялар тўпламига кирган «Ду бародар» («Икки ака»)

ҳикоясида адиб жамиятда келиб чиқаётган иллатлар сабабини аниқлашга ҳаракат қилади. Икки ака-ука бири-бирига қарама-қарши феъл атворга эга. Бири ҳеч нарса билан шуғулланмайдиган, таъсирчан, пессимист, иккинчиси батартиб турмуш тарзи юритадиган хизматчи-ижрочи. Биринчиси ҳар қандай ташвишдан ўзини йироқ тутади, иккинчиси эса ҳаёт икир-чикирларига кўмилиб қолган. Лекин иккисининг ҳам ҳаётдан мақсади йўқ. Уларнинг уйлари қабристон ёнида жойлашган бўлиб, ёзувчи уларнинг турмуш тарзини қабрда ҳаёт кечирадиган қуртларга ўхшатади. Ҳикоя сўнгги фожеали якун топган: ака мақсадсиз ҳаётдан охир безиб ўзини-узи ўлдиради. Соидийнинг маҳорати шундаки, у қаҳрамонлари руҳиятини жуда чиройли очиб бера олган. Ва улар ҳаётининг шу тариқа якун топишида энг аввало инсон шахсиятини таҳқирлайдиган ижтимоий муҳит сабабчи деган хулосага келган.

«Гадо» номли ҳикоясида эса кекса аёл турмушдан нолишлари орқали реал ҳаёт манзараларини чизади. Аёл ўзини нафақат жамиятда, балки ўз оиласида ҳам бегона ҳис қилади. Оилада жоҳил ўғиллари меросни бўлиб олгач, онани уйдан ҳайдаган бўлишса, жамиятдан ҳам у юпанч, дардига малҳам ва бошпана топа олмайди.

Ғ.Соидий Техрон университети уюштирган экспедицияларда фаол иштирок этади ва ўз асарлари учун бой манба тўплайди. Унинг асосий қаҳрамонларининг аксарияти ҳаётда бор инсонлардир. Эроннинг чекка ҳудудларида юрган пайтларида адиб ҳақиқий ҳаёт манзараларини яқиндан ўрганади, ижтимоий муносабатларни янада чуқурроқ таҳлил этади.

«Аҳле ҳаво», «Илҳачи қишлоғи» монографик тадқиқотлари адиб изланишларининг меваси сифатида дунё юзини кўради. Илмий тадқиқотлардан ташқари «Азадорона Байал» («Баял азадорлари», 1965) ва «Тарсуларз» («Даҳшат», 1969) ҳикоялар циклинининг бадиий баркамол, таъсирли чиқиши ҳам шу тадқиқотларнинг натижасидир. Булар тугал

сюжетга ва куль-минацион нуқтага эга бўлмаган новеллалар мажмуасидир.

«Баял азадорлари»га киритилган ҳикояларда Эроннинг марказ-дан «узилган» чекка қишлоқларида камбағаллик, очлик, касаллик ва бахтсизликлар туфайли инсонларнинг ақлдан озаётганликлари фожеали тасвирланади.

Характерлар психологияси асосан диалоглар ва муаллиф суҳбатларида очилади. Новеллалар мазмуни эса муаллиф таҳлилида эмас, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракати, суҳбатла-рида очилади. Асарда жуда кўп персонажлар иштирок этадилар. Уларнинг ҳар бири аниқ характерга эга, ҳар бири уз вазифасини бажаради. Бироқ булар ёзувчининг бадий маҳорати туфайли яқдил омма образини шакллантирадилар.

Иккинчи бир цикл «Даҳшат» деб номланиб, у ҳам балиқчилик билан шуғулланадиган чекка бир қишлоқ одамлари ҳаётига бағишланган. Улар «ёвуз шамол» юборадиган офатлардан қўрқиб яшайдилар Циклга кирган сўнги ҳикояда асарнинг ғоявий ечими берилади: қишлоққа «чет элликлар кема»си келганда одамларни қамраб олган беъмани қўрқув ўз-ўзидан йўқолади, балиқчи-ларнинг тинчгина осуда ҳаёти бузилади. «Бой чет элликлар» бу «тараққиёт» тимсоли сифатида талқин этилади. Одамлар садақаларга яшашга ўргана бошлайдилар, меҳнат қилиш хоҳиши йўқолади, ўғирликка ўрганадилар, гадойлар кўпаяди. Асар ниҳояси янада фожеали яқун топади. «Бой чет эллик»лар кетгач, улар ташлаб кетган эски-туски нарсалар устидан низо чиқиб қонли тўқнашувга айланиб кетади.

Муллифнинг асосий мақсади зиддиятли дунёнинг ахлоқий ва ижтимоий муаммолари ер юзининг энг чекка жойларига ҳам бориб етаётганлиги, мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий тузум «қўрқув»га асосланган муносабатларни тугдираётганини кўрсатиш.

Ғ.Соидий 1973 йилдан бошлаб «Алифбо» номли адабий-танқидий альманах чиқара бошлаган. Альманахта Эрон ва Европа ёзувчиларининг асарлари ва уларнинг таржималари, тарих, санъатга оид илмий мақолалар чоп этилган.

Ғуломхусайн Соидий Эрон ёзувчилари орасида ижтимоий ҳодисалар таҳлили борасидаги маҳорати билан ажралиб туради. Унинг барча асарларида ноҳақликка нисбатан нафрат, оддий инсонлар қисматидан, жамият томонидан еткизилган хўрликларидан қайғуриш, уларнинг дардини тушиниш мотивлари тасвирланади.

Ғуломхусайн Соидий 1985 йили Париж шаҳрида вафот этган.

Исмоил Фасих (1935)

Исмоил Фасих 1935 йилда Техронда таваллуд топган. Бошлан-ғич ва ўрта таълимни Эронда олгач, 1953 йили АҚШ га йўл олади. Монтана штатида муҳандис-кимёгар дипломини қўлга киритади. Кейинчалик Сан-Францискога боради ва у ерда европалик қизга уйланади, бир йил ўтгач эса, Монтанага қайтиб келади ва Мизула шаҳрида филолог, инглиз тили ва адабиёти бўйича мутахассислик дипломини олади.

Хотинининг фожеали ўлимидан сўнг, Фасих Эронга қайтади ва «Франклин» нашриётида таржимон бўлиб ишлайди. Шу билан бирга Эрон Миллий нефть компанияси (ширкати)га ҳам ишга киради. Худди шу йиллари у машҳур эрон ёзувчилари Содиқ Чубак, Фуломхусайн Соидий, Маҳшид Амиршоҳий ва бошқалар билан яқиндан танишади. 1963 йилда Содиқ Чубакнинг маслаҳати билан Ободон шаҳрига кўчиб келади. Нефть компаниясининг расмий ишчисига айланади ва бир вақтнинг ўзида Технология институтида ўқитувчилик ҳам қилади.

Фасихнинг биринчи романи «Шаробэ хом» («Етилмаган шароб») номи билан ёзувчи Баҳман Фаресий таҳрири остида 1968 йили «Франклин» нашриётида чоп этилган. Бу пайтда Фасих яна АҚШда бўлади ва Мичиган университети инглиз тили ва адабиёти магистри даражасини олади.

Адабий фаолиятга қизиқиш Фасихда бирданга пайдо бўлмаган. Кўп йиллик ўқитувчилик ва муҳандислик фаолиятдан сўнггина, ёши ўттизларга борган, анча тажриба ва ҳаётий қийинчиликлар кўрган Фасихда адабий исар ёзиш истаги туғилади.

Унинг бир қатор роман, повесть ва ҳикоялари Орёнлар оиласи ва уларнинг бир неча авлоди ҳақидадир. Ҳар бир исарида шу оилга мансуб бирор киши бош қаҳрамон сифатида танланади.

Фасих услубига хос асосий хусусият ғоят даражада аниқлик, синчковлик ва натуралистик баён. Баъзида ёзувчи асосий ҳаракатлар баёнидан чалғитувчи тафсилотларга берилиб кетади. Бироқ аксарият асарларида, замондошлари ҳаёти, уларнинг қисмати тасвири яхлит бадиий бутунликда ўз аксини топган.

Адибнинг 1970 йилда нашр этилган «Хокэ ошно» («Таниш тупроқ») ҳикоялар тўплами «Шаробэ хом» («Етилмаган шароб») ва «Дэлэ кур» («Басир юрак») романлари учун ўзига хос сўзбоши бўлди.

Тўпلامдаги ҳикоялар ўқувчини Орёнлар оиласининг дастлаб-ки намояндалари билан таништиради.

«Сўрайо дар эғмо» («Сурайё беҳуш», 1983) романи бир йил-нинг ичида тўрт марта форс ва бир марта инглиз тилида нашр этилди. Романда муаллиф ўзи гувоҳи ва иштирокчиси бўлган воқеаларни қаламга олади. Роман Ироқ билан бўлган уруш, унинг оқибатлари, кўплаб инсонларнинг жон сақлаш мақсадида ўз она юртларини ташлаб кетиши ва уларнинг қисмати ҳақидадир. Романнинг асосий ғояси унинг номланишиданоқ сезилади. Сурайё (форсчада «юлдуз») Парижда фалокатга учраган ва госпиталда ёмон аҳволда ётган эронлик қиз бўлиб, асарда у бекорчилик домига тобора чуқурроқ тортилаётган эронлик муҳожирлар жамиятининг рамзий образи сифатида талқин этилади.

Исмоил Фасих қаламига мансуб ёрқин асарлардан бири танқидчилар томонидан юқори баҳоланган «Зэмэстон 1362» («1983 йилнинг қиши») романидир. Ушбу роман мавзуси Эрон-Ироқ урушига бағишланган.

«Бодэйи кўхнэ» («Эски шароб», 1994) романида суфиёна оҳангларга мурожаат этилган. Сюжет асосида замонавий ишқий мавзу ётади: кардиолог врач янги жойга ишга келади ва турмуш ўртоғи бир неча йиллар олдин эрон-ироқ урушида вафот этган бир аёлни севиб қолади. Бош қаҳрамон (унинг исми Одамият бўлиб, форсчада «инсопарварлик» маъносини ангалатади) Пари Камол билан унинг илтимосига кўра Ҳақни

излаш хусусидаги тасаввуф таълимоти ҳақида суҳбатлар олиб боради, сўфиёна мавзудаги рисоаларни ўрганади.

Одамият шу давргача эътиқоди суст инсон бўлган бўлса, энди Аллоҳга интилиш, уни севиш ҳақидаги сўфёна ривоятлар таъсирида дунёқараши ўзгара боради. Ёзувчи секин-асталик билан инсон онгига бўлаётган илоҳий таъсир ва ундан лаззатланиш ҳолатини қадимги майдан бир ҳўпламдан ичиш ва ундан ҳузурланишга ўхшатади.

Роман сюжети икки йўналишда ривожлантирилади. Реаллик- сюрреалистлик қоришиқ тарзда баёнга кўчади: қахрамон ўз севгилисини излаб бир жойга бориб қолади ва қўшнилардан сўраганда, Пари Камол ҳақида аллақачон вафот этган аёл сифатида гапиришади, уларнинг уйини эса анча йиллар олдин ер юзидан йўқ қилиб ташлашган дейишади. Одамиятга Пари Камол кўмилган қабристонни кўрсатишади. Қабристонга борган Одамият Пари Камолнинг исми ва вафоти санаси қайд этилган қабрни кўради. Кейин у ўзининг исми ва вафоти қайд этилган яна бир қабрга кўзи тушади. Бу сана унинг Пари Камол билан танишган куни билан бир хил эди. У бундан бир неча ҳафта олдин ўзларини никоҳлаган мулла ва уларнинг никоҳига гувоҳ бўлган инсонларнинг бирортасини ҳам топа олмайди. Клиникага қайтиб келгач эса Пари Камолга ўхшаш бир қизни учратади, қиз Одамият Пари Камолга совға қилган тақинчоқни тақиб олган эди. Роман ниҳояси очиқ қолдирилади. Асарда майнинг сўфиёна рамзий талқини асосий ўрин эгаллайди.

Исмоил Фасиҳнинг «Дийдор дар Хинд» («Хиндистондаги учрашув», 1974), «Ақд ва дostonҳо-э дигар» («Бошқа дostonлар ва никоҳ», 1979), «Дoston-э Жовид» («Жовиднинг дostonи», 1980), «Дард-э Сиёвуш» («Сиёвушнинг дарди», 1985), каби яна бир қатор насарий асарлари китобхонлар орасида машҳур ва маълумдир.

Исмоил Фасиҳ XIX асрининг машҳур романларининг услубига хос, китобхонларни ўзига жалб қиладиган, саргузаштларга бой, жозибадор ва фожеали дostonларни

баён этиши уни махоратли ёзувчилигидан далолат беради. Фасихнинг барча романлари «Ориён»лар оиласининг турмуш тарзи билан боғлиқ бўлиб, воқеалар ўша жараён асносида кечади ва ривожланади. Воқеалар оиланинг боши бўлган Жаноб Ҳасан Ориён ҳаётидан бошланади ва унинг ўғиллари (Мухтор Ориён), набиралари (Комрон Ориён) ва абиралари (Жалол Ориён) ҳаётини турли ҳикоялар шаклида давом эттиради. Ҳар бир китобнинг охирида худди Андрей Жейд каби шажара тузади. Бундай шажарани қисқача шаклда «Дел-э кур» дан бошлайди.

Исмоил Фасих Эрон модернистларининг етакчи намояндаларидан бири бўлиб, йигирмадан ортиқ асар муаллифи.

Маҳмуд Киёнуш (1934)

Маҳмуд Киёнуш 1934 йили Машҳадда туғилган. У авангард йўналишида ижод этган ёзувчи, таржимон ва шоир. Адабий фаолиятини 1958 йилларнинг бошида «Садаф» журналида ўз асарларини чоп этишдан бошлаган. 1964 йилда «Марде герефтор» («Банд одам») номли мифологик характерга эга бўлган повестини ёзади.

«Гўссеи йо қэссэи» («Ғам-андуҳ ва қисса», 1965) тўпламига киритилган асарлари адибнинг болалик хотиралари асосида ёзилган. Шундан сўнг дунё юзини кўрган бир қатор тўпламлари, хусусан, «Дар инжо ҳич кас набуд» («Бу ерда ҳеч ким йўқ эди», 1966), «Оинэҳойе сийоҳ» («Қора ойналар», 1970) тўпламларининг асосий мавзуси деҳқонлар қисматидир.

Булардан ташқари Маҳмуд Киёнушнинг «Аз пэллээйе чехелом» («Қирқинчи пиллапоядан, 1977»), «Бало омад ў шафо омад» («Бахтсизлик келди ва шифо келди»), «Сўз ва сукут» (1978) ҳикоялар тўплами нашр этилди.

Маҳмуд Киёнуш адабиётшунослик соҳасида ёзилган илмий асарлар муаллифи ҳамдир. Унинг «Замонавий форс шеърляти ва насрига шарҳ» (1972), «Ўтмиш кишилари ва адабий танқид» (1975), «Шеърлят, комиллик ва гўзаллик» (1990), «Кайковусдан Кайхусравгача» (1993) илм аҳли орасида маълум ва машҳурдир. Уларда Эрон шеърляти ва насрининг энг долзарб муаммолари, адабиёт назариясига оид олимнинг қарашлари ўз ифодасини топган.

Инқилобдан сўнг Киёнуш Лондонда муҳожирликда яшамоқда. 1990 йилда адибнинг «Фаввос ва балиқ» романи ёзилди. Романда бош қаҳрамонининг болаликдаги дўстини излаш тарихи баён этилади. Биринчи саҳифаларданоқ асар воқеалари сирли, детектив руҳда ёзилгани сезилади. Сюжет асосида қандайдир жумбоқ бордек туюлаверади. Бой-бадавлат хонадонда тарбия топган ва хорихда ҳеч қандай қийинчиликсиз яшаётган йигитнинг (яъни, бош қаҳрамоннинг) орадан йиллар ўтиб тўсатдан ўз туғилган-ган юртига кетишни ихтиёр этиши ўқувчини ўйлантиради. Асар сюжети якунидан жумбоқнинг ечилиши кутилади. Бироқ муаллиф бундай йўл тутмайди. У охири хулосани ўқувчи эътиборига ҳавола этади. Романда икки персонаж: излаётган ва изланаётганнинг хатти-ҳаракатлари қиёсланади.

Шаҳрнуш Порсипур (1947)

Шаҳрнуш Порсипур (1947 йилда туғилган) модернистик йўналишда қалам тебратган ёзувчи аёллардан бўлиб, унинг биринчи «Сағ ва зэмэстоне бўланд» («Ит ва узоқ қиш», 1976) номли романи катта шов-шувга сабаб бўлди.

Унинг барча асарларида бош қаҳрамон одамови, атрофдагилардан доимо ҳадиксирайдиган, бу дунёда ўзини бегонадон ҳис қилиб, ўз ҳаётидан қониқмай яшайдиган қиздир.

Масалан «Овизҳойе бўлур» («Биллур зираклар») ҳикояси қаҳрамонини доимо қандайдир куч табиатга ёки қабр тошларига чорлайди. Мистик, ҳақиқатдан узоқ образлар, даҳшатли хаёллар гирдобида қолган инсонлар тасвири Порсипур ҳикояларида етакчилик қилади. «Баҳорэ обийе Катманду» («Катмандунинг мовий баҳори») ҳикоясида муаллиф ўқувчини реал ҳаётдан анча олисларга олиб кетади. Ҳикоя қаҳрамони хаёлан узоқ сафарга отланади. Бу сафарда унга турли даҳшатли тушлар, кўрқув ва ўликлар билан суҳбат ҳамроҳлик қилади.

Қаҳрамон ўзини изтиробга солаётган ўй-хаёллардан қочини, улар билан курашишига руҳан куч тўплаш учун тинимсиз изланади.

«Тажрўбэхое озод» («Эркин тажрибалар», 1978) ва «Сағ ва зэмэстоне бўланд» («Ит ва узоқ қиш») романлари сюжети ҳам адабанинг ҳикоялари сюжети билан ҳамоҳанг.

«Ит ва узоқ қиш» романининг қаҳрамони Ҳури исмли ёш аёл. У ҳам ўз атрофидагилардан «узилиб» қолган ва фақат содир бўлаётган воқеаларни кузатади. Унинг кузатишлари акиси Ҳусайннинг жанозасига йиғилган одамларнинг хатти-ҳаракатидан бошланди. Қизнинг хотираларида Ҳусайннинг ҳаётида содир бўлган ўзгаришлар ва унинг тинч, осуда турмушини бунган воқеалар гавдаланади. Ҳусайн қамоқдан қайтгач, кутилмаган ҳолатга дуч келади: маслакдошлари улар учун қамоқхоналарда жонларини берган «йўлбошчилар»ининг ўзлари ҳам нефис орқали бойиб кетган эдилар.

Романда мутаассиблар, ўзини гуё сиёсат билан шуғулланаётган ёт-гандек кўрсатаётган лақма реакционерлар, оилада феодал муносабатларга жон-жаҳди билан ёпишиб олган қариялар, оила бошлиқлари оталари номи билан иш юритувчи мустабидлардан иборат замонавий типларнинг бутун бир гуруҳи тасвирланган.

ган. Буларнинг ҳаммаси ўлжасини пойлаётган тузоққа ўхшатишган.

Хусайн ва Ҳури ёш авлод вакилларининг типик вакиллари бўлиб, улар ҳамма сингари тутуруқсизлик ҳукм сурган ҳаёт оқимиغا қўшилиб кетишни истамайдилар. Порсипур ўта моҳирлик билан ёшлар ва катта авлодлар ўртасидаги ихтилофни кўтаради.

Хусайн шахси чанг босган ромда расми муҳрланган бир инсон (ғоявий раҳнамо) билан қийёсланади.

Хусайн ўзининг ғоявий интилишлари бемақсад эканлигини билгач, қаттиқ изтиробга тушади ва қамоқхонада ўлганлар хотираси уни ақлдан озишгача олиб келади. Ҳафсаласи пир бўлган Хусайн, сохта «йўлбошчи»ларга ишончини йўқотади, оиласидан, севгисидан маҳрум бўлади, тушқунликка тушади ва гадога айланади.

Ёзувчининг фикрича, Хусайнга ўхшаган одамлар ақл билан эмас, ҳис-туйғулар билан қарор қабул қиладилар, шу сабали улар бирор бир ғояга, йўлбошчига кўр-кўрона ишониб, эргашиб кетаверадилар. Шунинг учун кўп ҳолларда уларнинг ҳаёти фожиа билан тугайди ва уларнинг руҳини синдириш осон.

Акасининг ўлими Ҳури қалбига оғир дард келтиради. Ҳам севгида омади чопмаган, ҳам акасидан айрилган Ҳури ўзини жуда ёлғиз ҳис қилади. Унинг ҳаёлларида қамоқхонада ётганларнинг тортган азоблари, уларнинг ўлими воқеалари гавдаланиб азоб беради. Қаҳрамоннинг ҳолати ақлдан озаётган инсон ҳолатини эслатади.

Узоқ танаффусдан сўнг Порсипур ўзининг «Тубо ва маънойе шаб» («Тубо ва туннинг моҳияти», 1984) номли ромини ёзади. 1989 йилга келиб романнинг учинчи нашри чиқди.

Тубо жаннат дарахтининг номи бўлиши билан бирга, асар қаҳрамонининг ҳам исми. Тубо ҳаёт моҳиятини, ҳақиқатини топишга, нариги дунё сир-синаотини билишга уринган қиз образи.

Асарда тасвирланаётган чигал, жумбоқли воқеаларни ечиш учун китобхон қадимги маданий мерос ва диний-фалсафий таълимотлардан яхшигина хабардор бўлиши керак. Асардаги барча воқеалар XX аср Эронда содир бўлган тарихий ўзгаришлар: 1905-1911 йилги инқилоб, Фарб цивилизацияси билан эронликларнинг анъанавий турмуш тарзи ва қадриятларининг тўқна-

шувининг эрон ҳаётига кириб келиши фониди баён этилади. Асарда 1970 йилларгача бўлган давр қамраб олинади. Бу барча ўзгаришлар қахрамон ҳаётида худди кўзгуда акс этгандек ўн ифодасини топади. Ёзувчи реал ва тўқимани моҳирлик билан қоришиқ тарзда баён эта билади.

Асар тили ва ёзувчи услуби, асарнинг композицион хусусият-лари, бетакрор бадиияти билан адабиётшунослик нуқтаи-назаридан таҳлил этилишга лойиқ, деб ҳисоблайдилар танқид-чилар. Эрон танқидчилари асарни Г. Маркеснинг «жозибали насри», Содиқ Хидоятнинг «Кўр бойқуш» асарлари билан ҳам-ҳанглигини эътироф этадилар. Асар ўзига хос кенг қамровли эпопея бўлиб, унда фалсафий асосга эга бўлган қўллаб реал ва мифологик шахслар ва воқеалар қамраб олинган.

Хушанг Гулширий (1943-2002)

Хушанг Гулширий (1943-2002) Исфаҳон шаҳрида таваллуд топган. Ўрта ва олий маълумотни шу шаҳарда олди. Анча йиллар мобайнида вилоятнинг шаҳар ва қишлоқларида ўқитувчилик қилди. Адабиётшунослик соҳасидаги изланишларини шу вилоятнинг халқ оғзаки ижоди намуналарини тўплаш ва «Пэйомэ новин» журналида чоп этишдан бошлади. Дастлаб шеърият, кейинчалик насрда ўз кучини синаб кўрди ва ҳикоянависликни ўз ижодий йўналиши қилиб танлади.

Дастлабки ҳикоялари «Дэҳлиз», «Парандэ фақат йэк парандэ буд» кабилардир. Замоनावий француз ёзувчиларининг таъсири остида Х.Гулширий бадий тасвирнинг янги услубларини излади, ўз устида ишлади ва бу унинг ижодида кескин бурилиш бўлишига туртки бўлди. Унинг ижодида психологик таҳлил методидан фойдаланиш етакчилик қилади. Гулширий ҳикояларида фалсафий руҳ кучли бўлиб, инсон онгида, шуурида кечаётган жараёнларни таҳлил этишга интилиш сезилади. «Ояндэгон» газетасида берган интервьюларидан бирида: «Новеллада менинг олдимга қўйган асосий мақсадим Инсонни билишдир. Инсонни энг охиригача билишнинг иложи бўлмасада, ёзувчи учун эса, инчунин, у образ ва воқелик ўртасидаги масофани ҳис қилиб турсада, бунга интилади». Шу туфайли бўлса керак, ёзувчи ҳикояларининг барчасида инсон хилқати ва борлиқни охиригача билишнинг имкони йўқлиги, ҳеч қандай тажриба, ҳеч қандай хатти-ҳаракат бу борада ёрдам бера олмаслиги гоёси ётади.

1968 йили Гулширийнинг биринчи ҳикоялар тўплами «Мэслэ ҳамишэ» («Ҳар доимгидек») номи билан нашрдан чиқди. Муаллиф кичик шаҳарчалардаги ўрта табақа одамларнинг бир хилликдан иборат ҳаётини қаламга олади. Унинг персонажлари шундай кишиларки, улар учун дунё фақат икки қисмдан иборат: иш ва уй. Улар ҳеч нарсага

қизиқмайдилар, ўзлари ҳам зерикарли, ўз қобиқларини беркиниб олгандек гўё, ўзига ўхшаганлардан ташқари ҳеч кимса билан мулоқот қилмайдилар. Уларнинг ягона борадиган жойлари қовоқхона. Ёзувчи мақсадсиз инсонлар типини, уларнинг ички дунёсини очиб беришга ҳаракат қилади. Шахснинг моҳиятини англаш учун нима қилиш керак, деган саволга жавоб излайди.

Эроннинг илғор фикрли инсонларини ташвишга солаётган чиркин буржуа жамиятидаги ахлоқсизлик ва унинг ижтимоий ҳаётга кўрсатаётган салбий таъсири, жамиятда юзага келган маънавий бўшлиқ, «гўзал» ҳаёт ҳақидаги сохта тасаввурларнинг кенг тарқалиши ёзувчининг «Тўқима парда ортида» номли ҳикоясининг бош мавзусидир. Жамиятдаги бундай ҳолатга ахлоқий-фалсафий жихатдан баҳо берилиши ўша жамиятда маданиятнинг таназзулга юз тутаётганидан далолат беради.

Гулширийнинг авангард услубида ёзилган энг ёрқин ҳикояларидан бири «Шубҳалар туни» ҳикояси бўлиб, ўткир психологик асарлиги билан эътиборга лойиқдир. Ҳикояда баён қилинишича, улфатчилик қилиб ўтирган учта ўртоқ қандайдир бир жанобнинг ўз-ўзини ўлдирганлиги ҳақидаги воқеани ва бунга нима сабаб бўлиши мумкинлиги ҳақидаги тахминларни муҳокама қилишади. Бу муҳокамада муаллиф тафтишчи вазфасида иштирок этади. У ўртоқлар томонидан илгари сурилаётган барча мулоҳазаларни таҳлил қилади. Охир-оқибат, шундай хулоса келиб чиқадики, ҳеч ким асл ҳақиқатни барибир била олмайди, барча мулоҳазалар фақат тахмин! Муаллиф муҳокама давомида ҳар бир қаҳрамон тилидан ўз-ўзини очишга ёрдам беради.

Гулширий бу борада Андре Мальро услубига амал қилади. Мальро услубига кўра, инсон зотини ҳеч бир бошқа инсон ботиний жиҳатларигача била олмайди, лекин билишга интилиш борасида юритган мушоҳадалари ўша инсоннинг ўз-ўзини англашига ёрдам беради.

«Ҳар доимгидек» ҳикоясида сиёсий қотиллик ҳақида сўз юритилади. Бу воқеага параллел равишда бир-бирига қўшни ишайдиган икки қариянинг қачонлардир ўз ўғилларини йўқотган-лиги ҳақидаги воқеа ҳикоя қилинади. Ўз изтиробларини, қайғусини озгина бўлса-да унитиш, ўзларини овутиш мақсадида ёлгон ўйлаб топадилар. Қария ўз ўғли номидан кампирига хатлар ёзади, қария-она эса доимо уларни ўқийди. Ҳикоячи (муаллиф) хаёлан ўзини гоҳ қария, гоҳ унинг (аслида йўқ) ўғли билан тенглаштиради. Ҳикоячининг мулоҳазалари гўё сувга қармоқ ташланганда унинг атрофида ҳосил бўладиган ҳалқалар сингари маълум бир чегарагача бориб етади, бироқ ҳеч нарсага аниқлик киритмай яна биринчи нуқтага айтади. Шу тариқа образли ўхшатиш орқали Гулширий яна бир бор инсон борлигини билиш мумкин эмас, деган хулосага келади.

Тириклик ва ўлим ҳақидаги мулоҳазалари адибнинг «Дахмэи бароёе самурэ оби» («Мовий сувсар учун ин») ҳикоясида ўз аксини топган. Ҳикоя сюжети телба ўқитувчининг ички монологи шаклида тузилган. Ҳикояда Содиқ Ҳидоят, Жамол Мирсодиқий асарларла-рининг таъсири яққол сезилади. Муаллиф асарда бу адибларнинг ҳикояларидан иқтибослар ҳам келтирган. Асар қадамида учрай-диган ҳар бир нарса ваҳима ва даҳшат, ночорлик туйғуларини уйғотадиган қаҳрамоннинг онг оқимидан иборат.

Х.Гулширийнинг «Марди бо керовотэ сўрх» («Қизил бўйинбоғичли киши») ҳикоясида «бошқа киши қиёфасига кириш», айғоқчи вазифасини бажарувчи бош қаҳрамоннинг асосий иши раҳбариятга С.М. исмли шахс ҳақида маълумот йиғиб беришдан иборат. С.М. нинг қандай инсонлигини, унинг фикрлаш тарзини англаб етиш учун айғоқчи унинг барча хатти-ҳаракатларини такрорлайди ва секин-аста ўзи билмаган ҳолда С.М.нинг ҳис-туйғулари ва шубҳалари исирига айланади. Асарнинг авж нуқтасида С.М. ва айғоқчи учрашади, объект ва субъектнинг ўрни алмашади: айғоқчи унга изқуварлик ҳужжатини кўрсатади, С.М. уни олиб

кўкрагига қистириб кўяди ва кўзига унинг кўзойнагини тақади. Зоҳиран ўзининг изқуварига айланади.

Кўпгина ҳикояларида Гулширийнинг қаҳрамонлари реал ҳаётда эмас, гўёки хаёлотдаги, тушдаги ҳаётда яшайдилар. Улар учун замон ва маконнинг чегараси ва аҳамияти йўқ.

«Ҳар доимгидек» ҳикоялар тўпламидан сўнг ёзилган асарла-рида ёзувчи асарида инсоннинг ички дунёси таҳлили билан боғлиқ муаммолар кўламини кенгайтиради. У «МЕН»ини топиш йўлидаги изланишларнинг бадиий ифодаси сифатида Гулширий «Шоздэ¹ Эҳтежоб» («Шаҳзода Эҳтежоб») повестини ёзади. Айнан мана шу асар адибга жуда катта шухрат келтирди.

Мазкур повестда Қожорлар сулоласидан бўлган шаҳзодалар-нинг учта авлодининг тарихи ёритилади. Асардаги воқеалар ўлими яқинлашган қариянинг аждодлари портретлари қаршисида ўтириб, уларнинг руҳларин билан сўзлашгани, ўз ўтган умрини мушоҳада қилиб, хаёлида гавдаланган (аслида аллақачон вафот этган) аёлининг фикрлари орқали ўзига баҳо бериши орқали баён этилади. Тарих қатларига беркинган воқеаларнинг қария хаёлида қайта жонлантириш орқали ноҳақликлар, хунрезликлар, инсонлар устидан чиқарилган даҳшатли ҳукмлар, хуллас, ўша даврлардаги жамиятда ҳукм сурган энг қабих ва ярамас иллатлар фош этилади.

Повестда ижтимоий ва маиший муносабатлар очиқдан очиқ танқид қилинмайди. Халқ фақат персонажлар хотиралари орқали гавдалантирилади. Гулширийнинг мақсади ижтимоий муносабат-ларнинг таҳлили эмас, балки инсон шахсининг психологик талқини эди.

Асар сўнггида шаҳзода (қария) наслдан-наслга ўтувчи касаллик туфайли вафот этади. Ирсий касаллик уни ҳам жисмонан, ҳам руҳан тамом «тугаши»га олиб келади. У ҳаётини мушоҳада этишга уриниш ҳеч андай натижа бермайди, ва собиқ хизматкори унга унинг-да ўлими ҳақида хабар бериш учун сўнги бор киради. Шаҳзоданинг ўлими

монархиянинг тугаши, яккахокимлик келажаги йўқ тузум сифатида охир-оқибат барибир инқирозга юз тутишига ишорадир.

1971 йилда Гулширийнинг «Кристин ва Кид» номли романи нашр этилади. Адиб учун бу асар «роман ичида роман» услубида асар ёзишга уриниш бўлди. Сабаби, асар «Шаҳзода Дўхтижоб» сингари кучли чиқмади. Асар етти қисмдан иборат ишқий мавзудаги ҳикоя бўлиб, муқаддас китобларда дунёни иратишдаги етти кун ҳақидаги ривоятларни эслатади. Ҳар бир қисмга мазкур ривоятлардан эпиграф келтирилган.

1975 йилда ёзувчининг «Намозхонэ-йэ кучэкэ ман» («Менинг кичкина намозхонам») ҳикоялар тўплами нашр этилади. Мазкур тўпламга киритилган «Арусаке чини» («Хитой кўғирчоғи»), «Бўш ром учун сурат», «Иккови тангада» сингари ҳикоялари бадий баркомоллиги билан характерланади. Кейинги икки ҳикояларда сиёсий маҳбусларнинг ўй-кечинмалари тасвирланди. Улар ҳақиқатан ҳам айбдорми йўқми, ким ҳақ ўзи деган савол кўйилади.

«Хитой кўғирчоғи» ҳикоясида синиқ кўғирчоқ мисолида тақдири чигал, қисмати синиқ қизнинг ҳаёти тавдалантирилади.

«Бэ хўдо фоҳише нистам» («Худо ҳаққи мен фоҳиша эмасман», 1976) ҳикоясининг асосида эса, зиёлиларнинг ҳукумат тизимидагилар билан бўлган зиддиятли, мураккаб муносабати акс этади. Ҳикоя катта авлод ва ёш зиёлилалар ўртасидаги қизгин мунозара, суҳбат тарзида ёзилган.

1990 йили Гулширийнинг «Кейин пайдо бўлиши керак бўлган осилган чавандоз ҳақида ҳикоя» ва «Барэе гўмшўдэе Раи» («Раининг йўқолган қўйи») номли асарлари нашр этилади. Биринчи асари мазмунан тарихий-фалсафий эссе, шаклан повестга яқин. Асар дастлаб 1979 йили Техронда нашр этилган эди. Бироқ ўқувчилар ва танқидчиларнинг кўптеборини торта олмади.

«Раининг йўқолган қўйи» асари уч жилдли романнинг биринчи жилди бўлиб, қолган жилдлари чоп этилмади. Роман

нашрдан чиқиши биланоқ катта шуҳрат қозонди, қайта нашрга руҳсат этилмади. Бироқ 1990 йили Стокгольмда ушбу роман қайта нашр этилди. Иккала асар ҳам ташқи томондан бир-биридан кескин фарқ қилса-да, асардаги руҳ бир-бирига жуда яқин.

Ҳикояда бутун бир ҳудуднинг тарихий тараққиёти фалсафий умумлаштирган. Романда маълум инсоннинг ҳаётидаги аниқ бир воқеа ҳикоя қилинади. Бироқ диққат билан эътибор берилса, асарда чўпон, йўлбошловчи, воқеа образлари орқали, бу мураккаб дунёда инсоннинг ўз ҳаётининг мазмунини топишига, уни адашган йўлидан қайтаришга ёрдам беришга уриниш оҳанглари сезилади.

Гулширий инсон маънавиятидаги фожеали йўқотишлар ҳақида ёзади. Роман тўртта катта бўлимдан иборат бўлиб, бу қисмларда Раи исмли ўқитувчининг шахс сифатида ўзгариши жараёни тасвирланади. Асарда инсоннинг негиз омадсиз эканлигини сабабларини аниқлашга уриниши, ўз ўзини англашга интилиши ва бу жараёндаги ички изтироблари, ўй-мушоҳадалари тасвирланади. Раи хатти-ҳаракатларининг психологик таҳлили жуда ишонарли амалли оширилган, ўқувчи романнинг ҳар бир янги бобида инсон қалбининг янги бир қиррасини кашф этади. Ҳар бир бўлимда ёрқин, тугалланган образ яратилган.

Романнинг биринчи бўлимида тасвирланган воқеалар Раининг ҳаётида бўлиб ўтади. Раининг фикрлари, умидлари, қўрқувлари, ҳис-туйғулари, хотиралари унинг бедор тунда туйқусдан келган хаёлларида қоришиб кетади ва асарда бу жараён қаҳрамоннинг онг оқими шаклида берилади. Раи ёлғизликдан изтироб чекади. У оилада хотиржамлик топамайдиган деган умид билан яшайди.

Раи мактабда ўз ўқувчиларига Шайх Бадриддиннинг қадимий рисоласини ўқиб беради. Рисоладаги қаҳрамоннинг ишқий кечинмалари Раининг қалбидаги кечинмалари билан қиёсланади. Бироқ иккала ҳолатда ҳам қаҳрамонлар жўшқин туйғуларини улар яшаётган жамиятдаги чеклашлар,

қатагонлар туфайли, қалблари тубига «қўмиш»га мажбурлар. Раи хаёлан инсонлар хатти-ҳаракатларини белгилаб берадиган ва назорат қиладиган анъанавий таъқиқлардан қутилиш, улардан чиқиб кетиш чорасини топишни ўйлайди.

Романнинг учинчи бўлимида улфатларнинг қаҳвахонадаги учрашуви тасвирланади. Бу эпизод адибнинг юқорида зикр этилган «Худо ҳаққи мен фоҳиша эмасман» ҳикоясидаги воқеага ўхшаб кетади. Бу билан ёзувчи замонавий зиёлиларнинг маънавий ҳаётидаги ихтилофларга ишора қилади.

Асарнинг «Раининг йўқолган қўйи» деб номланиши ҳам бежиз эмас. «Йўқолган қўй» қаҳрамоннинг (яъни Раининг) йўқотилган қалби. Романдаги мураккаб ассоциативлик Кафканинг машҳур «Қалъа» романи билан ҳамоҳанг.

1989 йилда Швецияда «Араш» нашриётида Ҳушанг Гулширий-нинг «Панж ганж» («Беш хазина») номли янги тўплами чоп этилган.

Адиб ҳаёти, ижодий фаолияти бир текисда кечмади. Уни мағулбиятлар ҳам четлаб ўтмади. Ижодида гоҳ сукунат, гоҳ жўшқинлик ҳукмронлик қилди. Бироқ у сара асарларида етук наср устаси эканлиги кўрсатиб бера олди. Таъкидлаш жоизки у тарихнинг энг қайноқ нуқталарини ва жамиятининг энг долзарб муаммоларини топа билди ва асарларида уларни қўрқмасдан кўтариб чиқди.

Ҳушанг Гулширий авангард йўналишдаги адабиётда ўз овозига эга бўлди. Кўплаб ёш ижодкорлар унга тақлид қиладилар, унга эргашадилар.

Изоҳлар

1. Шоздэ - Қожорлар сулоласига мансуб авлодларга тегишли мансаб.

Маҳмуд Давлатободий (1940)

Маҳмуд Давлатободий 1940 йили Сабзавор яқинидаги Давлат-обод қишлоғида таваллуд топган. Муайян таҳсил олиш имкония-тига эга бўлмаган. Ёшлигида гоҳ этикдўз, гоҳ сартарош, завод ва босмахона ишчиси, театр ходими каби ишларда ишлаган. Театрда ишлаб юрган кезларида жамоатчилик фаолияти туфайли 1975 йил февралда ҳибсга олинади ва икки йил мобайнида тутқин-ликда ўтиради.

Унинг ижодий фаолияти 60-70 йилларда бошланган. Адибнинг биринчи ижодий иши 1962 йили «Анаҳита» журналида чоп этилган. 1968 йилдан бошлаб эса, биринкетин ҳикоялар тўплами дунё юзини кўра бошлайди. Ўзининг 20 йиллик фаолияти мобайнида у ўнлаб кичик ва катта насрий асарлар ёзади. «Хэжрат-э Сулаймон» («Сулаймоннинг кўчиши», 1967), «Лоэҳойэ бийобони» («Биёбон қатлари», 1968), «Авсонэйэ бобо Сўбхон» («Субхон бобо эртаклари», 1970), «Говорэбон» («Чўпон», 1971), «Сафар» (1972), «Бошбирўу» (1973), «Оқил, Оқил» (1974), «Аз хўмэ чанбар» (1974), «Жойе ҳолийе Сўлуч» (1979), «Кэлидар» («Келидар», 1979-1987 йилгача 10 та жилди чиқди), «Мо низ мардўми ҳастим» («Биз ҳам инсонмиз», 1989), «Рўзегорэ сепари шўд-йе мардўме солхўрдэ» («Қарияларнинг ўтган кунлари», 1990) каби қатор асарлар муаллифи.

Унинг энг машҳур, ҳажман салмоқли ҳисобланган асарларидан бири шубҳасиз «Келидар» романидир. Роман 10 та жилддан иборат. Келидар жой ва қабила номи. Асарда ярим кўчманчи қабила ҳисобланган Калмишлардан бўлган деҳқон оиласи тақдирига бағишланган. Асар воқеалари Калэчомон қишлоғидан нарига ўтмасида, замонавий Эрон ҳаётининг кенг қамровли манзараси деб баҳолаш мумкин. Персонажлари мулкдорлар, ҳарбий офицерлар, хизматчилар, карвонбошилар, туя ўғрилари, гиёҳвандлик билан шуғулланувчи жойлар эгалари, чўпонлар ва деҳқонлар, дўкандорлар, фоҳишалар, жандармлар.

даллоллар, маҳбуслар, Эрон халқ партияси аъзолари, ташвиқотчилар ва ҳ.к. хуллас жамиятнинг барча қатламига мансуб инсонлар. Бош қаҳрамон Гулмуҳаммад исмли жасур чўпон. Тақдир тақозоси билан жандармни ўлдириб қўйиб, зиндонга ташланади, зиндондан қочгач деҳқонлар ҳаракатига бошчилик қилади. Охир оқибат ўз яқинлари томонидан сотқинлик қилинади ва ҳалок бўлди. Бу романда адибнинг бошқа асарларидаги сингари ижтимоий тенглик масаласи қўйилади.

Давлатободий асарларининг асосий мавзуси эрон қишлоқларида турмуш тарзи, буржуа муносабатларига ўтаётган жамиятда деҳқонлар ва мулкдорлар ўртасидаги кураш. Ёзувчи шунингдек, 70-80 йиллар Эрон шаҳарларидаги «паст» табақа вакиллари: косиблар, майда ҳунармандлар ҳаётини ҳам қаламга олади. Адиб қишлоқ ҳаёти ва унинг ўзига хос томонлари билан яхши таниш бўлганлиги туфайли, асарларидаги қишлоқ ҳаёти манзаралари ўта ишонарли чиққан.

Маҳмуд Давлатободийнинг ижодида инсоннинг жамиятдаги ўрни ва мавқеи, ахлоқий бурч, инсоннинг ички дунёси, инсон характерининг шаклланиши ва тадрижий тақомили каби реализм тамойиллари илгари сурадиган муаммолар етакчилик қилади.

Маҳмуд Давлатободий асарларида аксарият ҳолларда персо-нажлар ва воқеалар такрорланади. Кўпгина асарларининг компо-зицияси ҳам бир хил. Асар воқеалари тугундан бошланади ва кейинги содир бўладиган воқеа-ҳодисалар шу тугундан келиб чиқиб ривожлантирилади. Муаллиф биринчи саҳифаларданок барча персонажларни иштирок эттиради, давомида уларнинг характерлари ва хатти-ҳаракатлари ривожлантирилади.

Маҳмуд Давлатободий демократик йўналишдаги адиблар намояндаси. У ижтимоий психологик роман ва повестлар муаллифи сифатида машҳур.

Аҳмад Маҳмуд (1931-2003)

Аҳмад Маҳмуд (Аҳмад Аъто) 1931 йили Аҳвон шаҳрида таваллуд топган. Бошланғич ва ўрта таълимни шу ерда олади. Дипломини қўлга киритгунга қадар қиш кунлари таҳсил олиб, ёзда меҳнат қилишга мажбур эди. Аммо мамлакатда рўй бераётган сиёсий нотинчлик кўпгина эрон ёшлари сингари унинг ҳаётига ҳам жиддий салбий таъсир кўрсатди. Тез орада институтда таҳсил олаётган Аҳмад Маҳмуд зиндонбанд қилинади. У гоҳ «Шероз», гоҳ «Жаҳрўм» қамоқхонасида тутқинликда ўтиришга мажбур бўлади, ва охир-оқибат, «Лэнгэ» портига сургун қилинади. Аҳмад Маҳмуд фақат 1958 йилга келибгина озодликка чиқади ва Аҳвонга қайтади. Қисматига қора тамға бўлиб босилган «маҳкум этилган», «қувгинга учраган» номи унинг кейинги ҳаётига ҳам раҳна солди. Аҳмад Маҳмуд иш излаб гоҳ Аҳвон, гоҳ Техрон, гоҳ Жирафт, гоҳ Лўрэстон ўртасида сарсону саргардонликда яшади. Шу йиллар мобайнида бошидан кечирган изтиробли ўйлари, аччиқ қисмати унинг қўлига қалам олишига туртки бўлди. Унинг биринчи ҳикояси «Ўмед-э Ирон» («Эрон умиди») журналида чоп этилди. Шундан сўнг адабнинг кетма-кет ҳикоялар тўплами дунё юзини кўрди. 1959 йили «Мул» («Ахлоқсизлик»), 1960 йили «Дарёё ҳану» «Ором аст» («Денгиз ҳамон осуда»), 1962 йили «Биҳудеги» («Бемаънилик») тўпламлари чоп этилди. Бу тўпламларнинг асосида ўша давр зиёлиларига хос бўлган ғамгин, қайғули пессимистик гоҳ ётади. Асар персонажлари ё боши берк кўчага кириб қолишади ёки ҳалок бўладилар. Масалан, адабнинг «Мул» ҳикоясида бахтсиз бир ногирон инсоннинг ҳаёти тасвирланади. Унинг ҳаётидаги ягона қувончи бўлган ўғли вафот этади ва унинг умид чироғи сўнади. «Мусофир» ҳикоясининг қаҳрамони эса ҳеч ким билан мулоқотга киришишни истамайдиган, одамови, «ўз қобиғига ўралиб олган» «зиёли»ларнинг ёрқин намояндаси. Унинг учун ҳаётнинг ҳеч қандай маъноси йўқ. «Биҳудеги» тўпламига кирган ҳикоялардан бирининг қаҳрамон-лари ёш ўспиринлар

ҳаётининг мазмунсизлиги ва бир хиллигидан зерикиб ўз жонларига қасд қиладилар.

Ёзувчининг «Биҳудеги» номли ҳикояси унинг пессимитик қарашлари энг юқори даражада акс топган ҳикоя сифатида баҳоланади. Бу ҳикояда ошиқ йигитнинг севгидан ҳафсаласи пир бўлиб, умидсизликка тушган пайтдаги ҳолати, унинг руҳий изтироблари тасвирланади. Унинг бундай тушқун кайфиятга тушиб қолишига севгилисининг қабих йўлларга кириб кетганлиги сабаб қилиб кўрсатилади.

Аҳмад Маҳмуд ижодининг илк даврида (60-йилларнинг ўрта-ригача) яратилган барча ҳикояларида Эрон жамятининг маънавий инқирозга юз тутган бир давридаги муҳити акс этган. Ҳикояла-ридаги кўплаб қаҳрамонларнинг тақдири бир-бирига ўхшаш, схематик, персонажлар нутқи «жонли» чиқмаган, аксарият ҳолларда улар насиҳатомуз гапирадилар. Кўпгина асарларининг тили газета тилига яқин, қуруқ. Бу даврдаги ижодида Аҳмад Маҳмуднинг ўзига хос услуби сезилмайди. Оддий кишилар ҳаётини реалистик тасвирлашда, кўпроқ Содиқ Ҳидоят ва Содиқ Чубакка тақлид сезилади. Бироқ модернистик адабиётга хос бўлган пессимистик руҳ адиб ижодининг бошланғич даврида етакчилик қилади.

Ёзувчи изланишдан асло чарчамади. 70-йилларга келиб, унинг ижодида кескин бурилиш бўлди. Адиб энди эпик турнинг катта жанрларидан бири роман ёзишга қўл урди. Унинг 1974 йили Техронда чоп этилган «Ҳамсойеҳо» («Қўшниллар») романи эрон ишчиларининг дунёқараши шаклланишига бағишланган. Машҳур танқидчи Абдолали ДастҒейб мазкур асарни Эрондаги энг яхши *замонавий ижтимоий роман* деб баҳолади. Романда мамлакатда нефть бойликларини миллийлаштириш учун империалистларга қарши кураш ҳаракатлари авж олган давр 50-йилларнинг бошлари қаламга олинган. Романдаги воқеалар мамлакат шимолида жойлашган нефть қазиб чиқариш билан шуғуллана-диган саноат районларидан бирида содир бўлади. Роман персо-нажлари-фақирликда кун кечираётган

ишсизлар. Аҳмад Маҳмуд инсоннинг меҳнат ҳуқуқлари учун курашиб чиниққан ишчи характерининг шаклланиши жараёнини кўрсатиб беради.

Деҳқонлар ҳаёти, уларнинг турмуш-тарзи ҳам Аҳмад Маҳмуд эътиборидан четда қолмади. «Ғарибҳо» («Бегоналар», 1980) новелласи адибнинг сиёсий жиҳатдан ўткир ёзилган асарларидан ҳисобланади. Новеллада Эрон қишлоқларидаги оғир аҳвол ва натижада деҳқонларнинг ўз уйларини ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлаётган муаммолари қаламга олинган. Деҳқонлар бойлик илинжида эмас, балки очлик ва йўқлик туфайли қишлоқларидан кетиб қурол-яроқ ортадиган станцияларда ёлланма ишчи бўлиб ишлашга мажбур. Ҳикоя қаҳрамони Рашид ҳам шундай деҳқонлардан бири. У ҳам уйда қолган хотини, болалари ва кекса отасини боқиш учун ишга ёлланади. Бироқ Рашид ва унга қисматдош деҳқонларнинг меҳнати қадрланмайди. Ахири сабр-косаси тўлган деҳқонлар Неъмат исмли йўлбошчиси раҳбарлигида озиқ-овқат омборларига ҳужум қиладилар ва у ердаги барча озиқ-овқатларни камбағал бечораларга бўлиб берадилар. Кучлар тенг бўлмаган бу тўқнашувларда Неъмат ва унинг елкадошлари мағлубиятга учрайдилар ҳамда уларнинг қисмати фожеали ўлим билан якун топади. Оломон ўз қаҳрамонларининг жасадлари таҳқирланаётган сахнани алам ва нафрат билан кузатади.

Адиб қаламига мансуб «Торихе йек шаҳр» («Бир шаҳар тарихи», 1981), «Заминэ сухтэ» («Куйган замин», 1982) романла-рида ҳам Эрон-Ироқ уруши асоратлари, уруш туфайли инсонлар-га етган кулфатлар, узоқ чўзилган мақсадсиз урушнинг не-не инсонлар ёстиғини қуритгани, отишмалар, очарчилик, касаллик туфайли энг кўп қариялар, болалар ва аёлларнинг азият чекиши ҳаққоний тасвирланади.

Хуллас, ёзувчининг асарлари айни кунда ҳам қайта-қайта нашр этилмоқда ва китобхонларнинг энг сеvimли асарларига айланган.

Аббос Маъруфий (1958)

Замонавий ёзувчилар орасида Аббос Маъруфий (1958 йилда туғилган) авангард йўналишдаги асарлари билан танилган.

Аббос Маъруфийнинг «Самфўнийе мўрдэгон» («Ўликлар симфонияси», 1989) романи танқидчилар ва ўқувчилар орасида катта қизиқиш уйғотди. Шунингдек ёзувчининг «Рубаруйе офтоб» («Қуёш билан юзма-юз»), «Охэрин насле бартар» («Сўнги энг яхши авлод», 1991), «Атрэ жасмин» («Жасмин иси»), «Афсонэҳойе Сангсор» («Сансар афсоналари») номли ҳикоялар тўплами, «Соле балво» («Ғалаёнлар йили») романи ва бир қанча пьесалари нашр этилган.

«Ўликлар симфонияси» романи беш қисмдан иборат бўлиб, улар А, Д, С, В, А деб белгиланган. Биринчи ва сўнги қисм асосий қолипловчи ҳикоя вазифасини ўтайди. Асарда бир кеча-кундузда содир бўлган воқеа қаламга олинсада, уни келтириб чиқарган ҳодисалар Иккинчи Жаҳон урушигача ва ундан кейинги қирқ йил давомида содир бўлганлиги ангашилади. Роман Урхон исмли шахснинг ўз акасини ўлдириш истагида шаҳар чеккасида жойлашган қаҳвахонага йўл олиши билан бошланади ва эртасига унинг ўзининг ўлдирилиши билан яқунланади. Барча ўтмишдаги воқеалар эса асар қаҳрамонлари хаёлида жонлантирилади. Урхон воқеаси қолипловчи ҳикоя вазифасини бажаради. Вақт тушунчаси персонажларнинг онг оқимида шакллантирилади.

Роман мавзуси Ардебил шаҳарчасидаги қаншоқ бир оила тарихига бағишланган. Оила бошлиғи Жобер Урхон бўлиб, бозорда тирикчилик ўтказадиган кичик савдогар. Унинг уч ўғли ва бир қизи бор бўлиб, тўнғич ўғли болалиқдан ногирон бўлиб қолган. Яна бир ўғли Ойдин, шеъриятга, санъатга, китобга қизиққан йигит. Шу туфайли ҳам отасининг назарида у оилага бегонадек. Урхон эса Ойдиннинг тескариси, жоҳил, қўпол барча феъл-атвори отасиникига ўхшаш. Оиладаги

ёлгиз қиз Ойда Ойдиннинг эгизаги бўлиб, кўп жиҳатдан унга ўхшаш. Отаси унга ҳам кераксиз буюмдек муомала қилади. Ойда болалигиданоқ ота-она меҳрига интиқиб улғайди. Маъруфий романни Хобил ва Қобил ҳақидаги Қуръондаги ривоят билан бошлайди ва ўқувчини биродаркушлик ҳақидаги ҳикояга тайёрлайди. Воқеалар баъзан персонажлар монологи, баъзан муаллиф нутқи ёки баёни воситасида ҳикоя қилинади. Алоҳида монологларда Ойдин ва Ойданинг болалигида отасининг уларга ўтказган зулми, Ойданинг мажбурий эрга берилиши ва кейинчалик ўз-ўзини ёқиб юбориши, отаси томонидан Ойдиннинг уйдан қувғин қилиниши ва унинг китобларининг ўтга ташланиши, Урхоннинг охири ажралиш билан тугаган вақтинчалик никоҳи каби воқеалар баён этилади. Бу воқеаларнинг барчаси биргаликда Ойдин ва Урхон фожеаси сабабларини ифодалайди.

Романнинг биринчи қисми Урхонга бағишланган бўлиб, асарда ўзига хос экспозиция вазифасини бажаради.

Иккинчи асосий қисм, ўн бешта бобдан иборат бўлиб Ойдин ва қисман оила тарихи ҳикоя қилинади.

Учинчи қисм Ойдиннинг мархума хотини Сурмелининг хотиралари тарзида ёзилган. Унинг моноглари орқали оиладаги ҳақиқий фожеа, қаҳрамонларнинг ички кечинмалари ва изтироблари баён этилади.

Тўртинчи қисм Ойдин томонидан ҳикоя қилинган воқеалардан иборат. Бунда Ойдиннинг хотини ва акаси билан бўлган муносабатлари очиб берилади. Бу қаттиқ тушкунликка учраган, ақлини йўқотишгача борган инсон ҳикоясидир.

Романнинг сўнги қисмидагина ўқувчи Ойдиннинг бундай аҳволга тушишига акаси томонидан унга кам миқдорда бериб борилган заҳарловчи ўт сабабчи эканлиги аён бўлади.

Асар сўнгида яна жоҳил Урхон қиёфаси гавдаланади. Укасини ўлдиришга отланган Урхон қоронғу тунда, совуқдан тентираб бир пана жойга беркиниб олади. Шу ерда

Ўтирганида ҳали вужудининг аллақаерида сақланиб қолган виждон куртаклари унга азоб бера бошлайди ва у ўзининг барча қилмишларини бирма-бир эслайди: оқсоқ акаси Юсуфнинг ўлдирилиши, опасининг ўз жонига қасд қилиши буларнинг барчасига кўз ўнгидан ўтади. У ўзи қазиган жаҳолат ботқоғига ўзи ботади. Урхон шўр сувли кўлга чўкиб ҳалок бўлади. Кўлдаги ботқоқ асарда ёмонлик рамзи сифатида намоён бўлади.

«Ўликлар симфонияси» романида инсонларнинг яқинлари ҳуқуқини менсимаслик, ахлоқлик, мутаассиблик, жоҳиллик каби ярамас иллатлари қораланади. Ҳамиятдаги ёмон иллатлар кичкинагина оиладаги муносабатлар ва муаммолар фонидида очиб берилади.

Романда ҳикоячи нутқи йўқ. Муаллиф ўта моҳирлик билан бу вазифани Урхан, Ойдин ва Сурмелинага топширган. Ҳар бир персонажнинг ички монологи ва бир-бирларига берган характеристикаси орқали уларнинг характери очиб берилади. Воқеаларнинг хулосаси китобхонга қолдирилади.

Хуллас, Аббос Маъруфий ижодида биз юқорида фикр юритган ёзувчилар услубига умуман ўхшамаган образларга янгича ёндашув, янгича талқинни кўрамиз.

ХУЛОСА

Форс насри илдизлари Эронда ўрта асрлардаёқ кенг тарқалган насрий жанрлар системасига бориб тақалади. Ўрта асрга хос насрчилик XIX асрнинг иккинчи ярмигача, яъни Эронда маърифатчилик йўналиши ривожлангунга қадар сақланиб қолди.

Бой адабий мерос ва ижтимоий-маданий, сиёсий-иқтисодий ҳаётда бўлган ўзгаришлар, Европа маданияти билан яқиндан танишув, Дорилфунуннинг очилиши, нашриёт ишларининг йўлга қўйилиши, таржима адабиётининг ривожланиши Эронда янги типдаги насрий жанрларнинг равнақ топишига туртки бўлди.

Европа адабиёти билан бўлган муносабат орқали Эрон адабий ҳаётига реализм, модернизм ва унинг турли кўринишлари кириб келди. Мазкур адабий йўналишларда ижод қилувчи ёзувчилар авлоди етишиб чиқдилар. Ўткир сатирик насрий асарлар ёзилди. Инсон ҳис-туйғулари, қалбининг туб-тубида беркинган орзу-истаклар, унинг онгида кечаётган ғалаёнлар муҳрланган психологик романлар дунёга келди. Уларни ўқиётганингизда ўз-ўзингизни кашф этаётгандек, ҳайратга тушасиз.

Мен XX аср Эрон насрини тубсиз уммонга қийсламан. Унга шўнғиган ғаввос албатта ўзи учун гавҳар топа билади. Эрон романлари, ҳикоя ва қиссаларида ақл-заковатга йўғрилган халқ донишмандлиги-ю жамият тараққиётининг энг сўнги ютуқлари ўз аксини топган. Аҳмад Маҳмуд, Маҳмуд Давлатободий, Хушанг Гулширий, Исмоил Фасих, Маҳмуд Киёнуш, Шахруш Порси-пур, Аббос Маъруфий...булар сафига яна қанча ёш ва истеъдодли ёзувчилар келиб қўшилмоқда. Мақсадимиз келгусида бу адиблар ижоди билан чуқурроқ танишиш, асарларини ўзбек тилига ўгириш ва таҳлил қилиш. Бу эзгу ниятнинг амлага оширилиши бугунги кун Эрон халқининг орзу-умидлари, турмуш-тарзи ва маданияти билан, қолаверса, адабий жараёнларда содир бўлаётган янги-ликлар билан янада яқинроқ танишиш имконини беради.

Шу сабабли, XX аср Эрон насри мавзусига нуқта қўймоқчи эмасмиз. Зеро, изланишлар энди бошланди.

АДАБИЁТЛАР

Форс тилидаги манбалар

1. Афғоний Али Муҳаммад. Шўвҳаре Оҳу хонум. -Техрон, 1962.
2. Афғоний Али Муҳаммад. Шодкомонэ дарэе Қорасув. -Техрон, 1966.
3. Давлатободий Маҳмуд. Келидар (1-10). Фарҳанге маосир. -Техрон, 2005.
4. Алавий Бўзург Мўжтабо. Чешмҳояш. -Техрон, 1952.
5. Алавий Бўзург Мўжтабо. Номэҳо. -Техрон, 1952.
6. Алавий Бўзург Мўжтабо. Мирзо. -Техрон, 1978.
7. Алавий Бўзург Мўжтабо. Солорихо. -Техрон, 1978.
8. Гулистон Эброҳим. Асрорэ ганже дарэе женни. -Техрон, 1974.
9. Гулистон Эброҳим. Ояндегон. Март, 1970.
10. Гулширий Ҳушанг. Мэсле хамише. -Техрон, 1968.
11. Гулширий Ҳушанг. Шоздэ Эҳтэжоб. -Техрон, 1969.
12. Гулширий Ҳушанг. Кристин ва Кид. -Техрон, 1971.
13. Гулширий Ҳушанг. Барэе гўмшўдэе Раи. Стокгольм, 1990.
14. Гулширий Ҳушанг. Намозхонэе кучеке ман. -Техрон, 1975.
15. Давлатободий Маҳмуд. Авсонэе Бобо Сўбхон. -Техрон, 1968.
16. Давлатободий Маҳмуд. Говорэбон. -Техрон, 1971.
17. Давлатободий Маҳмуд. Кэлидар. -Техрон, 2005.
18. Давлатободий Маҳмуд. Сафар. -Техрон, 1972.
19. Донешвар Симин. Шаҳри чун беҳешт. -Техрон, 1961.
20. Донешвар Симин. Савушун. -Техрон, 1969.
21. Жамолзоде Муҳаммад Али. Йеки будў йеки набуд. -Берлин, 1922.
22. Жамолзоде Муҳаммад Али. Талх-ў ширин. -Техрон, 1955.
23. Жамолзоде Муҳаммад Али. Кўҳнэ ва ноу. -Техрон, 1959.
24. Жамолзоде Муҳаммад Али. Қэссэҳойе кутох баройе баччеҳойе ришдор. -Техрон, 1973.
25. Киёнуш Маҳмуд. Дар онжо ҳич кас набуд. -Техрон, 1966.
26. Киёнуш Маҳмуд. Ғаввос ва моҳи. -Техрон, 1990.
27. Маруфий Аббос. Самфонийе мурдэгон. -Техрон, 1989.
28. Марогэи Зайнал-Обидин. Саёҳатномэе Эброҳимбек ё балойе таассўбэ у. -Техрон, 1975.
29. Маҳмуд Аҳмад. Мадоре сефр даражэ. (Ж: 1,2,3) -Техрон, 2005.

30. Маҳмуд Аҳмад. Мул. -Техрон, 1959.
31. Маҳмуд Аҳмад. Дарё ҳануз ором аст. -Техрон, 1960.
32. Маҳмуд Аҳмад. Биҳудэги. -Техрон, 1962.
33. Маҳмуд Аҳмад. Пэсараке буми. -Техрон, 1971.
34. Маҳмуд Аҳмад. Ҳамсойэҳо. -Техрон, 1974.
35. Маҳмуд Аҳмад. Достоне йек шаҳр. -Техрон, 1981.
36. Мирсодиқий Ҷамол. Дэрознайе шаб. -Техрон, 1962.
37. Мӯдарресий Тақи. Якулиё ва танҳойе у. -Техрон, 1955.
38. Нафисий Саид. Фарангис. -Техрон, 1931.
39. Нафисий Саид. Нимероҳи беҳешт. -Техрон, 1952.
40. Оле Аҳмад Ҷалол. Зане зийоди. -Техрон, 1953.
41. Оле Аҳмад Ҷалол. Саргузаште кандуҳо. -Техрон, 1954.
42. Оле Аҳмад Ҷалол. Мӯдирэ мадрасэ. -Техрон, 1954.
43. Оле Аҳмад Ҷалол. Нэфрине замин. -Техрон, 1967.
44. Порсипур Шаҳрнуш Саг ва зэмэстонэ буланд. -Техрон, 1976.
45. Фасих Эсмоил. Сӯрайё дар эғмо. -Техрон, 1983.
46. Чубак Содеқ. Санге сабур. -Техрон, 1967.
47. Хӯкуқий Муҳаммад. Адабиёте эмрузе Ирон. -Техрон, 1998.
48. Миробидиний Х. Сад соле дostonнависийе Ирон. Желде 1 ва 2; 3 ва 4. -Техрон, 2004.

Илмий адабиётлар

1. Алимасов В. Фалсафа ёхуд фикрлаш лаззати. -Т., 2001.
2. Адабий турлар ва жанрлар. (Тарихи ва назариясига оид) Уч жилдлик, 1-жилд, ЭПОС. -Т.: Фан, 1991.
3. Бабенко Л.Г. Филологический анализ текста. Основы теории, принципы и аспекты анализа. -М.: Академический проект, 2004.
4. Бахтин Эстетика словесного творчества. Изд-е 2-е. -М., 1986.
5. Бертельс Е. Э. История литературы и культуры Ирана. -М., 1988.
6. Брагинский И.С. Из истории персидской и таджикской литератур. -М., 1972.
7. Брагинский И.С. Литература Востока в новое время. -М., 1975.
8. Брагинский И.С. Литература Востока в новейшее время (1917-1945). -М., 1977.
9. Брагинский И.С. Иранская сказочная энциклопедия. -М., 1977.
10. Брагинский И.С. Иранское литературное наследие. -М., 1984.

11. Бурджанадзе М.Ш. Тенденции развития психологической новеллы в современной персидской литературе. Автор. дис. канд. филол. наук. -Боку, 1985.

12. Бютор Мишель. Роман как исследование. -М., 2000.

13. Генезис романа в литературах Азии и Африки. -М., 1980.

14. Гинзбург Л.Я. О психологической прозе. -Л., 1977.

15. Гиунашвили Л.С. Крестьянский вопрос в современной персидской прозе. -Тбилиси, 1977.

16. Гиунашвили Л.С. Проблема становления и развития реализма в современной персидской прозе. -Тбилиси, 1986.

17. Гиунашвили Л.С. Творческий путь Саида Нафиси. -Тбилиси, 1976.

18. Дорри Дж.Х. Мохаммад Али Джамальзаде. -М., 1983.

19. Дорри Дж. Персидская сатирическая проза. -М.: Наука, 1977.

20. Дорри Дж. Литература современного Ирана (персидская проза XX века) Учебное пособие. -М., 1998.

21. Дорри Д.Х. Персидская литература XX века. -М.: Муравей, 2005.

22. Дорри Дж. Художественные традиции литератур Востока и современность. Традиционализм на современном этапе. -М., 1986.

23. Жареный гусь: Юмористические и сатирические рассказы. -М., 1963.

24. История персидской литературы XIX-XX веков. -М., 1999.

25. Кадыров Г. Современный персидский исторический роман. -Душанбе, 1982..

26. Кирпиченко В.Н. Современная египетская проза, 60-70-годы. -М., 1986.

27. Кляшторина В.Б. Иран 60-70-годов. От культурного плюрализма к исламизации духовных ценностей. -М., 1990.

28. Козимий М. Курқинчли Техрон. -Т., 1990.

29. Комиссаров Д.С. Пути развития новой и новейшей персидской литературы. -М., 1982.

30. Кор-оглы Х.Г. Современная персидская литература: Курс лекций. -М., 1965.

31. Критический реализм XX века и модернизм. -М., 1967.

32. Левковская Р.Г. За нарядном фасадом//Современная иранская новелла, 60-70- годы. -М., 1981.

33. Левковская Р.Г. Литература Ирана // Литература Востока в новое время. -М.: МГУ, 1975.
34. Литература стран зарубежного Востока 70-х годов. Реализм на новом этапе. -М., 1982.
35. Луков Вл. История литературы. Зарубежная литература от истоков до наших дней. 2-е издание. М.: Академия, 2005.
36. Марагаи Зайн ал-Абидин. Дневник путешествия Ибрахим-бека, или его злоключения по причине фанатической любви к Родине. -М., Л., 1985.
37. Марр Ю.Н. О романе Хосрови «Шамс и Тогра». -Тбилиси, 1964.
38. Махальский Ф. Персидский исторический роман XX века. -М., 1972.
39. Мориер Джеймс. Похождения Хаджи Бабы из Исфахана. -М., 1970.
40. Мовсесян Г. Творчество Бозорга Аляви. Ереван, 1980
41. Пезешк-зод И. Дядюшка Наполеон. -М., 1981.
42. Рипка Я. История персидской и таджикской литературы. -М., 1970.
43. Содик С. Ижоднинг ўттиз лаҳзаси. -Т., 2005.
44. Теория литературы в двух томах. Том 1, 2. М.: Академия, 2004.
45. Теория литературы. Литературный процесс. ИМЛИ РАН. М.: Наследие, 2001.
46. Эрон адабиёти хрестоматияси (Тузувчилар: Ж.Э.Хазраткулов, М.Ш. Абдусаматов). -Т., 1992.
47. Хазраткулов Д.Э. Художественная проза Голамхосейна Саэди. Автор. дис. ...канд.фил.наук. -М., 1977.
48. Хожамуродов О. Насри зеҳнгарои форсии Эрон дар қарни XX (поэтикаи жанр). -Душанбе, 2003.

انتشار عروة الوثقی و دیگر روزنامه‌ها تکامل یافت. نثر ابداعی و تخیلی از دیگر گونه‌های نثر معاصر فارسی است. قبل‌ها نیز چنین نثری در زبان فارسی بوده است. لیکن در این دوره تحت تأثیر فرهنگ اروپایی رشد چشمگیری یافت. این بخش از نوع ادبی در ادبیات معاصر ایران بسیار فربه و نویسندگان فراوانی داشته است و در تحلیل آن کتاب‌های زیادی نوشته شده است که برخی از آن‌ها در متن کتاب حاضر آورده شده است.

در راستای معرفی ادبیات معاصر در کشور ازبکستان پس از انتشار کتاب ادبیات معاصر ایران بخش نظم در سال گذشته اینک توفیق آن داشتیم که با ترجمه و گردآوری نثر معاصر فارسی ایران این بخش فخیم ادبیات امروز ایران نیز به علاقه‌مندان ادبیات معاصر ایران معرفی گردد. این کار با کوشش پیگیر و زحمت بی‌شائبه‌ی خانم دکتر سروناز ساتیب‌الدیوا از استادان دانشگاه شرق شناسی به زیور طبع آراسته شد ضمن تشکر از ایشان امیدوار است که این کتاب بتواند گشاینده‌ی راهی باشد برای محققان امروز ازبکستان تا با ادبیات معاصر فارسی بیش از گذشته آشنا شوند و قلم زنند.

دکتر عباسعلی وقایی

رایزن فرهنگی سفارت جمهوری اسلامی ایران

ازبکستان - تاشکند

تابستان ۱۳۸۵

به نام خدا

مقدمه

نثر فارسی معاصر تحولات زیادی داشته است. با ظهور مظاهر تمدن اروپایی چون چاپ و انتشار روزنامه و ترجمه‌ی آثار ادبی و تاریخی شتاب بیشتری یافت. زبان نثر با گذشته متفاوت شد و به سادگی گرامید و تقسیم بندی آن بیشتر جنبه‌ی موضوعی یافت، از این تقسیم‌بندی‌ها می‌توان به نثر تحقیقی اشاره نمود که نمایندگان این نثر کسانی بودند که با زبان اروپایی آشنا می‌داشتند و شیوه‌ی تحقیقی آنان را تتبع نمودند مرحوم علامه دهخدا و محمدقزوینی و محمدعلی فروغی و سعید نفیسی و رشید یاسمی و جلال همایی و بسیاری دیگر از چهره‌های برتر معاصر در این بخش است. نوع دیگر از نثر معاصر فارسی، نثر ادبی را می‌توان برشمرد این نوع نثر با تقلید از مکتب رمانیسم اروپا با تخیل و رؤیا در ایران آغاز شد. یوسف اعتصام‌الملک، علی دشتی، جواد فاضل و حسینعلی مسنعان از این گروه به شماراند. دیگر نوع نثر این دوره نثر روزنامه‌ای است که با میرزا صالح شیرازی آغاز شد و به

МУНДАРИЖА

Кириш	3
-------------	---

I боб. Илк насрий асрлар	13
Янги давр эрон насрининг шаклланиши (XIX асрнинг иккинчи ярми-XX асрнинг биринчи ўн йиллиги)	17
Сафарнома	17
Ижтимоий-сиёсий рисоалар	24
Ёзишмалар жанри	30
Диалогик шакл	31
Халқ қиссалари	33
Пъеса	34
Публицистик роман	35
Повесть	40
Янги типдаги ҳикоя жанри	42
Фелъетон, памфлет	43
Таржима адабиёти	45

II боб. XX аср Эрон насрининг ўзига хос хусусиятлари	52
Таржима адабиёти ва танқидчилик	58
Драматургия	62
Романнавислик	65
Тарихий романлар	66
Ижтимоий роман	79
Повесть	85
XX аср Эрон адабиётининг намояндалари	89
Муҳаммад Али Жамолзода	89
Содиқ Ҳидоят	100
Бузург Алавий	105
Содиқ Чубак	111
Жалол Оле Аҳмад	116
Иброҳим Гулистон	120
Ираж Пезешкзод	123
Хусрав Шоҳоний	130
Симин Донэшвар	131
Тақи Мударрисий	133
Баҳром Содиқий	135
Жамол Мирсодиқий	139
Фуломҳусайн Соидий	141
Исмоил Фасих	145
Маҳмуд Киёнуш	149
Шаҳрнуш Порсиғур	151
Ҳушанг Гулширий	154
Маҳмуд Давлатободий	161
Аҳмад Маҳмуд	163
Аббос Маъруфий	166
Хулоса	169
Фойдаланилган адабиётлар	170

Тавенг эфириди

АЙРИҚИЛИК

Илмий нашр

Сотиболдиева Сарвиноз Рўзиевна

*XX АСР
ЭРОН НАСРИ*

Монография

**ЎзФА «ФАН» нашриёти. 100047, Тошкент шаҳри,
академик Я. Фуломов кўчаси, 70.**

**Муҳаррир: Ж. Муҳаммад
Мусахҳиҳ: Б. Юсупов
Дизайнер: М. Ботирова
Компьютер ишлари: С. Ҳасан**

**Теришга берилди: 29.06.2006. Босишга рухсат этилди: 25.08.2006
Ҳажми: 11,0 б.т. Бичими 60x84 1/16. Адади: 1000 нусха. Баҳоси
шартнома асосида.**

نثر معاصر ایران

دکتر سروناز ساتیب آلدیوا



رایزنی فرهنگی

سفارت جمهوری اسلامی ایران

ازبکستان - تاشکند